

# СОЛИҚ ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 1-2 (1377-1378) • 2021 йил 12 январь

ISSN 2010-524X

## УШБУ СОНДА

Ресурс солиқларини ким тўлайди – ижарага берувчиси ёки ижарага олувчи?

3-бет

2019 йилда тақдим этилган ҳисобварақ-фактура суммасига тузатишни қандай киритиш мумкин?

4-бет

Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотнинг солиқ ҳисоби

6-7-бетлар

Бино бузилди. Компенсация олиниши қандай бухгалтерия ўтказмалари билан расмийлаштирилади?

8-бет

Қонун ҳужжатларида қандай янгиликлар бор?

9-24-бетлар

Январь. Солиқ тўловчининг тақвими

25-26-бетлар

2021 йилда Фойда солиғи қандай тўланади

buxgalter.uz экспертларидан тушунтириш

27-бет

Камомад бухгалтерия ҳисобида қандай акс эттирилади

29-бет

Божхона почтаси: БЮД қанча муддатда расмийлаштирилади, ветеринария препаратларини импорт қилишга имтиёз борми?

30-31-бетлар

## ҚҚСни ҚАЙТАРИШДА НИМАЛАР ЎЗГАРИШИ МУМКИН

Давлат солиқ қўмитаси қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқди.

Солиқ маъмуриятчилиги самардорлигини ошириш ва ҚҚСдан асоссиз равишда фойда олиш фактларини бартараф этиш мақсадида Қўшилган қиймат солиғи суммаси ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомига (ВМнинг 14.08.2020 йилдаги 489-сон қарори билан тасдиқланган) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш режалаштирилмоқда.

Илованинг 20-бандини қуйидаги тахрирда баён этиш таклиф қилинмоқда:

- «Камерал солиқ текширувини ўтказиш даврида солиқ органи Солиқ кодексининг 145-моддасида назарда тутилган тартибда ҳудудни ва биноларни кўздан кечириш, Солиқ кодексининг 146-моддасида назарда тутилган тартибда ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳамда Солиқ кодексининг 147-моддасида назарда тутилган тартибда учинчи шахслардан ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга.».

Низомнинг 25-бандини солиқ суммасини қайтаришни рад этиш тўғрисида қарор қилинадиган қуйидаги ҳолатлар билан тўлдириш таклиф қилинмоқда:

- ҳуқуқни суиистеъмол қилиш, шу жумладан, солиқ тўловчи томонидан ҳисобга олинандиган солиқ суммасини қонунга хилоф равишда ошириш ёки тўланадиган солиқ суммасини камай-



Қ Қ С

тириш схемаларининг қўлланиши натижасида асоссиз солиқ нафи олинганлик ҳолатлари аниқланганда;

- солиқ тўловчи томонидан иқтисодий мазмунига мос келмайдиган хўжалик операцияларини ҳисоботда акс этирилиши ва контрагентни танлашда лозим даражада эҳтиёткорлик қилиш бўйича мажбуриятни бажарилмаслиги натижасида асоссиз солиқ нафи олиниши ҳолатлари аниқланганда;

- солиқ тўловчи томонидан амалга оширилган битим (операция)нинг асосий мақсади солиқ суммасини тўламаслик (тўлиқ тўламаслик) ва (ёки) ҳисобга олиш бўлган ҳамда битим (операция) бўйича мажбурият солиқ тўловчи билан тузилган шартнома-нинг тарафи бўлмаган шахс ёки битимни (операцияни) бажариш мажбурияти шартнома ёки қонун бўйича юклатилмаган шахс томонидан бажарилган ҳолатлар аниқланганда;

- солиқ тўловчи ва унга товарларни (хизматларни) етказиб бериш бўйича операциялар кетма-кетлигида иш-

тирок этган контрагентлар томонидан ҚҚС ҳисобланмаганда (тўлиқ ҳисобланмаганда);

- ҳисобга олиш ҳуқуқини берувчи товарлар (хизматлар)ни харид қилиш ва сотиш бўйича операциялар кетма-кетлигида иштирок этган етказиб берувчиларда (контрагентларда) ушбу товарларни кирим қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда;

- солиқ тўловчи томонидан асоссиз солиқдан наф олишига олиб келадиган, товарларни (хизматларни) етказиб бериш операциялари кетма-кетлигида иштирокчи шахсларни ўзаро боғлиқлиги (ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа назорат остидаги) аниқланганда.

Низомда бошқа ўзгартиришлар ҳам назарда тутилган.

Лойиҳа ўзгартирилиши, унга қўшимча киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

Лола АБДУАЗИМОВА.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ  
қўмитасига

Қорақалпоғистон Республикаси,  
вилоятлар ва Тошкент шаҳар  
Давлат солиқ бошқармаларига

Қорақалпоғистон Республикаси  
Молия вазирлиги, вилоятлар ва  
Тошкент шаҳар молия бошқармаларига

## ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШ ТАРТИБИГА 2021 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДА

### АХБОРОТ ХАБАРИ

Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги ва «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлари қабул қилинганлиги муносабати билан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республика-

сининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2021 йилнинг 1 январидан бошлаб юридик ва жисмоний шахсларга солиқ солиш тартибига киритилган асосий ўзгаришларни маълум қилади.

Юқорида кўрагиб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг электрон нусхаси Молия вазирлигининг сайтыда ([www.mf.uz](http://www.mf.uz)) жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тў-

рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси таркибига акциз солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари, яқна тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинандиган даромад солигининг қатъий белгиланган миқдори ставкалари, шунингдек ушбу ставкаларни қўллаш билан боғлиқ айрим нормалар киритилиши назарда тутилган.

# 2021 ЙИЛДА СОЛИҚ СОЛИШДА КАТТА

Молия вазирлигининг «Юридик ва жисмоний шахсларга солиқ солиш тартибига 2021 йил 1 январдан киритилаётган ўзгаришлар тўғрисидаги ахборот хабари»\* эълон қилинди (рўйхат рақами 06/04-01-02-32/3200-сон, 2020 йил 30 декабрь). Ушбу хужжатда нималарга эътибор берилиши ҳақида бизнинг шарҳда ўқинг.

Сўнгги бир неча йиллардан фаркли ўларок 2021 йилда солиқ тизимига туб ўзгартиришлар киритилмагани бухгалтерлар учун улар ишини енгилаштирадиган хуш янгилик бўлди.

Алкоголь маҳсулотларини (шу жумладан пивони) чакана сотиш билан шугулланувчи дўконлар, шунингдек бозор ва савдо комплекслари бухгалтерларининг ишлари бироз кўпаяди. Мазкур хўжалик юритувчи субъектлар тушум хажмидан қатъи назар, ҚҚС ва фойда солигини тўлайдилар, шу сабабли бухгалтерлар тезкорлик билан ушбу солиқларни ўзлаштириб олишларига тўғри келади.

Ўқувчиларга қулай бўлиши учун энг муҳим маълумотларни жадвалга тўппладик:

Нималар сақлаб қолинди	Нималар ўзгартирилди
	<b>Кўшилган қиймат солиғи</b>
Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби ҳамда солиқ ставкаси аввалгидек – 15% миқдорда сақлаб қолинди	Тўлиқ ёки қисман халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари (қарзлари, кредитлари) ҳисобига Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида юридик шахслар томонидан сотиб олиннадиган товарлар (хизматлар) солиқдан озод қилинади (30.12.2019 йилдаги ЎРҚ-599-сон)
Товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмаси бир ойда 1 млрд сўмдан ошмайдиган солиқ тўловчилар учун солиқ даври чорак ҳисобланади	Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари ҳисобига имтиёزلарни қўллаш тартиби аниқлаштирилди. Энди, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг қарзлари ҳисобига сотиб олиннадиган товарлар (хизматлар)ни реализация қилиш бўйича айланма ва уларни олиб кириш, агар озод қилиш қонунда назарда тутилган бўлса озод қилинади
	<b>Акциз солиғи</b>
Акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби сақлаб қолинди	Акциз солиғи ставкалари энди Солиқ кодекси билан белгиланади (289 <sup>1</sup> -289 <sup>3</sup> -моддалар). Бунда олиб киришда акциз солиғини ҳисоблаб чиқаришда Президентнинг 29.06.2018 йилдаги ПҚ-3818-сон қарорининг 2-бандига мувофиқ амал қиладиган ТИФ ТН кодлари қўлланилади. 73 турдаги товарлар бўйича акциз солиғи бекор қилинди. Якуний истеъмолчига сотиладиган, олиб кирилган акциз тўланадиган товарларни (бензин, дизель ёқилғиси, суолтирилган ва сикилган газ) ўз эҳтиёжлари учун ишлатилганда, солиқ тўловчилари бўлиб ушбу товарларни ўз эҳтиёжлари учун олиб киришни амалга оширган шахслар ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчилар томонидан туристик йўналишларда ташкил этилган дегустация ҳудудларида (жойларида) реализация қилинадиган табиий вино (шиша идишдагилардан ташқари) маҳсулотлари солиқ солиш объекти ҳисобланмайди

\*«СБХ» мазкур сонининг хужжатлар пакетида берилмоқда.

Нималар сақлаб қолинди	Нималар ўзгартирилди
	<b>Фойда солиғи</b>
Фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг 2020 йилда амалда бўлган тартиби, шунингдек солиқ ставкалари сақлаб қолинди	1 январдан бошлаб СК 304-моддасининг 8, 9, 14, 15 ва 17-бандларига мувофиқ келиб тушган маблағлар ҳисобидан олинган ёки сотиб олинган (барпо этилган), шунингдек солиқ ва божхона имтиёзлари берилганлиги натижасида бўшаган маблағлар ҳисобидан олинган ёки сотиб олинган (барпо этилган) мол-мулклар амортизация қилинадиган активлар деб эътироф этилмайди ва амортизация қилинмайди Амортизацияланадиган активнинг қиймати қайта баҳолашни ҳисобга олмаган бошланғич қийматидан ҳисобланадиган амортизация ажратмалари орқали харажатлар жумласига киритилади. 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра бухгалтерия ҳисоби маълумотларига асосан солиқ тўловчида мавжуд бўлган, илгари ўтказилган қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда амортизацияланадиган активлар қиймати солиқ солиш мақсадида бошланғич қиймат ҳисобланади. 2021 йил 1 январдан бошлаб солиқ тўловчи томонидан кейинги ҳисобот (солиқ) даврларида амортизацияланадиган активлар қийматини қайта баҳолаш амалга оширилганда, амортизация ажратмаларини ҳисоблашда солиқ солиш мақсадлари учун бундай қайта баҳолаш натижаси ҳисобга олинмайди
Солиқ органлари бўнақ тўловларини олдинги ҳисобот даври асосида ҳисоблайдилар Бунда солиқ тўловчи чоракнинг биринчи ойи 10-санасига қадар жорий чоракда қўйилган фойда суммасидан келиб чиққан ҳолда, бўнақ тўловлари суммаси тўғрисида солиқ органларига маълумотнома тақдим этиш ҳуқуқига эга	
	<b>Жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи</b>
Жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби ҳамда 12 фоиз миқдорда солиқ ставкаси сақлаб қолинди Қатъий белгиланган миқдорлардаги солиқни тўловчи солиқ тўловчилар учун 2020 йилда амалда бўлган солиқ ставкалари миқдори сақлаб қолинди	Мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари индексация қилинди. Улар «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунга 8-иловада белгиланган. 2021 йилдан бошлаб қатъий белгиланган миқдорлардаги солиқни тўловчи солиқ тўловчилар учун солиқ ставкалари Солиқ кодексида белгиланади
	<b>Ижтимоий солиқ</b>
Ижтимоий солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби ҳамда солиқ ставкалари 2020 йилда амалда бўлган миқдорда сақланиб қолинди: • юридик шахслар учун – 12%; • бюджет ташкилотлари учун – 25%	Ижтимоий солиқни 1% миқдорда тўлаш бўйича имтиёз амал қилмайди

**УШБУ СОНДА:**

- **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**  
– ҚҚСни қайтаришда нималар ўзгариши мумкин  
– Юридик ва жисмоний шахсларга солиқ солиш тартибига 2021 йил 1 январдан киритилаётган ўзгаришлар тўғрисида ахборот хабари **1-бет**
- **СОЛИҚ СОЛИШ**  
– 2021 йилда солиқ солишда катта ўзгаришлар бўлмайди  
– Қоғоз нусхаси кифоя  
– Қандай ҳолларда ижарага олувчи ресурс солиқларини тўлаши керак  
– Зарарларни ўтказиш қондалари  
– Товар белгисини сотиб олиш  
– Ҳисоббарақ-фактура суммасига тузатиш киритиш  
– Ер солиғини тўлаш муддати 15 январга қадар узайтирилди  
– 2021 йилда фойда солиғи қандай тўланади  
– 2021 йил учун ер солиғи ҳисоб-китоби қандай тўлдирилади

- ТМЗ камомати қандай ҳисобдан чиқарилади **2-4, 27-29-бетлар**
- **ҚҚС ҲАҚИДА**  
– Ўз эҳтиёжлари учун қурилишда ҚҚС юзага келадими **5-бет**
- **АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ**  
– Яроқсиз маҳсулотларнинг ҳисоби ва солиқ оқибатлари **6-7-бетлар**
- **ЖАВОБ БЕРАМИЗ**  
– Бино бузилганлиги учун компенсация  
– Квартира – бу тайёр маҳсулот  
– Гудвиллни ҳисобга оламиз **8-бет**
- **ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**  
**Ўзбекистон Республикасининг қонунари:**  
– «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»;  
– «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида».

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори**  
– «Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» (Кўчирма).  
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:**  
– «Жаҳон банки иштирокида «Ўзбекистонда шаффоф ва кенг бозор иқтисодиётига ўтишни ривожлантириш сиёсатини қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»;  
– «Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хузуридаги экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан экспорт қилувчи ташкилотларга молиявий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»;  
– «Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмақлашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида».  
**Ўзбекистон Республикаси Молия вазир-**

лигининг Юридик ва жисмоний шахсларга солиқ солиш тартибига 2021 йил 1 январдан киритилаётган ўзгаришлар тўғрисида ахборот хабари **9-24-бетлар**

- **СОЛИҚЛАР ВА ЙИГИМЛАР**  
– Солиқ тўловчининг тақвими **25-26-бетлар**
- **БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ**  
– Солиқ ҳисоб-китоби: нима учун кўрсаткичлар тўғри келмайди **26-бет**
- **БОЖХОНА**  
– Экспорт-импорт жараёнлари жадал давом этмоқда  
– Рангли металл «жилваси»  
– 180 кундан кўп эмас  
– Расмийлаштириш учун вақт  
– Тақиқларсиз экспорт  
– Ветеринария препаратларини олиб келишнинг айрим жиҳатлари  
– Хар шнинг ўз қондаси бор  
– МДХ божхона хизматларининг ҳамкорлиги доирасида  
– Масалалар муносабатлари асосида ҳал этилди **30-32-бетлар**

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа ҳақли, лекин қонун хужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни ушбу хабарга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа маъналарда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

## Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



## Жаҳон банки шаффоф бозор иқтисодиётига ўтишни қўллаб-қувватлайди

Вазирлар Маҳкамаси «Жаҳон банки иштирокида «Ўзбекистонда шаффоф ва кенг бозор иқтисодиётига ўтишни ривожлантириш сиёсатини қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни (30.12.2020 йилдаги 816-сон) қабул қилди.

Ҳужжат билан қуйидагилар маълумот учун қабул қилинди:

➢ 2020 йил 16 декабрда «Ўзбекистонда шаффоф ва кенг бозор иқтисодиётига ўтишни ривожлантириш



сиёсатини қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳамда Жаҳон банки (ЖБ) ўртасида бюджетни қўллаб-қувватлаш бўйича қарз битими ва молиявий битим имзоланган. Улар қуйидаги қарз маблағларини жалб қилишни назарда тутди:

➢ Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг (ХТТБ) 10,5 йил муддатга, шу жумладан, 5 йиллик имтиёзли даври билан, \$250 млн;

➢ Халқаро тараққиёт уюшмасининг (ХТУ) 30 йил муддатга, шу жумладан, 5 йиллик имтиёзли даври билан:

➢ \$165 млн миқдоридаги (имтиёзли қарз);

➢ \$85 млн миқдорида (имтиёзсиз қарз).

ХТТБ ва ХТУ томонидан ажратиладиган қарзлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети харажатларини молиялаштириш учун йўналтирилади.

Қарор билан Лойиҳани амалга ошириш доирасида ХТТБ ва ХТУ томонидан ажратиладиган қарзларни қайтариш, фоиз ва воситачилик ҳақи бўйича тўловларни амалга оширишнинг прогноз жадваллари тасдиқланди.

Ҳужжат билан қуйидагилар белгиланди:

➢ Молия вазирлиги лойиҳанинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш, ХТТБ ва ХТУ томонидан ажратиладиган қарздан мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;

➢ ХТТБ ва ХТУ томонидан ажратиладиган қарзларни қайтариш, фоиз, хизмат кўрсатганлик ва воситачилик ҳақи бўйича тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистоннинг республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 31.12.2020 йилдан кучга кирди.

Баҳодир Бухорий.

## Олий таълим муассасаларида – кредит-модуль тизими

Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2020 йилдаги «Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 824-сон қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида ўқув жараёни босқич-ма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказилади. Ҳужжат билан Европа тизими (European Credit Transfer and Accumulation System – ECTS) асосида Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Олий таълим муассасаси кенгашининг қарорига мувофиқ:

➢ ОТМда 3 йил ишлаб беришни назарда тутувчи шартномани расмийлаштирган ҳолда профессор-ўқитувчилар нуфузли хорижий олий таълим ташкилотлари ва илмий муассасаларда стажировка ўтайди ва малака оширади;

➢ ОТМда 5 йил ишлаб беришни назарда тутувчи шартномани расмийлаштирган ҳолда ўқитувчилар нуфузли хорижий олий таълим ташкилотлари ва илмий муассасаларнинг докторантураси дастурлари асосида ўқитилади.

2021 йил 1 январдан бошлаб олий таълим муассасаларининг академик мустақиллигини кенгайтириш мақсадида:

➢ ОТМ ҳузуридаги техникумларда ўқув машғулотларни олиб бораётган профессор-ўқитувчиларнинг меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш ОТМ талабаларига дарс ўтганлиги учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларида амалга оширилади;

➢ таълим жараёнини ташкил этишда ҳафталик ўқув кунлари ОТМ томонидан мустақил белгиланади;

➢ олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган якуний давлат аттестация комиссияси раислари тегишли ОТМ ректорининг (филиал директорининг) буйруғи билан тасдиқланади.

Ушбу Низом Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш ва

зирлиги тизимидаги олий таълим муассасалари, олий ҳарбий таълим муассасаларига, шунингдек Ўзбекистон ҳудудида ўз фаолиятини юритаётган нодавлат ва хорижий олий таълим ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайд.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 31.12.2020 йилдан кучга кирди.

Пола Абдуазимова.

2-бетда



## Давлат экспорт қилувчиларга ёрдам кўрсатишни давом эттиради

**Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2020 йилдаги 826-сон қароридан назарда тутилишича, экспорт қилувчиларга молиявий кўмак, аввалгидек, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан кўрсатилади.**  
**Ҳужжат Ҳукуматнинг ўз кучини йўқотган 11.09.2019 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан экспорт қилувчи ташкилотларга молиявий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги 756-сон қарори ўрнига қабул қилинди.**

Молиявий ёрдам кўрсатиладиган йўналишлар рўйхатига кўшимчалар киритилди. Янгиликлардан бири маҳсулот намуналарини Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхоналари орқали хорижий савдо уйлари ва шоу-румларга юбориш харажатлари қоплаб берилиши бўлди. Шунингдек хорижда товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш харажатлари учун компенсация тўланади. Молиявий ёрдам кўрсатиш белгиланадиган харажатлар рўйхати ҳам кенгайтирилди. Бизнес-форумлар, семинарлар, тренинглар, кўргазма-ярмарка тадбирларида иштирок этишда томонларнинг ўзаро ҳамкорлиги онлайн шакли ҳам жорий қилинди. Экспорт қилувчиларга экспорт қилиш билан шуғулланишни режалаштирган тадбиркорлик субъектлари ҳам киритилди.

Молиявий ёрдам олиш учун экспорт қилувчи ташкилотлар томонидан ариза ва буюртманомана-анкетанинг тасдиқланган шакллари тўлдирилди ва уларга йўналишга қараб зарур ҳужжатлар илова қилинади. Илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхатига ўзгартиришлар киритилди. Энди экспорт қилувчи ташкилотларда солиқлар бўйича қарздорлик ҳамда мuddати ўтган кредиторлик ва дебиторлик қарздорликлари мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотнинг тақдим этилиши талаб қилинмайди. Бироқ экспорт операциялари бўйича мuddати ўтган дебитор қарздорлиги мавжудлиги

молиявий ёрдам кўрсатишни рад этиш учун асослардан бири ҳисобланади. Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар, аввалгидек, 7 иш куни давомида кўриб чиқилади. Қабул қилинган қарор ҳақида билдиришнома 1 иш куни давомида почта алоқа воситаси орқали ёки электрон шаклда юборилади. Экспорт қилувчилар томонидан маблағлар сарфланган тақдирда, уларнинг банк ҳисобварағига тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб 5 иш куни (*илгари – 7 иш куни*) ичида маблағлар ўтказилади.

Товарларни (ишлар, хизматларни) етказиб берувчининг харажатларини компенсациялаш тартибидан молиявий ёрдам кўйидаги миқдорларда тақдим этилади:

➤ стандартларни жорий қилиш ва мувофиқлик сертификатларини олиш йўналишида – 100%, лекин битта халқаро стандартни жорий қилиш ва сертификатни олиш учун 20 000 АҚШ долларидан кўп бўлмаган миқдорда;

➤ маҳаллий маҳсулотлар ва брендларни ташқи бозорларга олиб чиқиш мақсадида тақдимотлар ва реклама кампаниялари ўтказиш йўналишида – 100%, лекин бир экспорт қилувчи ташкилот учун бир календарь йилида 20 000 АҚШ долларидан кўп бўлмаган миқдорда;

➤ халқаро тендер ва танловларда иштирок этиш йўналишида – 100%;

➤ хорижий ваколатли органларда маҳаллий маҳсулотлар ва товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш йўналишида – 100%, лекин бир экспорт қилувчи ташкилот учун 10 000 АҚШ долларидан кўп бўлмаган миқдорда;

➤ Ўзбекистон ҳудудидан маҳаллий ва хорижий компаниялар мутахассисларини жалб этган ҳолда бизнес-семинарлар, тренинглар, савдо миссиялари ва бизнес-форумлар ташкил этиш йўналишида – 100% миқдорда ҳақиқий харажатлар бўйича;

➤ хорижий мамлакатлардаги бизнес-семинарлар, тренинглар, савдо миссиялари ва бизнес-форумларда иштирок этиш йўналишида – 100% миқдорда ҳақиқий харажатлар бўйича чекланмаган миқдорда;

➤ кўргазма-ярмарка тадбирларида иштирок этиш

йўналишида – 100% миқдорда ҳақиқий харажатлар бўйича чекланмаган миқдорда;

➤ маҳсулотлар намуналарини таништириш мақсадида хорижий савдо уйлари ва шоу-румларга, шу жумладан истиқболли харидор топишда кўмак олиш учун Ўзбекистоннинг чет элдаги дипломатик ваколатхоналарига юбориш йўналишида – 100%, лекин бир экспорт қилувчи ташкилот учун бир календарь йилида жами 2 000 АҚШ долларидан кўп бўлмаган миқдорда.

Тўловлар Агентлик томонидан тузиладиган шартномаларга асосан товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиларга тўғридан-тўғри амалга оширилади.

Шунингдек молиявий ёрдам кўрсатишни рад этиш учун асосларга кўйидагилар ҳам киритилди:

➤ тегишли ҳужжатларнинг тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганлиги;

➤ сўралаётган молиявий ёрдамнинг тасдиқланган тартиби ва талабларга номувофиқлиги;

➤ экспорт операциялари бўйича мuddати ўтган дебитор қарздорлик мавжудлиги (экспорт қилувчи ташкилотларнинг экспорт операциялари бўйича мuddати ўтган дебитор қарздорлиги миқдори сўнгги 12 ойдаги экспорт ҳажмининг 30%идан ортиқ бўлмаган ва дебитор қарздорлигини ундириш бўйича суд қарори мавжуд бўлган ҳолатлар бундан мустасно);

➤ тақдим этилган ҳужжатларда ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги.

Хориждаги шартномалар бўйича харажатлар ВМ-нинг 23.05.2020 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг чет эл валютасидаги маблағларини самарали бошқариш тўғрисида»ги 329-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Экспорт қилувчи ташкилотларга молиявий ёрдам кўрсатиш схемаси, молиявий ёрдам олиш тўғрисида ариза ва буюртманомана-анкета ҳужжатга иловаларда келтирилган.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 31.12.2020 йилдан кучга кирди.**

Наргиза Воҳидова.

## Коррупцияга қарши курашишга кўмаклашган шахслар рағбатлантирилади

**Вазирлар Маҳкамаси томонидан Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқланди (31.12.2020 йилдаги 829-сон ВМК).**

Ҳужжат «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, шунингдек, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ва коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низоми талаблари (*ВМнинг 8.01.2018 йилдаги 15-сон қарори билан тасдиқланган*) ушбу Низоми билан тартибга солинадиган муносабатларга татбиқ этилмайди. Шунингдек ушбу Низоми талаблари мансабдор шахслар, шу жумладан «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга махфийлик асосида кўмаклашувчи шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Рағбатлантириш бир марталик пул мукофоти, ташаккурнома ёки эсдалик совға шаклида белгиланади.

Хусусан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахслар кўйидаги асослардан бири мавжуд бўлганда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

➤ шахслар томонидан ўзларига нисбатан пора талаб қилган шахс ҳақида ёки ўзларига маълум бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида коррупцияга қарши курашувчи органларга (Бош прокуратура, ДХХ, ИИБ, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига) берган хабари асосида бундай ҳуқуқбузарлик фош этилиши;

➤ коррупцияга оид жиноятни содир этганлиги учун қидирувда бўлган шахс тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга берилган хабар асосида қидирувдаги шахс ушланиши.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахслар 3 БҲМдан 25 БҲМгача миқдордаги бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

Пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилган мулкнинг қиймати 30 БҲМгача бўлса, кўйидаги миқдорларда пул мукофоти берилади:

➤ ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят учун – 5 БҲМ;

➤ унча оғир бўлмаган жиноят учун – 7 БҲМ;

➤ оғир жиноят учун – 10 БҲМ;

➤ ўта оғир жиноят учун – 15 БҲМ.

Пора суммаси ёки етказилган зарар қиймати 30 БҲМдан 100 БҲМгача бўлса, содир этилган жиноятнинг оғирлик даражасига қараб 10 БҲМдан 25 БҲМгача пул мукофоти назарда тутилган.

Пора суммаси ёки етказилган зарар қиймати 100 БҲМдан кўп бўлса, пул мукофоти пора суммаси ёки зарар миқдоридан фоизларда белгиланади ҳамда ортиб бориш даражасига қараб – жуда кўп миқдорда бўлганда 15%дан 10%гача камайтирилади.


Коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш ва уни фош этишда аҳамиятга эга бўлган далиллар ҳақида хабар бериш ёки бундай тоифадаги жиноятларни тергов қилиш ёхуд тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда бевосита кўмаклашган шахсларга ташаккурнома билан тақдирланади.

Шахс коррупцияга қарши курашишга муносиб ҳисса қўшганлиги учун давлат мукофотига ҳам тавсия этилиши мумкин.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 31.12.2020 йилдан кучга кирди.**

Лола Абдуазимова.

УШБУ СОҒДА	<p>● <b>ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР</b></p> <p>– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз <b>1-2-бетлар</b></p>	<p>ресурслари билан таъминлашни яхшилаш бўйича топшириқ берди</p> <p>– Газ ўғриларига жиноят иши қўзғатилди</p> <p>– Қурилиш соҳасида қандай ўзгаришлар кутилмоқда</p> <p>– Бош режалар жамоат муҳокамасидан кейин тасдиқланади</p> <p>– Тошкентга дизайн-код нима учун керак?</p>	<p>– Экспертиза ва шартномасиз қуриш тақиқланади</p> <p><b>3-6-бетлар</b></p>	<p>– «Касаллик таътили»да ҳайфсан олиними? <b>7-8-бетлар</b></p>
	<p>● <b>БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ</b></p> <p>– Уйда низоларсиз муҳитни яратишнинг 21 омили</p> <p>– Давлат раҳбари аҳолини энергия</p>	<p>● <b>МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ</b></p> <p>– Иш берувчининг номидан судга кимни юбориш мумкин</p> <p>– Қачон жамоат моддий жавобгарлиги белгиланиши мумкин</p>	<p>● <b>САЛОМАТЛИК БУРЧАГИ</b></p> <p>– Мутахассис изоҳи: совуқда никобдан бир соатдан ортиқ фойдаланманг!</p> <p><b>8-бет</b></p>	



Маърифий мавзудаги тўплам\*

## МУНДАРИЖА:

- ✓ Уйда низоларсиз муҳитни яратишнинг 21 омили
- ✓ Давлат раҳбари аҳолини энергия ресурслари билан таъминлашни яхшилаш бўйича топшириқ берди
- ✓ Газ ўғриларига жиноят иши кўзгатилды
- ✓ Курилиш соҳасида қандай ўзгаришлар кутилмоқда
- ✓ Бош режалар жамоат муҳокамасидан кейин тасдиқланади
- ✓ Тошкентга дизайн-код нима учун керак?
- ✓ Экспертиза ва шартномасиз қуриш тақиқланади

## Уйда низоларсиз муҳитни яратишнинг 21 омили

Ўтган йилда кўп квартиралли уйлардаги (ККУ) тижорий мақсадда фойдаланиш мумкин бўлган яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари бозорида жонланиш сезилиб қолди. Бу доимий прописка ва рўйхатдан ўтказиш тизимидаги ислохотлар билан боғлиқ – чет вилоятлардаги фуқароларга эркин, чекловларсиз кўчмас мулк сотиб олишга рухсат берилди. Ҳозир вилоятдан келганлар бу бозорни пухта эгаллаб олмоқдалар.

Бизнес-тузилмаларнинг эгалари турар жой мулкдорлари билан бир том остида «умргузaronлик» қила бошлашмоқда. Бу ҳар икки тарафнинг муносабатлари эса доим ҳам рисоладагидек бўлган эмас, ҳуқуқлар, манфаатлар ва мажбурият борасида низолар чиқиб туради. Хўп, низоларсиз муҳитни яратиш учун нималарга эътибор бериш керак?

### Тақиқланмагани, демак рухсат берилган

**1. Кўп квартиралли уйлардаги (ККУ) қайси жойлар яшаш учун мўлжалланмаган жойларга қиради?**

– Яшаш учун мўлжалланмаган жойларга кўп квартиралли уйлардаги фуқаролар яшаши учун мўлжалланмаган кўйидаги алоҳида жойлар тегишли бўлади:

- а) уйни қуришда лойиҳаларда кўрсатилган уйнинг ёнига кейин қурилган жойлар;
- б) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уйнинг

қуйи қаватидаги турар жойдан яшаш учун мўлжалланмаган жойларга ўтказилган жойлар;

в) қайта жиҳозланган ертўла ва ярим ертўла жойлар, техник мақсадларга мўлжалланган жойлар бундан мустасно.

Яшаш учун мўлжалланмаган жойда бошқа уй-жойлардан алоҳида қириладиган эшик, табиий ёритиш ва вентиляция; ёнгинага қарши ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларининг функционал вазифаси ва талабларига мувофиқ жойнинг девори, шифти, поли қопланган, пардозланган бўлиши керак (*Низомнинг 2-б., 24.01.2000 йилдаги 22-сон ВМҚа 2-илова*).

\*Таҳририят ихтилоfli вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда қўмақлашишга ваколатли эмас.

**2. ККУда қимлар яшаш учун мўлжалланмаган жойнинг мулкдори ҳисобланади?**

— Кўп квартирали уйдаги жойга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган юридик ёки jisмоний шахслар яшаш учун мўлжалланмаган жойнинг мулкдоридир (УЖК 16-1-м., «Кўп квартирали уйлари бошқариш тўғрисида»ги Қонуннинг 17-м.).

**3. Мен ўз квартирамда касаначилик меҳнати билан шугулланман. Бу ҳолда турар жойни яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказиш талаб қилинадими?**

— Белгиланган тартибда касаначилик меҳнати амалга оширилаётган турар жойларни яшаш учун мўлжалланмаган жойлар тоифасига ўтказиш талаб этилмайди (УЖК 9-м. 4-қ.).

**4. ККУдаги барча турар жойларни яшаш учун мўлжалланмаган жойларга ўтказса бўладими?**

— Яшаш учун яроқли бўлган турар жойни яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказишга йўл қўйилмайди. Алоҳида ҳолларда, турар жойни яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказиш мулкдорнинг ёки у ваколат берган органнинг (шахсининг) аризасига кўра туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қарорига биноан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади (УЖК 15-м.). Турар жойни яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказишнинг алоҳида ҳоллари белгиланган эмас.

**5. ККУдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойларда қандай фаолият турлари билан шугулланишга рухсат берилган?**

— Рухсат этилган фаолият турлари орасида қуйидагилар бор:

- 1) озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан савдо қилиш (дўконлар, киоскалар, дўкончалар ва бошқалар);
- 2) умумий овқатланиш (ресторанлар, кафе, кафетерийлар, музқаймоқ ва чанқовбосди ичимликлар барлари, газакхоналар ва бошқалар);
- 3) маиший хизмат кўрсатиш (сартарошхоналар, пойабзал таъмирлаш, соат созлаш устaxonалари, ателье ва бошқалар);
- 4) банк хизматлари кўрсатиш (банкларнинг бўлимлари ва валюта алмаштириш пунктлари);
- 5) алоқа хизматлари кўрсатиш (почта бўлими).
- 6) қуйидагилар:
  - уй-жой ва таъмирлаш-фойдаланиш органларининг;
  - фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг;
  - маданият, халқ таълими, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш муассасаларининг;
  - jisмоний тарбия ва спорт муассасаларининг;
  - ички ишлар органлари, прокуратура, суд органлари ва фуқаролик ҳолатини қайд қилиш бўлимининг, адвокатура, нотариатнинг таянч пунктларининг;
  - тадбиркорларнинг офислари ва идораларининг;
  - суғурта ташкилотларининг;
  - расомлар ва ҳайкалтарошлар ижодий устaxonаларининг;

➢ маъмурий-бошқарув функциялари билан боғлиқ бўлган ҳокимият ва бошқарув органлари турли ташкилотларининг фаолияти (Рўйхат, Низом билан тасдиқланган).

**6. ККУдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойларда мулкдорларга қандай фаолият турлари билан шугулланиш тақиқланган?**

— Улардан фойдаланиш ҳудуднинг ва жонли муҳит ҳавосининг физик ва кимёвий ифлосланишига, уйда яшовчи шахсларнинг ҳаёт фаолияти нормал шароитлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган объектларни, шу жумладан, корхоналар ва ташкилотларнинг қуйидаги турларини жойлаштиришга йўл қўйилмайди:

- а) уйни қуришда ўтирилаётган жойлари сони лойиҳа ҳужжатларида назарда тутилмаган, шунингдек, соат 23.00 дан кейин ҳам ишлайдиган умумий овқатланиш корхоналари (ресторанлар, кафе, тунги клублар ва барлар, дискотекалар);
- б) кимёвий товарлар, сабзавот ва балиқ маҳсулотлари дўконлари, шунингдек, портлайдиган моддалар ва материаллар бор бўлган маҳсулотларни сотувчи дўконлар;
- в) ўз ишлаб чиқаришига тез алангаланадиган моддаларни қўлловчи кимёвий тозалаш хоналари;
- г) пойабзал тузатиш бўйича 10 тадан ортиқ иш ўрнига эга бўлган устaxonалар;
- д) ҳаммомлар, сауналар;
- е) АТС, шаҳарлараро алоқанинг кеча-кундуз фойдаланиладиган сўзлашув пунктлари ва телеграф;
- ж) жамоат ҳоҷатхоналари;
- з) маросимлар билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш муассасалари;
- и) саноят корхоналари (Рўйхатга изох).

**Яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг мулкдорлари — улар ҳам УМШ аъзолари. Бундан нима келиб чиқади?**

**7. ККУдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайси ҳужжатлар билан тартибга солинади?**

— «Кўп квартирали уйлари бошқариш тўғрисида»ги янги Қонунда турар жой ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенглаштириб юборилди. Эндиликда ҳар икки тараф УМШ аъзолари ҳисобланишади. ККУнинг умумий молмулкни бошқаришда жой мулкдорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Қонуннинг 18, 19-моддалари билан белгиланган.

Низомнинг 2-бобида ҳам мулкдорлар, лекин яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган.

**8. УМШ яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдори билан шартнома тузиши керакми?**

— Йўқ, керак эмас. Қонунга биноан яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари ширкатнинг аъзолари ҳисобланишади. Эндиликда УМШ билан муносабатлар олдингидек мажбурий шартнома асосида эмас, балки Қонун ва ширкатнинг устави асосида юзага келади.

**9. Мажбурий бадал ёки умумий мол-мулкни сақлаш тўловларининг миқдори мулкдорлар ҳуқуқ ва мажбуриятлари паритетида акс этдими?**

– Умумий ёндашув куйидагича: мажбурий бадал ёки умумий мол-мулкни сақлашга тўловларнинг миқдори барча мулкдорлар (турар жой ва яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдорлари) учун бир хил этиб белгиланди.

Жойларнинг мулкдорлари умумий мол-мулкка нисбатан упушли мулк иштирокчилари ҳисобланади ва улар умумий мол-мулкни сақлаш бўйича умумий харажатларни ўз зиммасига олиши шарт. Жой мулкдорининг умумий мол-мулкни сақлаш бўйича умумий харажатларда иштирок этиш упушли КҚУнинг умумий майдонидagi мулкдорга қарашли жой майдони улушига мутаносиб равишда белгиланади (Қонуннинг 16, 17-моддалари).

**10. КҚУдаги бизнес тузилмалар умумий уй тармоғига юк бўлиб тушиши мумкин, бу эса уларнинг янада эскиришига олиб келади. Шунинг ҳисобига олган ҳолда ширкат ёки БК улар учун мажбурий бадаллар ёхуд умумий мол-мулкни сақлаб туришига тўловлар миқдорини ошириб қўйишга ҳақлими?**

– Ширкат ёки БК бизнес тузилмалар учун мажбурий бадал ёхуд тўловнинг оширилган миқдорини белгилашлари мумкин. Лекин олдидан ширкатнинг устави ёки БК билан тузиладиган шартномага умумий мол-мулкнинг эскиришига асослар мавжуд бўлганда айнан қайси ҳолларда, қайси давр учун яшаш учун мўлжалланмаган жойнинг мулкдорига бадалнинг оширилиши тўғрисидаги бандни киритиш керак бўлади. Эскириш ҳажми ҳисоблаб чиқилган ва пул шаклида асосланган бўлиши лозим.

**11. УМШ (мулкдорлар) умумий йиғилишида қарор қабул қилаётганда яшаш учун мўлжалланмаган жойлар эгаларининг овозлари ҳисобга олинмаган эди. Йиғилиш раиси улар овозга эга эмасликлари ва умумий йиғилишида қатнаша олмасликларини важ қилиб кўрсатганди. Бундай ёндашув қанчалик тўғри?**

– Ширкатнинг аъзолари қўп квартиралар уйдаги жойларнинг, шу жумладан яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг мулкдорлари бўлган юридик ва жисмоний шахслардан иборатдир (Қонун 30-м. 5-қ.). Улар УМШ аъзоларининг умумий йиғилишида иштирок этиш ва қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

**12. Одатда, яшаш учун мўлжалланмаган жойнинг мулкдори КҚУда яшамайди. Уни УМШ бошқарувига раис этиб сайлаш мумкинми?**

– Яшаш учун мўлжалланмаган жойнинг мулкдорига худди УМШ аъзосига бўлгани каби УМШ аъзоларининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари, хусусан, ширкат бошқарувининг раиси этиб сайланиши имконияти татбиқ этилади (Қонуннинг 46-м.).

**Кимлар мажбурий бадалларни киритади?**

**13. КҚУда яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан эгаллик ёки ижара ҳуқуқи асосида фойдаланиш мумкин. Яшаш учун мўлжалланмаган жой ижарага берил-**

**ган тақдирда мажбурий бадалларни ким киритиши керак – мулкдори ёки ижарага олгуچиси?**

– КҚУда умумий мол-мулкни сақлаш бўйича жавобгарлик, шу жумладан уни сақлашга доир бадаллар ёки тўловларни тўлаш жавобгарлиги жойнинг мулкдори зиммасида бўлади.

Яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори умумий мол-мулкни сақлаш, ундан фойдаланиш ва уни таъмирлаш учун умумий харажатларда иштирок этиш бўйича ўзининг мажбуриятини шартнома асосида бошқа шахсга ўтказиши мумкин. Шундай бўлган тақдирда у УМШ ёки БКни бу ҳақда хабардор қилади (Қонуннинг 16-м.).

**14. Яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори билан ижарага олгучи уртасида шартнома мавжуд бўлмаганлиги учун қандай жавобгарлик белгиланган?**

– Ижарага бериш шартномасининг мавжуд эмаслиги ёхуд давлат солиқ органларида ижарага бериш шартномасининг мажбурий ҳисобга қўйилишига риоя этмаслик – БҲМнинг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади (МЖТКнинг 159-1-м.).

**15. Яшаш учун мўлжалланмаган жойнинг янги мулкдорга ўтказилиши тўғрисида УМШни хабардор қилиш талаб этиладими?**

– Жой сотилган тақдирда ширкат аъзоси бўлган унинг мулкдори янги мулкдорни ўзининг ширкат аъзоси эканлиги ҳамда ширкат уставида белгиланган, янги мулкдорга ўтадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканлиги тўғрисида хабардор қилиши шарт (Қонун 30-м. 6-қ.). Лекин КҚУда квартиранинг олди-сотиди тўғрисида ширкатни хабардор қилиш ҳақида Қонунда ҳеч нарса дейилмаган. Бу УМШ фаолиятида салбий акс этмоқда. Яшаш учун мўлжалланмаган жойлар (турар жойлар сингари) кўпичина мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги билан сотилади, сабаби битимни нотариял тасдиқлаш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатидан УМШдан олинadиган қарздорлик мавжуд эмаслиги хусусидаги маълумотнома чиқариб ташланган.

**Рухсатномани кўрсатинг!**

**16. КҚУдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг янги мулкдорлари одатда ишни қайта қуришдан бошлашди: деворларни бузишди, сантехника асбоб-ускуналарининг жойини ўзгартришди ва ҳ.к. Уларнинг кўпчилигида бу ишлар учун рухсатнома бўлмади. Қўшиллар унинг ички тизимлари фаолиятига, бинонинг мустаҳкамлигига бу нарсаларнинг салбий таъсири бўлмасмикун, деган хавотирга тушадилар. Бундай ишларни бажариш учун ваколатли органларнинг рухсатномасини олиш керак бўлади?**

\*\*\*

Кўп квартиралар уйнинг «биқини»га яшаш учун мўлжалланмаган жой қурилган бўлиб, у ерда дўконча бор. Мулкдорлар унинг иккинчи қаеватидаги хонадон деразасига тақаган ҳолда том қуриб қўйишган. Ёзда у иссиқдан қизиб кетиб, квартираларни иситиб

**юборади. Дўкон эгаларининг қайта куриш учун рухсатномаси маъжуд эмас. Қонун ҳужжатлари бундай вазиятга қандай таъсир кўрсата олади?**

– ККУдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдорни маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан тегишли рухсатнома олмасдан ўзига қарашли жойни ўзбошимчалик билан қайта курган ёки ўзгартирган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади ҳамда бу жойни ўз ҳисобидан аввалги ҳолатига келтириши шарт (УЖК 16-1-м. 5-қ.; Қонуннинг 19-м.; Низомнинг 11-б.).

Мулкдорларга яшаш учун мўлжалланмаган жойда уйда яшовчи бошқаларнинг рисоладагидек турмуш шароитини бузадиган ишларни амалга ошириши тақиқланади. ККУда жойларни қайта куриш ва қайта режалаштиришни фақат жойнинг қўлайлигини ошириш мақсадига амалга ошириш мумкин. Қайта куриш ва қайта режалаштириш давлат ҳокимияти органларининг рухсатномаси бўлган тақдирдагина амалга оширилади. Уларнинг лойиҳаси ённинг қарши муҳофаза органлари, лойиҳа ташкилоти, меъморчилик ва шахарсозлик органлари ҳамда меъморчилик-шахарсозлик нормалари ва қондаларига риоя қилиш устидан давлат назорати органлари билан келишмиши зарур. Белгиланган талаблар бузилган тақдирда ширкат ККУдан техник фойдаланиш қондалари ва нормаларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширувчи Уй-жой фонди инспекциясига мурожаат қилишга ҳақли бўлади (Қонуннинг 12, 19-моддалари; Низомнинг 10-б.).

## Техник жойни ижарага берса бўладими?

**17. Яшаш учун мўлжалланмаган жойнинг эгаси ККУда ертўлани ижарага олмақчи. УМШ раиси бунга қатъий қарши, сабаби ертўла жойлари мулкдорларнинг умумий мол-мулки ҳисобланади, дейди у. Бу техник жойлар бўлиб, уларга уй ичидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари, электр, санитария-техника ускуналари киради. У ердан 6 та кўп қаватли уйни иссиқ суе ва иситиш тизими билан таъминлайдиган иситиш трассаси ўтган, маҳкамловчи арматурага эга бўлган иссиқлик қуввати ҳисобини юртурувчи 2 та шохобча маъжуд. Буларнинг барчаси мулкдорларнинг умумий мол-мулки ҳисобланади. Шундай жойни ижарага бериш – ижарага олувчининг ҳам, бошқа мулкдорларнинг ҳам ҳаёфсизлигига таҳдид солади. Шунга қарамасдан яшаш учун мўлжалланмаган жойнинг эгаси ертўлани ижарага беришларини қаттиқ илтимос қилмоқда. Мазкур масала қонун ҳужжатларига мувофиқ қандай тартибга солинади?**

– Умумий мол-мулкни ижарага бериш тўғрисидаги қарорни мулкдорлар УМШ аъзоларининг умумий йиғилишида қабул қиладилар. Ертўла, ундаги коммуникациялар сингари жой мулкдорларининг умумий мол-мулки ҳисобланади. Бу мол-мулк бўлинмасдир ва у умумий улушли мулк ҳуқуқи асосида уларга тегишли ҳисобланади. Умумий мол-мулкнинг айрим қисмлари жойларнинг мулкдорларига ёки бошқа шахсларга жойлар мулкдорларининг умумий йиғилиши қарорига белгиланган тартибда фойдаланишга берилиши мумкин. Агар бу бошқа мулкдорларнинг ҳу-

қуқларини чеклайдиган бўлса, умумий мол-мулк айрим қисмларининг бошқа шахсга берилишига йўл қўйилмайди (Қонуннинг 6, 13, 38-моддалари).

Мазкур техник жой 6 та кўп квартиралари уйга хизмат кўрсатувчи муҳандислик асбоб-ускуналари ва коммуникацияларини жойлаштириш учун мўлжалланган. Махсус мақсадларга мўлжалланган жойларни бошқа шахсларга фойдаланиш учун бериш техник ҳаёфсизлик ва уй ичидаги коммуникациялардан фойдаланиш меъёрлари билан тақиқланади. Агар ертўла жойлари уйдаги бошқа жойларга хизмат кўрсатиши билан боғлиқ бўлмаса, бу бошқа масала.

**18. Умумий мол-мулкдан фақатгина ККУдаги ертўла орқали фойдаланиш мумкин, сабаби у ўша ерда жойлашган. Уй ичидаги тармоқларда авария ҳолати юз берганда ширкат, БК ёки авария хизматининг тунги вақтда, дам олиш ёки байрам кунларида у ерга кириши роса қийинлашади. Бу масалани қандай ҳал қилса бўлади?**

– ККУдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланиш хизматлари ходимларининг таъмирлаш ва аварияни бартараф этиш учун муҳандислик-техник коммуникацияларига киришларига кафолат берилганда фойдаланишга йўл қўйилади (Низомнинг 4-б.).

Агар умумий мол-мулкнинг фақат мазкур ертўладан кирилиши мумкин бўлган конструктив қисмларини текшириш, таъмирлаш ёки алмаштириш зарур бўлса, башарти мулкдор бу ҳақда олдиндан хабардор қилинса, мулкдор ККУни бошқариш органи вакилларининг бу жойга киришига рухсат бериши шарт. Авариянинг олдини олиш ёки унинг оқибатларини тезкор бартараф этиш зарур бўлган шовшин ҳолларда олдиндан хабардор қилиш талаб этилмайди (Қонуннинг 19-м.).

## Тунда шовқин кўтарувчиларга – жарима

**19. ККУдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойда кафе жойлашган. Ёзи вақтда кафе эгаси кўчада майдонча қуради. Кафега келувчилар у ерда кечгача ўтиради, машиналарида шовқин кўтариб ҳаракатланяди. Уйда яшовчилар банд овозли мусиқадан, деразалар тағида тўхтатилган машиналар ва бошқа ноқулайликлардан шикоят қилишади. Кафенинг эгаси бундай эътирозларга нисбатан пинагини ҳам бузмайди. Уни уйда яшовчиларни ҳурмат қилишга қандай ўргатса бўлади?**

– ККУдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланиш одамларнинг уй-жойда кеча-кундуз бўлиши имкониятини бузмаслиги ва ҳаёфсиз ҳамда соғлом ҳаёт муҳитини таъминлаши керак. Бундан ташқари, кўп қаватли уйлардаги умумий овқатланиш корхоналарининг соат 23.00 дан кейин ишлаши тақиқланади (Низомнинг 4-б.; Рўйхатга изоҳнинг «а» қичи б.).

МЖТКнинг 192-моддасида тунги вақтда шовқин-сурон кўтаришга шинавандалар учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Тунги вақтда – соат 23.00 дан 06.00 гача – фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузиш, яъни банд овоз билан қўшиқ айтиш, мусиқа чалиш, товуш



сигналлари бериш, хонадонларда, турар жойларнинг йўлаклари ва эшикларида, кўчаларда овози баланд қилиб қўйилган телевизорлар, радиоприёмниклар, магнитофонлар ва овоз чиқарувчи бошқа аппаратуралардан фойдаланиш, турар жой биноларида ва улардан ташқарида жуда зарур бўлмагани ҳолда шовқин чиқарувчи ишлар қилиш, шунингдек маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузувчи бошқа ҳаракатларни содир этиш фуқароларга БХМнинг 1/3 қисми, мансабдор шахсларга эса – БХМнинг 1/3 қисмидан 1/2 қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақрор содир этилган бўлса, фуқароларга БХМнинг 1/2 қисми миқдорда, мансабдор шахсларга эса – 1/2 қисмидан 1 қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**20. Ширкат йўлакда эшикларни алмаштирди, бинонинг олд кўринишини таъмирдан чиқарди, яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг ижарага бериувчиларга эса бу жойларга БХМнинг 1/2 қисми миқдорда таъмир қилиш бўлимига қўйилган қонун ҳужжатларига мувофиқ қандай ҳал этилади?**

– Уйнинг олд кўриниши ва эшиклари ККУда жой мулкдорларининг умумий мол-мулки ҳисобланади ва уларни лозим даражада сақлашлари керакдир.

Мулкдорлар (арендага ва ижарага олувчилар)га ушбу мақсадлар учун мўлжалланмаган уй-жойларнинг олд томонида афишалар, плакатлар, ҳар хил эълонларни ёпиштириш тақиқланади (Низомнинг 12-б.).

Эълонларни ноқонуний ёпиштириш Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидаларининг (9.03.2009 йилдаги 59-сон ВМҚ билан тасдиқланган) 47-бандини бузиш ҳисобланади. Агар мулкдор ёки у билан бирга яшовчи шахслар ККУдаги бошқа мулкдорларнинг умумий мол-мулкига зарар етказган бўлса, улар етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши шарт (Қонуннинг 19-м.).

**21. ККУдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланиш тартибига риоя этилишини ким назорат қилади?**

– ККУдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланиш тартибига риоя қилиниши устидан назорат қилиш тегишли ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади. Иморат қуриш ва уй ён-атрофини, ховлиси худудини сақлаш қоидаларига риоя қилиш устидан жамоатчилик назорати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилади (Низомнинг 15-б.).


Уй-жой фонди инспекцияси ККУдан техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларига риоя этилиши ҳамда мулкдорлар томонидан жойларнинг ўзбошимчалик билан қайта қурилишига ва қайта режалаштирилишига йўл қўйилмаслиги устидан давлат назоратини амалга оширади. Инспекцияга бажарилиши шарт бўлган, шу жумладан бундай қоидабузарликларга йўл қўядиган жой мулкдорларига кўрсатмалар бериш ваколатлари берилган (Қонуннинг 12-м.).

## Давлат раҳбари аҳолини энергия ресурслари билан таъминлашни яхшилаш бўйича топшириқ берди

– Менга баландпарвоз гаплар ва рақамлар керак эмас. Жойлардаги раҳбарларнинг ишлари натижасига ижтимоий тармоқларда халқимиз ўзи ҳолис баҳр бермоқда, – деди Шавкат Мирзиёев қишга тайёргарликда йўл қўйилган камчиликларни ҳал этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида.

**president.uz** сайтининг хабар беришича, йиғилишда соҳадаги камчиликларни бартараф этиш, энергия ресурслари таъминотини яхшилаш чоралари муҳокама қилинган. Бу йил кузда кескин совуқ тушиб, об-ҳаво аввалги йилларга нисбатан эрта пасайгани қайд этилди. Электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ ҳамда иссиқлик таъминотида тез-тез узилишлар бўлди. Бу вазият тармоқлар ва худудларнинг қиш мавсумига тайёр эмаслигини яққол кўрсатиб берди. Яқинда бензин нархи ҳам ошди. Булар аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Қиш мавсумида тармоқ ва худудларда узлуксизликни таъминлаш учун суткасига 10–12 млн киловатт-соат қўшимча электр энергияси ишлаб чиқариш зарурлиги



қайд этилди. Бу қувватни «Тошкент», «Сирдарё», «Янги Ангрен» электр станцияларидаги 900 мегаваттли 5 та энергоблочки ишга тушириш ҳисобидан таъминлаш бўйича топшириқ берилди.

Узилишларга, асосан, тақсимловчи тармоқларнинг 60 фоизи эскиргани ҳамда электр энергиясига талабнинг ошиб бораётгани сабаб бўлмоқда. Шу боис паст ва ўрта кучлинишли тармоқларни босқичма-босқич модернизация қилиш бўйича дастур ишлаб чиқиб, ижросига тезроқ киришиш зарурлиги таъкидланди.


Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда газ таъминотида суткасига 20 млн куб метр танқислик мавжуд. Оқибатда мингдан зиёд маҳаллада табиий газ босими пасайган.

– Газ тизими билан боғлиқ муаммолар бугун юзага келмагани, балки 30 йилдан бери бизни қийнаб келаётганидан барчамиз хабардоримиз. Лекин буни баҳона қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Халқимизга газ керак, уларнинг кўпчилиги бунинг учун тўловларни ўз вақтида ҳалол қилиб, тўлаб келмоқда, – деди Президент.

Давлат раҳбари газ экспортини қисқартириб, аввало аҳоли эҳтиёжларини қондириш юзасидан кўрсатма берди. Бунинг ҳисобига кунига 7-8 млн куб метр табиий газ қўшимча равишда ҳудудларга йўналтирилади. Шунингдек, аҳоли эҳтиёжини қоплаш учун яна 217 минг тонна суюлтирилган газ етказиб бериш вазифаси қўйилди.

Самарасиз ишлаётган 25 та конни инвесторларга «риск-сервис контракт» шартлари асосида бериб, табиий газ ишлаб чиқаришни кўпайтириш мумкинлиги айтилди.

Жойларда кўмир билан боғлиқ эътирозлар ҳам бор. Аҳоли ва ижтимоий объектлар учун ажратилган маҳаллий кўмининг 60 минг тоннаси ҳали эгаларига етказиб берилмагани кўрсатиб ўтилди.



Таассуф

## Газ ўғриларига жиноят иши кўзғатилди

Бугун аҳолини электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ таъминоти қизиқтиради. Жойларда ушбу тизимлар билан боғлиқ муаммолар ҳам кўп учрамоқда. Албатта, бунда аввало шу соҳа масъулларига эътирозлар билдирилмоқда.

Аммо энергия ресурсларидан ҳўжасизларча фойдаланиш, тармоққа ноқонуний уланишдан тап тортмайдиган шахслар ҳам учрамоқда. Мажбурий ижро бюроси ва Давлат хавфсизлиги хизмати Самарқанд вилоят бошқармалари ходимлари томонидан ҳамкорликда ўтказилган текширувда ана шундай ҳолат қайд этилди.

Вилоят прокуратурасининг хабарига кўра, фуқаро И.Б. ва унинг жиноий шериклари ўзларига тегишли бўлган Самарқанд тумани Юқори Чордара маҳалласида жойлашган иссиқхоналарда табиий газдан фойдаланиш учун таъминотчи корхонадан тегишли рухсатнома олмасдан, тармоққа ноқонуний уланган. Улар иссиқхона ёнида жойлашган Куролли Кучлар кичик мутахассисларини тайёрлаш маркази ҳудудидан ўтган Самарқанд шаҳри аҳолисига

табиий газ етказиб берувчи 500 мм диаметрли газ қувурига яширин равишда уланиб, фойдаланиб келган. Оқибатда давлатга 360 млн сўмлик жуда кўп миқдорда иқтисодий зарар етказилган.

Мазкур ҳолат юзасидан **Жиноят кодексининг 169-моддаси 4-қисми «а» банди** билан жиноят иши кўзғатилиб, Самарқанд вилоят прокуратураси уюшган жиноятчилик ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш бўлим томонидан тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда. Фуқаролар И.Б. ва М.Э. 2021 йил 6 январь куни жиноят ишида гумон қилинувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилиниб, ушланган.

ЎзА.

Эълон

### «ЖАВОБ БЕРАМИЗ» ИНФОКИОСКИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ

Солиқ солиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳуқуққа оид мавзулардаги саволларингизга электрон қўлланмалар ва газета материаллари муаллифлари жавоб берадилар.

**Жавобларни [norma.uz](http://norma.uz) сайтидаги «Жавоб берамиз» эксперт хизмати электрон ахборот киоскидан толасиз.**

**Саволларни қуйидагича бериш мумкин:**

- ✓ **аввал [norma.uz](http://norma.uz) сайтида рўйхатдан ўтиб, мурожаатни электрон кўринишида жўнатган ҳолда;**
- ✓ **(71) 200-00-59 бевосита алоқа телефони орқали (душанбадан жумагача соат 10.00 дан 17.00 гача).**

## Қурилиш соҳасида қандай ўзгаришлар кутилмоқда

Ўзбекистонда Қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021–2025 йилларга мўлжалланган стратегияси (27.11.2020 йилдаги ПФ-6119-сон Фармон) тасдиқланди. Ҳужжатда қурилиш соҳасидаги давлат сиёсати инновациялар, инвестициялар, меҳнат ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш орқали тармоқ салоҳиятини оширишга йўналтирилганлиги айтилади.

Шу билан бирга қурилиш тармоғининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи бир қатор тизимли муаммолар мавжуд. Хусусан, шаҳарсозлик фаолиятини техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар сезиларли даражада эскириб қолганлиги архитектура-қурилиш ишларини олиб боришнинг замонавий услубларини қўллаш имкониятларини инобатга олмайди. Бу энергия тежамкор технологиялар ва материалларни кенг қўллаш имкониятларини чекламоқда. Кўпчилик аҳоли пунктларида бош режалар мавжуд эмас ёки қурилишда уларга риоя қилинмайди. Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги руҳсат бериш тартиб-таомиллари-

нинг мукамал эмаслиги ўзбошимчилик билан қурилган биноларнинг кўлайлишига, ходимларни қурилиш-монтаж ишларига ноқонуний асосда, керакли ҳужжатларни расмийлаштирмасдан жалб қилишга олиб келмоқда. Қурилиш ташкилотлари ходимларининг зарур билим ва малакага эга эмаслиги қурилиш тармоғининг инвестициявий жозибдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда, қурилган бино ва иншоотлардан кейинчилик фойдаланишда хавфсизлик талабларининг бузилишига олиб келмоқда. Мазкур муаммоларни бартараф этиш учун нималар тақлиф этилаётгани ҳақида қуйидаги материалларимизда ўқинг.

## Бош режалар жамоат муҳокамасидан кейин тасдиқланади

Ўзбекистонда бино ва иншоотларнинг қурилиши устидан жамоат назоратини кучайтириш белгиланган. 2021 йил 1 январдан бошлаб аҳоли пунктларининг бош режалари жамоат муҳокамаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тасдиқланади.

Бунда аҳоли пунктлари бош режаларининг жамоат муҳокамаси қуйидаги тартибда амалга оширилади:

**I боқич** – фуқароларни жамоат муҳокамасини ўтказиш мuddатлари, жойи ва тартиби билан таништириш;

**II боқич** – аҳоли пункти бош режасининг лойиҳаси бўйича жамоат муҳокамаларини (яшовчилар, ердан фойдаланувчилар ва кўчмас мулк объектлари мулкдорларининг муҳокамалари, ижтимоий сўровлари, фикрларини тўплаш ва бошқа усуллар) ўтказиш;

**III боқич** – жамоат муҳокамасининг қайд этилган натижалари асосида жамоат фикрини таҳлил қилиш;

**IV боқич** – жамоат муҳокамаси натижалари ҳақида оммавий ахборот воситалари, шу жумладан интернет тармоғи орқали аҳолини хабардор қилиш.

Мазкур тартиб аҳоли пунктлари бош режаларининг юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, жамият ва давлат манфаатларига мувофиқлиги юзасидан жамоат экспертизасини амалга ошириш имконияти жорий этилишини назарда тутати.

Аҳоли пунктнинг тақлиф этилган бош режасидан норози бўлган жамоат назорати субъектларининг ташаббусига кўра аҳоли пунктнинг муқобил бош режасини ишлаб чиқиш ёки унга ўзгартириш (тузатиш) киритиш механизми жорий этилади.



Аҳоли пунктлари бош режаларининг жамоат муҳокамасини ташкил этиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига юкланади.

2025 йилга бориб шаҳарларнинг барчасини ва шаҳар посёлкаларининг 25 фоизини бош режалар билан қамраб олишга эришилади.

## Тошкентга дизайн-код нима учун керак?

2022 йил 1 июлдан эътиборан Ўзбекистонда шаҳар муҳитининг «дизайн-код»и жорий этилиши бошланади. Унинг ўзи нима ва нима учун керак?

Дизайн-код – бу хавфсиз, эстетик ва қулай шаҳар муҳити асосида шаклланиши лозим бўлган жиҳозлашнинг аниқ, ягона ва тушунарли қоида ва тавсиялариدير. Дизайн-код шаҳар муҳитининг ташқи кўриниши ва ахборот жиҳатдан жозибadorлигини таъминлайди. Бошқача айтганда, бу дизайннинг шаҳар қоидалари бўлиб, улар шаҳар ёки минтақанинг маданий ва тарихий ўзига хослиги, табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади. Шаҳарнинг меъморчилик қиёфаси унга боғлиқ бўлади, унинг ёрдамида шаҳар янада жозибador тус олади.

Шаҳар ранг-баранг сегментлардан ташкил топади. Бошқа мамлакатларнинг тажрибасига биноан шаҳарнинг дизайн-коддини ишлаб чиқиш ва уни татбиқ этиш, одатда, унинг ташқи кўринишини ўзгартира оладиган, ўзига хослигидан маҳрум эътадиган пештахталар, рекламалар, эълонлар, офисаларни тартибга солишдан бошланади. Булар томларни тўлдириб қўйиши, биноларнинг меъморчилик унсурлари, ойналарни тўсиб қўйиши, юқори қаватлардан осилиб туриши, кишиларга ҳалақит бериши ва, ҳатто, унга таъсир кўрсатиши мумкин.

Гарчанд Интернетдаги бизни безовта қилувчи ва тажовузкор рекламани бир зумда блокка тушириб қўйишимиз мумкин бўлса-да, кўчалардаги ҳар қадамда кўзимиз

тушадиган, биз қочиб қутула олмайдиган, «дизайн-анархия»га эга бўлган ва пала-партиш рекламага қарши ҳеч нарса қилолмаймиз. Шаҳар муҳитини безашга доир ягона талаблар бўлмаган бир пайтда тадбиркорлар ҳам ўз дидларидан келиб чиқадилар-да.

Лекин дизайн-код нафақат реклама ва пештахталарни тартибга солишга қаратилган. Уни ўзига хос кўча инфра-тузилмаси деса ҳам бўлади: панжаралар, скамейкалар, пештахта-лавҳлар, урналар, кўрсаткичлар, афисалар, йўл белгилари, гул учун қурилмалар ва шаҳар муҳитини ташкил эътадиган яна кўплаб нарсалар дизайн-кодди ифодалайди.

Фуқароларга дизайн-код кўчада адашиб қолмаслик, осон ҳаракатланиш ва шунчаки йирик шаҳарда киши ўзини қулай ҳис этиши учун керак. Гап бу ерда рисоладагидек логистика, хавфсиз ҳаракатланиш хусусида бормоқда. Бу ва бошқа жиҳатлар шаҳар муҳитининг дизайн-коди тузилмасида эътиборга олиниши лозим. Унинг самарadorлиги туристлар оқимига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Шаҳар меҳмонлари учун мегаполисининг об-ҳавоси эмас, унинг ўзига хослиги, ички руҳи, тарихий ва маданий қиёфаси муҳимдир. Мана шу ёндашувлар шаҳарнинг дизайн-кодига сингиб кетмоғи даркор.

## Экспертиза ва шартномасиз қуриш тақиқланади

2021 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистонда икки қаватдан юқори (цоқолни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган бино ва иншоотларни, шу жумладан яққа тартибдаги уй-жойларни қуриш ҳамда реконструкция қилишда объектнинг лойиҳа ҳужжатларини мажбурий экспертизадан ўтказиш талаб қилинади. Ушбу объектлар устидан Қурилиш вазирлиги қошидаги қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияларининг давлат қурилиш назорати ўрнатилади.


Уй қурувчиларга (жисмоний ва юридик шахсларга) мустақил равишда (хўжалик усулида), қурилиш ташкилоти билан қурилиш пудрати шартномасини тузмасдан икки қаватдан юқори (цоқолни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган бино ва иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш тақиқланади.

Аҳоли пунктлари ҳудудларининг функционал зоналарида жойлашган, бундай турдаги қурилиш учун мўлжалланмаган ер участкаларида кўп қаватли кўп квартиралли уйлари қуришга йўл қўйилмайди.

Лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказмасдан мавжуд бино ва иншоотларнинг, шу жумладан яққа тартибдаги уй-жойларнинг, ўзгартирилган лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказмасдан қурилатган бино ва иншоотларнинг қаватлари сонини кўпайтириш тақиқланади.

Лойиҳа ҳужжатлари бўйича ижобий эксперт хулосаси эксперт ташкилоти томонидан «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимидаги «Эксперт хулосаларининг ягона реестри»га киритилган тақдирда ҳақиқий деб тан олинади.

РЕКЛАМА



Ўзбекистон  
Республикаси  
қонунчилиги

www.norma.uz

Мавзуй сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.



## Иш берувчининг номидан судга кимни юбориш мумкин

**Компанияда ходим билан меҳнат низоси юзага келди. Иш ўз фойдасига ҳал бўлмагач ходим судга даъво билан мурожаат қилди. Ташкилот номидан вакил сифатида судда иштирок этиш учун кимни юбориш мумкин? Вакилнинг ваколатларини қандай тўғри расмийлаштириш лозим?**

– Ташкилотлар судда ишларни ўз раҳбарлари ёки вакиллари орқали юритади (ФПК 65-м.).

Албатта, судда ташкилот манфаатларини юрисконсулт ёки адвокат ифодаласа яхшироқ бўлади. Бироқ кадрлар бўлими ходимини ва (ёки) меҳнат низосининг турига қараб бошқа ходимни ҳам судга юбориш мумкин. Шунингдек, компания раҳбарининг ўзи ҳам судга борса бўлади. Дарвоқе суд ишга тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича меҳнат шартномасини бекор қилишга ёки бошқа ишга ўтказишга фармойиш берган мансабдор шахсни ишда иштирок этиш учун жалб қилади (ФПК 184-м.).

### Вакиллик қандай расмийлаштирилади?

Судда иштирок этиш учун вакилга ишончнома берилади. Бундай ишончномани нотариусда тасдиқлатиш шарт эмас. Ташкилот номидан бериладиган ишончнома ташкилот раҳбари томонидан имзоланиб, имзо ташкилотнинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланади (ФПК 68-м. 1, 4-қ.).

### Вакилга қандай ваколатлар берилади?

Ишончнома бўйича ишда иштирок этувчи вакиллар фуқаролик процесси иштирокчига бериладиган ҳуқуқлардан ҳам фойдаланиши мумкин. Улар қуйидагиларга ҳақли бўлади:

- иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусхалар кўчириш;
- процесс иштирокчиларига рад этиш тўғрисида арз қилиш;
- далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш;
- ишда иштирок этувчи шахсларга саволлар бериш;
- илтимосномалар тақдим этиш;
- судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш;
- суд муҳокамаси давомида юзага келадиган барча масалалар бўйича ўзларининг важларини баён қилиш;
- бошқа шахсларнинг арзлари, илтимосномалари, важларига қарши эътирозлар билдириш ва ҳ.к (ФПК 40-м.).

Вакиллар ушбу ҳуқуқлардан сўзсиз фойдаланиши мумкин, бироқ қоидага кўра, амалиётда ушбу ҳуқуқлар ишончномада қайд этилиши лозим.

Шу билан бирга шундай процессуал ҳаракатлар ҳам борки, уларни вакил, агар бу ҳар бир алоҳида вазиятда ишончномада махсус кўрсатилган бўлса, амалга оширишга ҳақли бўлади. Улар қуйидагилардан иборат:

- арз қилинган талаблардан тўлиқ ёки қисман воз кечиш;
- арз қилинган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартириш;
- арз қилинган талабларнинг миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш;
- даъвогарнинг талабларини тан олиш;
- келишув битими, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш тўғрисидаги келишув ёки медиатив келишув тузиш;
- ваколатларни бошқа шахсга ўтказиш (бошқа шахсга ишониб топшириш);
- суд ҳужжати устидан шикоят қилиш;
- аризаларни имзолаш;
- ижро варақасини ундирувга тақдим этиш;
- ундирилган мол-мулкни ёки пулларни олиш (ФПК 69-м. 2-қ.).

### Ташкилот раҳбарига (директорига) ишончнома керак бўладими?

Қоидага кўра, судда иштирок этиш учун раҳбарларга ишончнома керак бўлмайди, улар ташкилот Устави асосида ҳаракат қилади ва ташкилот манфаатларини, шу жумладан судда ҳам ифодалайди.

Масалан, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонунда белгиланишича, жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди ва битимлар тузади («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 39-м. 4-қ.). АЖ директори (бошқарув раиси) ҳақида ҳам шулар айтилган («Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 79-м. 6-қ.). «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонунда айтилишича: «хусусий корхона мулкдори корхонани раҳбар сифатида якка бошқаради, корхона номидан ишончномасиз иш кўради, унинг манфаатларини ифодалайди («Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуннинг 14-м.).

Фақат ваколатхона ва филиаллар раҳбарлари истисно этилади. Улар юридик шахс томонидан тайинланади ҳамда унинг ишончномаси асосида иш олиб боради (ФК 47-м. 3-қ.).»

## Қачон жамоа моддий жавобгарлиги белгиланиши мумкин

**Компания дўкон очяпти, унда бир вақтнинг ўзида бир нечта сотувчи ишлайди. Иш берувчи барча қимматликлар сотувчиларга бир йўла ишониб топширилаётганлиги сабабли уларнинг ҳар бирига якка тартибдаги моддий жавобгарликни юклай олмайдди. Ходимлар жамоасини моддий жавобгар этиб тайинлаш мумкинми?**

– Ҳа, шундай қилиш мумкин. Якка тартибдаги жавобгарликдан фарқли ўлароқ, жамоа (бригада) моддий жавобгарлиги тўлиқ моддий жавобгарлик юклатиладиган ходимлар гуруҳига (бригадага) топширилади (МК 203-м. 7-қ.).

Қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда, жамоа жавобгарлиги жорий қилиниши мумкин:

- жамоа ходимлари томонидан уларнинг лавозим мажбуриятларига мувофиқ уларга топширилган қимматликларни сақлаш, қайта ишлаш, сотиш (бериш), ташиш ёки ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш билан боғлиқ ишлар биргаликда бажарилиши керак;
- ҳар бир ходимнинг жавобгарлиги чекланмаслиги ва тегишли равишда, ҳар бир ходим билан якка тартибдаги тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида алоҳида шартнома тузилмаслиги лозим;
- бажариладиган ишлар корхонанинг жамоа шартномасида белгиланган жамоа жавобгарлиги жорий этилиши мумкин бўлган бўлинмаларнинг рўйхатига киритилиши зарур (МК 203-м. 3-қ.);
- жамоа (бригада) аъзолари – 18 ёшга тўлган бўлиши керак (МК 203-м. 2-қ.).

Жамоа моддий жавобгарлиги жорий этилиши мумкин бўлган бўлинмаларнинг рўйхатини жамоа шартномасида қайд этинг. Бундай шартнома тузилмаган бўлса, рўйхатни ходимларнинг вакиллик органи билан келишган ҳолда иш берувчининг буйруғи билан тасдиқланг (МК 203-м. 3-қ.).

Қуйидаги ҳолларда ходим розилик билдирган тақдирда ҳам жамоа моддий жавобгарлиги

тўғрисидаги шартномани тузиш мумкин эмас:

- жамоа шартномасида рўйхат мавжуд бўлмаганда ёки иш берувчи уни ходимларнинг вакиллик органи билан келишган ҳолда тасдиқламаганда;
- ташкилотда жамоа шартномаси тузилмаган, ходимларнинг вакиллик органи мавжуд бўлмаганда.

Бунга қарамай, сиз жамоа моддий жавобгарлиги тўғрисидаги шартномани тузган бўлсангиз, у ҳақиқий ҳисобланмайди.

### Жамоа жавобгарлигини жорий қилиш учун:

- 1) бу ҳақда буйруқни расмийлаштириш ва у билан ходимларни имзо чектириб таништириш.
- 2) ходимлар гуруҳи билан жамоа моддий жавобгарлиги тўғрисидаги шартномани тузинг.

Жамоа моддий жавобгарлигини белгилаш тўғрисидаги буйруқ билан жамоа раҳбари ҳам тайинланади, у умуман олганда жамоа фаолияти учун масъул бўлади. Бироқ бу камомат аниқланган ҳолларда у бригаданинг бошқа аъзоларига нисбатан кўпроқ ёки камроқ миқдорда зарарни қоплаши мумкинлигини англамайди.

Жамоа моддий жавобгарлиги тўғрисидаги шартнома иш берувчи ва жамоа раҳбари томонидан имзоланади. Бундан ташқари, жамоа жавобгарлиги жорий этилаётган барча ходимлар имзо чекишлари лозим.

Шартнома, қоидага кўра, 2 нусхада



## Қачон жамоа моддий жавобгарлиги белгиланиши мумкин

**7-бетда** тузилади. Улардан биттаси иш берувчида, иккинчиси эса жамоа раҳбаридан сақланади. Лекин бригаданинг ҳар бир ходими учун ҳам нусха расмийлаштирилиши мумкин.

Жамоа раҳбари ўзгарганда ёки бригаданинг бошланғич таркибининг 50%идан ортиги чиқиб кетганда шартномани қайта тузиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бригада таркибидан айрим ходимлар чиқиб кетганида уларнинг чиқиб кетиши санаси чиқиб кетган ходимнинг имзоси рўпарасида кўрсатилади. Жамоага янги ходим қабул қилинганда эса уни шартномага киритиб имзо чектиринг ва жамоага кирган санасини кўрсатинг.

**!** Тулиқ жамоа моддий жавобгарлиги тўғрисидаги шартнома тузилмаган бўлса, етказилган зарар миқдори ходимлардан уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи доирасида ундирилади (МК 201-м. 1-қ.), МКнинг 202-моддаси 1-қисми 2-7-бандларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Шахс жамоа жавобгарлиги қўлланиладиган бўлинмага ишга қабул қилиниб, тулиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномага имзо чекишни истамаган тақдирда, уни ишга қабул қилишни рад этиши мумкин.

## Жамоа жавобгарлигида етказилган зарар қандай ундирилади?

Жамоа моддий жавобгарлигида етказилган зарар МКнинг 204–207-моддаларида назарда тутилган умумий қоидаларга биноан ундирилади. Бригаданинг айрим аъзоси жавобгарликдан озод бўлиш учун ўзининг айби йўқлигини исботлаб бериши лозим (МК 203-м. 7-қ.).

Ходимлар етказилган зарарни ихтиёрий равишда қоплашга розилик билдирганида, бу ҳақда ёзма битим тузилади. Унда жамоа ҳар бир аъзосининг айбдорлик даражаси, шунингдек зарарни қоплашнинг муайян шартлари белгиланади (МК 206-м.).

Компания ходими узрли сабабларсиз прогул қилди, шундан кейин бир кундан сўнг эса «касаллик таътили»га чиқди. Директор уни интизомий жавобгарликка тортмоқчи. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ходимга нисбатан интизомий жазо қўллаш мумкинлигини «Норма» компанияси эксперти Ленера ХИКМАТОВА тушунтирди:

– МКнинг 181-моддасига асосан ходим томонидан содир этилган ноҳўя хатти-ҳаракат учун унга ҳайфсан эълон қилиш, жаримага тортиш ёки меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкин. Ходимга нисбатан беморлик даврида ҳайфсан ёки жарима каби интизомий жазоларни қўллашга қонунда тўғридан-тўғри чеклов мавжуд эмас. Шу билан бирга ходимни вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатишга йўл қўйилмайди, корхона бутунлай тугатилган ҳоллар бундан мустасно (МК 100-м. 3-қ.). Меҳнат интизомини бузганлик учун меҳнат шартномасини бекор қилиш – бу МКнинг 100-моддаси 3-4-бандларига биноан (ходим томонидан меҳнат вазифаларини мунтазам ва бир марта қўпол равишда бузиш) иш берувчи ташаббуси билан ишдан бўшатишдир. Шу тариқа, «касаллик таътили» вақтида фақат ҳайфсан эълон қилиш ёки жаримага тортиш мумкин.

Бунда иш берувчи қонуннинг ходимни интизомий жавобгарликка тортиш тартиби тўғрисидаги барча талабларини бажариши шарт.

Жумладан, интизомий жазо қўллани-

лишдан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши (МК 182-м. 2-қ.), агар ходим уни беришдан бош тортса, бу ҳақда далолатнома тузилиши лозим. Тегишинча, савол туғилади – агар ходим ишда бўлмаса («касаллик таътили»да) иш берувчи «тушунтириш хати»ни қандай тарзда олиши лозим?

Албатта, ходимга у томондан содир этилган интизомий ноҳўя хатти-ҳаракат бўйича ёзма тушунтириш тақдим этиш таклифи билан хат (шу жумладан электрон шаклда) йўллаш мумкин. Ёки «тушунтириш хати» олиш ёки тушунтириш беришдан бош тортганлик тўғрисида далолатнома тузиш учун иш берувчининг вакилини унга юбориш мумкин. Бироқ ходим касалхонада бўлиши ёки беморлик туфайли ёзма тушунтириш беришга жисмонан қодир бўлмалиги мумкин. Шу боис унинг ишга чиқиши кутган маъқул. Бунинг устига, **жазо ноҳўя хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб қўлланиладиган бир ой муддатга вақтинча қобилиятсизлик даври кирмайди** (МК 182-м. 5-қ.).

Агарда ходим «тушунтириш хати»ни тақдим этгандан кейин «касаллик таътили»ни расмийлаштирган бўлса ёки

## «Касаллик таътили»да ҳайфсан олинадими?

сизда бош тортганлик тўғрисида далолатнома мавжуд бўлса, ҳайфсан ёки жарима тарзида интизомий жазога тортиш тўғрисида буйруқни расмийлаштиришга ҳеч нарса тўсқинлик қилмайди. Бироқ бу ерда ходимни буйруқ билан таништириш юзасидан муаммо юзага келади, сабаби қонун иш берувчига уни ходимга тилхат олиб эълон қилиш мажбуриятини юклайди (МК 182-м. 7-қ.). Ходимга интизомий жазо қўллаш тартиб-таомили уни буйруқ билан таништирилганда ёки танишишдан бош тортганлик тўғрисида далолатнома тузилганда тугал ҳисобланади. Шу боис, агар интизомий жазога тортиш тўғрисидаги буйруқ ходимнинг вақтинча қобилиятсизлик даврида чиқарилган бўлса, уни буйруқ билан у ишга чиққандан кейин таништиринг.

Ва унутманг: ноҳўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб 6 ой ўтганидан, молия-ҳўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижасида аниқланганда эса – содир этилган кундан бошлаб 2 йил ўтганидан кейин жазони қўллаб бўлмайди. Жиноий иш бўйича иш юритилган давр бу муддатга кирмайди (МК 182-м. 6-қ.).

## САЛОМАТЛИК БУРЧАГИ

### Мутахассис изоҳи: Совуқда ниқобдан бир соатдан ортиқ фойдаланманг!

Коронавирус пандемияси сабабли дунёда, жумладан юртимизда ҳам жамоат жойларида ниқобсиз юриш тақиқланган. Бироқ, қиш келиб, ҳавонинг совийи туфайли ниқобдан фойдаланаётганимизда унинг намланиб, ички қисми хўл бўлиб қолаётгани кўпчилиكنинг эътиборини тортмоқда. Бу ҳолат бошқа касалликка сабаб бўлмайди, деган хавотирлар ҳам йўқ эмас.

Ана шу масалада пойтахтимиздаги хусусий клиникалардан бирида фаолият юритаётган лор шифокори Қобилжон ТҮЙЧИЕВнинг фикрлари билан қизиқдик.

– Ниқоб тақиш бир тарафдан химоя вазифасини бажаради, – дейди Қ.Тўйчиев. – Лекин унинг зарарли тарафлари ҳам бор. Мисол учун, ташқарида ҳаво ҳарорати 20 даража бўлса, ютиб чиқараётган нафасимиз 36 даража бўлади. Чунки, соғлом бурун ўтаётган ҳавони намлаб, чангдан тозалаб ўпкага 36 даража қилиб узатади. Бу жараёни ҳисобга оладиган бўлсак, узоқ вақт ниқоб тақиш юриш оғиз, бурун бўшлиғида ҳароратнинг баландроқ бўлишига сабаб бўлади. Чунки, терлаб, намланган ниқоб ҳавони яхши ўтказмайди. Бир ниқобдан бир соат фойдалансанг, оғиз бўшлиғидаги намлик эвазига кислород ўтказиши камайдя ва организмда маълум миқдорда кислород димиқши юзага келади.

Қиш кунда ниқобни узоқ тақиш бўлмайди, уни тез-тез алмаштириб туриш керак. Агар имкон бўлса, жамоат жойларига кирмаслик, иложи борица, тезроқ очик жойга чиқиш керак. Агар ниқоб матоси жуда қалин ва ундан нафас олиш

қийин бўлса, ҳаво очик қолган ён томонлар орқали чиқиб, ниқобнинг ўзи тезда намланади ва самарасиз бўлиб қолади. Эътибор қиладиган бўлсанг, ниқоб таққанда буруннинг тепа қисмида очик жой қолади. Карбонат ангидрид бу жойдан кўз ва киприкка урилиб, уларни намлантиради. Киприкнику, намланиши ўтиб кетади, лекин кўзни намланиб, шамолда қуриши бошқа касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин.

Агар ниқоб томчиларни яхши филтёрламаса, бундай ниқоб нафақат ёрдам бермайди, балки аҳволни янада ёмонлаштириши ҳам мумкин. Кичик бир тадқиқотда шундай мато катта томчиларни парчалаётгани кўринади. Натижада, умуман ниқобсиз гаплашгандан кўра кўпроқ томчилар ҳосил бўлган. Назарий томондан олиб қараса, бу ҳолат жиддий зарар етказиши мумкин, чунки кичикроқ томчилар ҳавода узоқроқ туради, ерга тушмайди ва инфекциянинг потенциал манбаи бўлиб қолади.

ЎЗА.



Иккисоний – ҳуқуқий газета  
**НОРМА МАСЛАХАТЧИ**  
ХУҚУҚ СОЛИКЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Норма» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.  
Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир  
Фарҳод Собирович  
ҚУРБОНОВ

Нашр учун масъул –  
бош муҳаррир  
ўринбосари,  
масъул котиб  
Нодир Носирович  
АЛИМОВ

Саҳифаловчи  
Наталья  
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1,  
Тахририят тел. (71) 200-00-90  
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30  
E-mail: [sbx@norma.uz](mailto:sbx@norma.uz)  
[gazeta@norma.uz](mailto:gazeta@norma.uz)  
web: [norma.uz](http://norma.uz)

Обуна, газеталар, китоблар,  
газеталарнинг электрон версияларини  
етказиб бериш ва харид қилиш  
масалалари бўйича (71) 200-00-30;  
«Норма» АКТ бўйича – (71) 200-00-90;  
Рекламани жойлаштириш бўйича  
(71) 231-07-91 телефон рақамларига  
муурожаат қилиш мумкин.

Газета ношир – «ТОПРИТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.  
Нашр кўрсатиши – 186. Қўғаз бичими – А3. Ҳажми – 2 босма тасв. Баҳоси келишилган нарҳда.  
Буортма G123. Адади 425. Газета 2021 йил 11 январь соат 16.00 да топширилди.

## ЎЗГАРИШЛАР БЎЛМАЙДИ

Нималар сақлаб қолинди	Нималар ўзгартирилди
<b>Айланмадан олиннадиган солиқ</b>	
Айланмадан олиннадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби сақлаб қолинди. Барча тоифадаги солиқ тўловчилар учун (риэлторлардан ташқари) 2020 йилда амалда бўлган солиқ ставкалари сақлаб қолинди	Айланмадан олиннадиган солиқ татбиқ этилмайдиган шахслар рўйхатида алкоголь маҳсулотларини (шу жумладан пивони) чакана сотиш бўйича тургун савдо шохобчалари, бозор ва савдо комплекслари киритилди. Риэлторлик хизматини кўрсатувчи шахсларга солиқ ставкаси 25%дан 13%гача камайтирилади
<b>Юридик шахслардан олиннадиган мол-мулк солиғи</b>	
Юридик шахслардан олиннадиган мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби, шунингдек базавий солиқ ставкаси 2% миқдорда сақлаб қолинди	СКнинг 415-моддаси 4-бандида назарда тутилган объектлар учун белгиланган пайасирилган солиқ ставкаси 0,2%дан 0,4%гача оширилди. Туристик зоналарда жойлашган санаторий-курорт объектлари бўйича солиқ имтиёзлари бекор қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашларига ушбу объектлар бўйича мол-мулк солиғини камайтирилган ставкаларини қўллаш ёки ушбу солиқларни тўлашдан озод қилиш ваколати берилди
<b>Юридик шахслардан олиннадиган ер солиғи</b>	
Юридик ва жисмоний шахслар учун ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби, шунингдек қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив кийматига нисбатан белгиланган 0,95% солиқ ставкаси сақлаб қолинди	Мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги корхоналари мева-сабзавот маҳсулотлари эгаллаган ерлар бўйича, шунингдек деҳқон хўжаликлари қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив кийматидан келиб чиққан ҳолда солиқ тўлайди. Бунда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун белгиланган каби ер солиғи ставкаси белгиланди Солиқ кодексда юридик ва жисмоний шахслар учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун худудлар кесимида (мулқ миқдорда) базавий солиқ ставкаси белгиланди. Улар асосида туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан муайян ставкалар белгиланади СКнинг 429-моддасида назарда тутилган алоҳида объектлар эгаллаган ер участкаларига нисбатан юридик шахслар учун солиқ ставкасининг камайтувчи коэффициентини 0,1 дан 0,25 гача оширилди 2021 йилнинг 1 январидан бошлаб нафақат томчилик сўғориш, балки бошқа турдаги сувни тежайдиган сўғориш технологиялари жорий этилган ерлар ер солиғини тўлашдан озод этилди
<b>Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ</b>	
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва тўлаш умумий тартиби сақлаб қолинди. Солиқ ставкалари коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари учун 2020 йил даражасида сақлаб қолинди	Қишлоқ хўжалигида, шу жумладан балқиччилик хўжаликларида сувдан фойдаланувчи шахслар учун солиқ базасини аниқлаш тартиби ўзгартирилди Солиқ солиш объекти ва (ёки) солиқ ставкаси турли хил бўлган бир неча турдаги фаолият билан шуғулланувчи солиқ тўловчилар бундай фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ва тегишли солиқ ставкалари бўйича солиқ тўлашлари шарт Солиқ ставкаларини Солиқ кодекс белгилайди. Солиқ ставкалари 15%га, иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари учун эса 30%га индексация қилинди
<b>Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ</b>	
Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби сақлаб қолинди	Қуйидаги фойдали қазилмалар учун 5 фоиз миқдорда, бироқ 1 куб м учун 7 500 сўмдан кам бўлмаган миқдорда ягона солиқ ставкаси белгиланди: қурилиш кумлари, кум-шағал аралашмаси, қумтошлар, қурилиш майда тошлар (карбонат жинслари, гранитлар, порфиритлар ва сланец жинслари)

## Яна нималарни эътиборга олиш лозим:

2021 йил 1 январдан мулкчилик шаклидан қатъи назар барча хўжалик юритувчи субъектлар учун асосий воситаларни ҳар йиллик **мажбурий** қайта баҳолаш бекор қилинди. Асосий фондларни ихтиёрий қайта баҳолашни ўтказиш тақиқланмаган.

Олтиндан ясалган заргарлик буюмларини чакана савдода сотганлик учун йиғим миқдори 1 грамм учун 1 минг сўм миқдорда сақлаб қолинди.

**P.S.** Юқорида келтирилган солиққа оид ўзгартиришлар бўйича ба-тафсил тушунтиришларни ҳисоблаш ва бухгалтерия ҳисобиди акс эттиришга доир мисоллари билан келгуси сонларимизда ўқинг.

**?** Компания транспорт-экспедиторлик хизматларини кўрсатади. Қўзғина хизматларни етказиб берувчилар чет давлатлар резидентларидир. СК 358-моддаси 1-қисми 3-бандига кўра, солиқ резидентлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб чет давлат ваколатли органининг интернет-ресурсида жойлаштирилган электрон ҳужжатнинг қоғоз нусхаси ҳисобланади. Ҳужжатнинг ушбу қоғоз нусхаси халқаро шартномалар нормаларини қўллаш учун етарли асос бўладими ёки апостиль қўйилган сертификатнинг асл нусхаси керак бўладими?

## ҚОҒОЗ НУСХАСИ КИФОЯ

– Солиқ резидентлигини тасдиқловчи ҳужжат қуйидаги шаклда тақдим этилиши мумкин:

1) норезидент резиденти бўлган чет давлатнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган асл нусха. Бунда у консуллик легаллаштириш амалга оширилган ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда апостиль қўйилган ҳолда тақдим этилади;

2) 1-банд талабларига мувофиқ бўлган ҳужжат асл нусхасининг но-

тариал тартибда тасдиқланган кўчирма нусхаси;

3) чет давлат ваколатли органининг интернет-ресурсида жойлаштирилган, солиқ резидентлигини тасдиқловчи электрон ҳужжатнинг қоғоздаги нусхаси (СК 358-м. 1-қ.).

Солиқ резидентлигини тасдиқловчи ҳужжат чет давлат ваколатли органининг интернет-ресурсида жойлаштирилган бўлса, легаллаштириш талаб этилмайди (СК 358-м. 3-қ. 1-б.).

Биобарин, чет давлат ваколатли органининг интернет-ресурсида резидентлик сертификати жойлаштирилган бўлса, ҳужжатнинг қоғоз нусхасини тақдим этишнинг ўзи kifоя. Уни текширмоқчи бўлган шахс резидентлик сертификати нусхасида кўрсатилган расмий сайтга кириб, ҳужжатнинг аслигига ишонч ҳосил қилиши мумкин.

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА,  
«Norma» МЧЖ эксперти.

ҚАНДАЙ ҲОЛЛАРДА  
ИЖАРАГА ОЛУВЧИ РЕСУРС  
СОЛИҚЛАРИНИ ТЎЛАШИ  
КЕРАК

**?** Корхона кўчмас мулкни ижарага олган. Бу ҳолда ресурс солиқлари бўйича қандай тўғри ҳисобот топшириш мумкин? Уларни қим тўлаши керак – ижарага берувчиси ёки ижарага олувчи?

**Vixgalter.uz** илгирисига биноан саволга ДСКда жавоб беришди:

– 2020 йилда амал қилган нормалар ўзгармади.

Агар хўжалик юритувчи субъектда ресурс солиқлари бўйича солиқ солиш объектлари мавжуд бўлмаса, улар бўйича солиқ ҳисоботларини тақдим этиш зарур эмас, шу жумладан – нолли кўрсаткичлар билан.

Солиқ ҳисоботи шахс фақат солиқ тўловчи деб эътироф этиладиган солиқлар бўйича тақдим этилади, биобарин, солиқ ҳам тўланади (СК 81-м. 3-қ.).

Шундан келиб чиқиб:

● ижарага олувчи оператив ижарада бўлган объектлар (бино ёки алоҳида хоналар) бўйича мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўламайди, сабаби у – ижарага олинган объектнинг мулкдори эмас. Бу ҳолда солиқларни мол-мулк мулкдори тўлайди (СК 54, 410, 425, 444-м.; 6-сон БҲМС, АВ рақами 1946, 24.04.2009 й.);

● сув етказиб беришни амалга оширувчи ташкилот билан у ижарага олган бино ёки алоҳида хоналарга сув етказиб бериш учун мустақил

равишда шартнома тузган ижарага олувчи сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчисига айланади, сабаби сув бериш унинг ташаббуси билан ва унинг хўжалик эҳтиёжлари учун амалга оширилади (СК 444-м.);

● ижарага олувчи (лизинг олувчи) ижарани молиявий деб таснифлаш мумкин бўлган барча ҳолларда мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлайди, сабаби тегишли ҳуқуқни белгилловчи ҳужжатлар расмийлаштирилган пайтдан эътиборан объектнинг эгаси ҳисобланади (СК 54, 410, 425-м.).



## ЗАРАРЛАРНИ ЎТКАЗИШ ҚОИДАЛАРИ

Олдинги йилларда корхонада фойда солиғи ҳисоб-китобида зарар кўрилган, 2020 йилда эса фойда кўрилди. 2020 йилнинг фойдасини олдинги йиллар зарарлари суммасига камайтириш мумкинми? Буни ҳатоларсиз қандай амалга оширишни «Norma» компанияси эксперти Олег ЦОЙ тушунтириб берди:

– Зарарларни келгуси даврларга ўтказиш қоидалари СКнинг 333-моддасида белгиланган.

Агар чегириладиган харажатлар жами даромаддан ошиб кетса (даромадлар ва харажатларга киритилган тузатишларни инобатга олган ҳолда), солиқ солиш мақсадида зарар юзага келади.

Чегирилмайдиган харажатлар солиқ солинадиган фойдани камайтирмайди, демак, ўтказиладиган зарар суммасини оширмайди.

Агар корхонада олдинги солиқ даврида (календарь йилда) зарар ҳосил бўлган бўлса, сиз жорий йил фойдасини зарарнинг бу-

тун суммага ёки унинг бир қисмига камайтиришга ҳақлисиз.

Зарарни ушбу зарар кўрилган йилдан кейинги 10 йил мобайнида келгусига ўтказишни амалга ошириш мумкин. Бунда ўтказилаётган зарарнинг жами суммаси жорий йил солиқ базасининг 60%идан ошиб кетиши мумкин эмас.

Солиқ базасини олдинги солиқ даврида (даврларида) кўрилган зарар суммасига фақат жорий солиқ даврининг яқунлари бўйича камайтириш мумкин (йиллик солиқ ҳисоботини тўлдиришда). Агар зарарлар бир календарь йилдан ортиқ йилларда кўрилган бўлса, улар кўрилган кетма-кетликда ўтказилади.



2020 йил 1 январга қадар ҳосил бўлган зарарни келгусига 5 йилдан кўп бўлмаган муддатда кўчириш мумкин. Ўтказилаётган зарарнинг жами суммаси жорий йилдаги солиқ базасининг 50%идан ошиши мумкин эмас (30.12.2019 йилдаги ЎРҚ-599-сон Қонуннинг 6-б.).

Яъни 2020 йилнинг солиқ солинадиган фойдасини сиз 2015–2019 йиллар зарарларига 50% доирасида камайтиришингиз мумкин.

Корхонанинг фойда солиғини тўлашдан озод қилинган солиқ даврида кўрган зарарлари кейинги солиқ даврларига ўтказилиши мумкин эмас (Ҳисоб-китобга 7-илованинг 4-иқоғи, 3-илова, АВ томонидан 24.02.2020 йилда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Агар сизда 2020 йил бошига бўлган ҳолатда ўтказилмаган зарар қолдиғи мавжуд бўлса ёки зарар жорий йилда кўрилган бўлса, 2020 йил учун Фойда солиғи ҳисоб-китобига 7-«Жорий солиқ давридаги солиқ солинадиган фойдани камайтирадиган ўтган йиллар зарари суммасининг ҳисоб-китоби» иловасини тўлдириш. Бу иловада

сиз олдинги 5 йилдаги сўндирилмаган зарарларни босқичма-босқич ўтказиш ҳисобига солиқ базасини 50% ортиқ бўлмаган миқдорда камайтиришни акс эттиришингиз мумкин.

2020 йил яқунлари бўйича кўрилган зарар 2021 йилдан бошлаб 10 йил мобайнида ўтказилиши мумкин.

### МИСОЛ. 2020 йил учун фойда солиғи ҳисоб-китобида олдинги йиллар зарарларини ўтказиш

Фойда солиғи ҳисоб-китобига 7-иловани шартли мисолда тўлдирамиз. Корхона 2020 йилнинг бошига бўлган ҳолатда ўтказилмаган зарар қолдиғига эга:

- 2018 йил учун – 15 200 минг сўм (Ҳисоб-китобнинг 0101-сатри 3-устунида кўрсатилади);
  - 2019 йил учун – 17 300 минг сўм (Ҳисоб-китобнинг 0102-сатри 3-устунида кўрсатилади). Солиқ базаси (030-сатр) автоматик тарзда ҳисоблаб чиқарилади, бизнинг мисолимизда у 23 600 минг сўмга (фойда) тенг.
- Олдинги йиллар зарарларини 2020 йилга 11 800 минг сўмдан (23 600 x 50%) ортиқ бўлмаган миқдорда ўтказиш мумкин. Ушбу сумма автоматик тарзда 040-сатрда акс эттирилади.

Олдинги йилларнинг ўтказилмаган зарарининг умумий суммаси 32 500 минг сўм (15 200 + 17 300) энг юқори суммадан (11 800 минг сўм) кўп бўлганлиги боис, 050-сатрда автоматик тарзда 11 800 минг сўм акс эттирилади.

2020 йилнинг якунига бўлган ҳолатда ўтказилмаган зарарнинг қолдиғи қуйидагини ташкил этади:

- 2018 йил учун – 3 400 минг сўм (15 200 – 11 800) (Ҳисоб-китобнинг 0601-сатри 3-устунида кўрсатилади);
  - 2019 йил учун – 17 300 минг сўм (Ҳисоб-китобнинг 0602-сатри 3-устунида кўрсатилади).
- Шу тариқа, 2020 йилнинг солиқ базасини биз 2018 йил зарарининг бир қисми ҳисобига 11 800 минг сўмга камайтирдик.



СКнинг 336-моддаси операцияларнинг айрим турлари бўйича қуйидаги зарарларни ўтказишнинг ўзига ҳос ҳусусиятларини белгилайди:

- юридик шахснинг мол-мулк мажмуи сифатидаги корхонани устав фондида иштирок этиш улушини реализация қилишдан ёки унинг бошқача тарзда чиқиб кетишдан;
  - ишончли бошқарув шартномаси бўйича;
  - оддий ширкат шартномаси (биргалликдаги фаолият тўғрисида) бўйича;
  - хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан кўрилган;
  - муомалада бўлмаган қимматли қозғалар ва муддатли битимларнинг муомалада бўлмаган молявий воситаларида доир операциялар бўйича.
- Бундай операциялар бўйича даромадлар ва харажатларнинг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритинг.

Сиз улар бўйича зарарларни улар кўрилган календарь йилдан кейинги 10 мобайнида суммаси бўйича чекловларсиз ўтказишингиз мумкин. Бунинг учун Фойда солиғи ҳисоб-китобига 8-«Операцияларнинг айрим турлари бўйича зарарларни ўтказишнинг ўзига ҳос ҳусусиятлари» иловасини тўлдириш.



Ўзбекистон Республикаси резиденти (юридик шахс) ЎЗР-да ДМга эга бўлмаган норезидентдан товар белгисини (роялти эмас) сотиб олмақчи.

Бунда норезидентнинг даромадидан солиқ олинадими?

## ТОВАР БЕЛГИСИНИ СОТИБ ОЛИШ

– Йўқ, норезидентдан товар белгиси сотиб олинганда, унда солиқ солинадиган даромад юзага келмайди.

Товар белгиси – бу бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белги. Товар белгиси интеллектуал мулк объектлари жумласига киритилади ва Адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлигида рўйхатдан ўтказилади (ФК 1031-м. 2-б.; «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-м.; АВ томонидан 29.07.2009 йилда 1988-сон билан рўйхатдан ўтказилган Қоидалар).

Товар белгиси сотиладиган бўлса, у товар ҳисобланади. ЎЗР юридик шахси томонидан товар сотиб олиниши норезидентнинг Ўзбекистондаги манбалардан олинган даромадига киритилмайди (СК 45-м. 1-қ., 351-м. 3-қ. 1-б.).

Шу тариқа, товар белгиси сотиб олинганда даромад солиғи ушлаб қолинмайди ва тўланмайди.

Ольга БУСАРОВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

## ҲИСОБВАРАҚ-ФАКТУРА СУММАСИГА ТУЗАТИШ КИРИТИШ



2019 йилда хизматлар кўрсатишга шартнома тузилган.

Шартнома бўйича хизматлар қиймати 4 млн сўмни ташкил этади. 2019 йил декабрда 2 млн сўмлик хизматлар кўрсатилган, тарафлар раҳбарлари томонидан хизматлар нархини пасайтириш тўғрисида қўшимча битим имзоланган ҳамда нархлар 2 млн сўмни ташкил этган ва ушбу сумма миқоз томонидан тўланган. Бироқ ижрочининг бухгалтери 4 млн сўмга ҳисобварақ-фактура тақдим этган ва уни миқозлар имзолашган. Натيجасида ижрочида дебиторлик қарзи, миқозда эса кредиторлик қарзи пайдо бўлган. 2020 йилда ижрочининг бухгалтери алмашган ва у ушбу помовофиқликни аниқлаган. Бундай ҳолатда ҳисобварақ-фактурани алмаштиришнинг илोजи йўқ. 2019 йилда тақдим этилган ҳисобварақ-фактура суммасига (камайтиришга қаратилган) тузатишни қандай киритиш мумкин?

– Битим шартлари ўзгарганда, шу жумладан кўрсатилган хизматларнинг нархи камайтиришга қаратилган ўзгаришлар киритилганда, хизматларни етказиб берувчи томонидан тузатиш киритувчи қўшимча ҳисобварақ-фактура тақдим этилади. Хизматларни олувчи уни тасдиқлайди. Қўшимча ҳисобварақ-фактура тузатиш киритилаётган ҳисобварақ-фактуралар бўйича, улар тақдим этилган санадан бошлаб бир йиллик муддат доирасида расмийлаштирилиши мумкин (Низомнинг 40, 41-б., ВМнинг 14.08.2020 йилдаги 489-сон қарорига 2-илова).

Камайтиришга қаратилган тузатиш киритилган қўшимча ҳисобварақ-фактура қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- ҳисобварақ-фактура қўшимча эканлиги тўғрисида белги;
- қўшимча ҳисобварақ-фактуранинг тартиб рақами ва ёзиб берилган санаси;
- тузатиш киритилаётган ҳисобварақ-фактуранинг рақами ва санаси;
- нархларга салбий тузатиш киритиш миқдори, етказиб беришнинг ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолдаги қиймати;
- ҚҚС суммасига салбий тузатиш киритиш миқдори (Низомнинг 42-б.).

Етказиб берувчи томонидан қўшимча ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилган ҳолда солиқ базасига тузатишлар киритиш амалга оширилганда олувчи етказиб берувчи томонидан расмийлаштирилган қўшимча ҳисобварақ-фактура асосида у томонидан илгари ҳисобга олиш учун қабул қилинган ҚҚС суммасига тегишли тартибда тузатиш киритади (Низомнинг 43-б.).

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.



## ЎЗ ЭХТИЁЖЛАРИ УЧУН ҚУРИЛИШДА ҚҚС ЮЗАГА КЕЛАДИМИ

ҚҚС тўловчиси бўлган корхона ўз эҳтиёжлари учун ўз кучи билан таъмирлаш-пардозлаш ишларини бажарди. Бундай вазиятда ҚҚС ҳисоблаш зарурми? Буни «Nogma» компанияси эксперти Ирина АХМЕТОВА тушунтириб берди:

– Ўз эҳтиёжлари учун ўз кучи билан қурилиш ишларини бажаришда ҚҚС фақат ушбу эҳтиёжлар учун ха-

ражатлар фойда солиғи ҳисоб-китобида чегирилмаган тақдирда ҳисобланади (СК 239-м. 4-қ. 4-б., 317-м.).



Реализация қилишнинг ўртача ўлчанган нархи 53,7 минг сўмга ((48 x 1 000 + 58 x 200 + 62 x 100 + 70 x 120 + 65 x 50 + 56 x 110 + 75 x 60) / 1 640) тенг.

Таққослаш учун: реализация қи-

лишнинг ўртача нархи хизматлар (буюртмалар) турлари сонига бўлинган барча нархлар суммаси сифатида ҳисоблаб чиқарилади. Жадвалдаги маълумотларга асосан у 62 минг сўмга (434 / 7) тенг.



**Амортизация ажратмалари орқали харажатларга киритиладиган чиқимлар – ушбу қоидадан истисно. Бу – амортизация қилинадиган активлар қийматида киритиладиган сотиб олишга, ишлаб чиқаришга, қурилишга, монтаж қилишга, ўрнатишга доир ва бошқа харажатлар. Шу жумладан – қўшимча қуриш, қўшимча жиҳозлаш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш харажатлари (СК 317-м. 20-б.). Агар ишлар шу мақсадларда бажарилса, ҚҚС ҳисобланмайди.**

Агар компания ўз кучи билан ўз эҳтиёжлари учун фойда солиғи ҳисоб-китобида чегирилмайдиган хизматлар кўрсатса, ҚҚС бўйича солиқ базаси айнан шундай (улар мавжуд бўлмаганда бир турдаги) хизматларнинг ўртача ўлчанган нархидан келиб

чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Ўртача ўлчанган нарх ўтган 90 кун ҳисоб-китобидан аниқланади. Агар ушбу даврда бундай реализация мавжуд бўлмаганда – бозор нархларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади (СК 248-м. 12-қ.).

## Қандай хизматлар – айнан ўхшаш хизматлар

Бир хил хусусиятли асосий белгиларга эга бўлган хизматлар солиқ солиши мақсадида айнан ўхшаш хизматлар деб эътироф этилади. Бунда қуйидагилар ҳисобга олинади:

- ижрочи (пудратчи) хусусиятлари ва унинг бозордаги ишбилармонлик обрўси;
- фойдаланиладиган товар белгиси (СК 45-м. 10-13-қ.).

## Қандай хизматлар – бир турдаги хизматлар

Айнан ўхшаш бўлмаган ҳолда, бир турдаги хизматлар бир-бирининг ўрнини босиш имкониятини берадиган бир хил хусусиятларга эга, бу тижорат жиҳатидан ва (ёки) бажарадиган вазифаси жиҳатидан бир-бирининг ўрнини босиш имкониятини беради. Хизматларнинг бир турдалигини аниқлашда қуйидагилар ҳисобга олинади:

- сифати;
- товар белгиси;
- бозордаги мавқеи;
- хизмат турлари ва уларнинг ҳажмлари;
- ноёблиги;
- тижорат жиҳатидан бир-бирининг ўрнини боса олиши (СК 45-м. 16, 17-қ.).

## Хизматларнинг ўртача ўлчанган нархи қандай ҳисоблаб чиқарилади?

Ўртача ўлчанган нарх, ўртача нархдан фарқли ўларок, нархнинг ўзидан ташқари кўрсатилган хизматлар сони (ҳажми)ни ҳисобга олади. У қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади:

$$Н.ўр.ўл. = \frac{Н1 \times С1 + \dots + Нn \times Сn}{\sum Сn}$$

бунда:

- Н1, ..., n – айнан ўхшаш хизматларни реализация қилиш нархи;
- С1, ..., n – реализация қилинган айнан ўхшаш хизматлар сони;
- ∑Сn – реализация қилинган айнан ўхшаш хизматлар сони суммаси.

**МИСОЛ. Реализация қилинган айнан ўхшаш хизматларнинг ўртача ўлчанган нархи ҳисоб-китоби**  
Корхона бўйича ҳисоб-китоб даври (90 кун) учун айнан ўхшаш хизматлар кўрсатиш тўғрисида маълумотлар

Т/р	Сони	Нархи, минг сўм
1	1 000	48
2	200	58
3	100	62
4	120	70
5	50	65
6	110	56
7	60	75
<b>Жами</b>	<b>1 640</b>	<b>434</b>

## ВАЗИЯТ.

**ҚҚС тўловчиси бўлган корхона ўз кучи билан ўз эҳтиёжлари учун қурилиш ишларини бажаради**

Жорий ойда қурилиш корхонаси ўз эҳтиёжлари учун таъмирлаш пардозлаш ишларини бажарди: таннархи 20 000 минг сўм бўлган ишларнинг бир қисми маъмурий бинода бажарилди, таннархи 25 000 минг сўм бўлган бир қисми эса – корхона балансида бўлган дам олиш зонасида бажарилди. Маъмурий мақсаддаги асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари фойда солиғи ҳисоб-китобида чегирилади (СК 309-м.). Шу боис бундай таъмирлаш ишларини бажариши ҚҚС ҳисоблаб чиқариши мақсадида реализация қилиш бўйича айланма сифатида ҳисобланмайди.

Дам олиш зонасини таъмирлаш учун харажатлар фойда солиғи ҳисоб-китобида чегирилмайди (СК 317-м. 13-б.). Тегинишча, ишларни бажариши бу ҳолда ҚҚС солинадиган реализация бўйича айланма сифатида ҳисобланади. Дам олиш зонасидаги таъмирлаш ишларининг ўтган 90 кун учун айнан ўхшаш ишларнинг реализация қилишнинг ўртача ўлчанган нархидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилган қиймати, ҚҚСсиз 48 000 минг сўмга тенг.

Бухгалтерия проводкалари:

Ҳўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
Таъмирлаш бўйича бажарилган ишларнинг таннархи акс эттирилди: • маъмурий бино • дам олиш зонаси	20 000 25 000	2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариши»	1050-«Қурилиш материаллари» 6520-«Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблаш ишлар»
Таъмирлаш бўйича бажарилган ишларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди: • маъмурий бино • дам олиш зонаси	20 000 25 000	9420-«Маъмурий харажатлар» 9430-«Бошқа операцион харажатлар»	2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариши»
Ўз кучи билан дам олиш зонасини таъмирлаш бўйича ишларни бажаришида реализация қилишнинг ўртача ўлчанган қийматида келиб чиқиб ҚҚС ҳисобланди (48 000 x 15%)	7 200	9430-«Бошқа операцион харажатлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»



Ҳисобланган ҚҚС суммасига бухгалтерия маълумотномасини расмийлаштириши зарур. Унинг маълумотлари ҚҚС бўйича ҳисоботда акс эттирилиши учун бир томонлама ҳисобварақ-фактурани шакллантиринг. Бунда «Ҳисобварақ-фактура рақами» ва «Ҳисобварақ-фактуранинг санаси» устунларида бухгалтерия маълумотномаси рақами ва санасини кўрсатинг.

ҚҚС бўйича ҳисоботда (1-шлова, АВ томонидан 24.02.2020 йилда 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган) операция қуйидаги тарзда акс эттирилади:

- реализация қилиш бўйича айланма (48 000 минг сўм) ва ҳисобланган ҚҚС (7 200 минг сўм) суммалари бир томонлама ҳисобварақ-фактура асосида автоматик тарзда Реализация қилинган товарлар (хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар (ҳисобварақ-фактура ўрнини босадиган хужжатлар) реестрида (Сотишлар реестри, ҚҚС ҳисоб-китобига 5-шлова) акс эттирилади;
- реализация қилиш бўйича айланма суммасини (48 000 минг сўм) ҚҚС ҳисоб-китобига 1-шлованинг 010811 сатри 3-устунида кўрсатинг.

# ЯРОҚСИЗ МАҲСУЛОТЛАРНИНГ

**?** Хар қандай ишлаб чиқаришда яроқсиз маҳсулотлар келиб чиқади. Уни қандай тўғри расмийлаштириш ҳамда солиқ ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш мумкин?

– Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар – бу сифати техник шартлар ва стандартларга тўғри келмайдиган буюмлар, деталлар, узеллар ва ярим фабрикатлар. Уларни максатига биноан қўллаш мумкин эмас ёки – нуқсонларини бартараф этгандан кейин мумкин.

## Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар қандай расмийлаштирилади?

Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар тўғрисида ҳужжатларнинг тасдиқланган ягона шакллари – мавжуд эмас, шу боис корхона бухгалтерия Ҳисоб сиёсатида яроқсиз маҳсулотлар ҳисобини юритиш тартибини тасдиқлаган ҳолда мустақил равишда ҳужжатлар шакллари ва баённомаларни ишлаб чиқишга ҳақли.

Маҳсулотлардаги нуқсонларни кузатиб бориш, қондага кўра, техник назорат бўлимига (ТНБ) юклатилади. Унинг ходимлари ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотларни аниқлашди, унинг сабаблари ва дахлдор шахсларни ўрнатипади, бунинг барчасини баённома ёки бошқа бошланғич локал ҳужжат билан қайд қилишади.

Нуқсонли маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни жадвалда, масалан, Excel форматда келтиришни тавсия қиламиз. Унда яроқсиз товар-моддий кимматликларнинг (ТМК) ном, артикули, ўлчов бирлиги ва сонини кўрсатинг. Хар бир яроқсиз маҳсулот ҳолати учун сабабини кўрсатинг.

Яроқсиз маҳсулот келиб чиқишига дахлдор бўлган шахсларни аниқлашни имкони бўлган бўлса, далолатномада улар ҳақида маълумотларни келтиринг: Ф.И.О., лавозими.

Бундай яроқсиз маҳсулот тўғрисидаги далолатнома, қонда тарикасида, 3 нусхада расмийлаштирилади:

- биринчиси бухгалтерияга;
- иккинчиси – нуқсон аниқланган цехга;
- яроқсиз маҳсулот тўғрисидаги учинчи далолатнома – моддий жавобгар ходимга топширилади.

## Айбдор шахсларда ундириш

Яроқсиз маҳсулот келиб чиқишига йўл қўйган ходимлар зарарини Мехнат кодексига (МК) белгиланган қондаларга биноан қоплайди. Ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ошмайдиган зарар иш берувчининг фармойишига биноан унинг иш ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин. Бу ҳолда ходимнинг розилиги талаб этилмайди. Бундай фармойиш зарар аниқланган кундан эътиборан 1 ойдан кечиктирмай чиқарилиши мумкин (МК 164-м. 2-қ. 5-б., 207-м.).

Этказилган зарарнинг суммаси суд қарорига биноан ундирилади, агар:

- у ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ошиб кетса;

• зарар аниқланган кундан кейин бир ойлик муддат ўтган бўлса (МК 207-м. 2-қ.).

Иш берувчи зарар етказилган чоғда аниқ ҳолатларни ҳисобга олиб, айбдор ходимдан зарарни ундиришдан қисман ёки тўлиқ воз кечишга ҳақли (МК 200-м.).

## Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотнинг солиқ ҳисоби

Корхонада яроқсиз маҳсулотларнинг нормаси тасдиқланган бўлиши керак.

Тасдиқланган нормалар доирасида йўл қўйилган яроқсиз маҳсулот, солиқ солиш мақсадида корхонанинг чегирилмайдиган харажати ҳисобланади. Одатда ушбу нормалар ишлаб чиқаришнинг 1-2% билан ошмайди. Агар тармоққа оид нормалар мавжуд бўлса, уларга йўналиш олинг.

СКнинг 317-моддасида нормалардан ортқича яроқсиз маҳсулотдан йўқотишлар ҳақида ҳеч нарса айтилмаган. Шу боис бухгалтер ТНБ ходими билан биргаликда яроқсиз маҳсулотлар бўйича харажатлар иктисодий жиҳатдан оқланганлиги юзасидан профессионал қарор чиқаришлари керак (СК 305-м. 4-қ.). Шу қарордан келиб чиқиб ёки уларни фойда солиғи бўйича солиқ базаси ҳисоб-китобида уларни чегириш ёхуд чегирилмайдиган харажатларга киритиш зарур.

Таъкиблаб ўтамизки, СКнинг 317-моддасида айрим шу каби ҳолатлар учун белгиланишича, харажатлар фойда солиғи ҳисоб-китобида чеги-

рилмайди. Мисол учун – лойиҳалар ва қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликларни, объект ёнидаги омборга ташиб келтирилганга қадар юз берган бузилишлар ва деформацияларни бартараф этишга доир харажатлар, коррозияга қарши муҳофазадаги нуқсонлар туфайли тафтиш ўтказиш (асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш) харажатлари ҳамда ушбу харажатларнинг ўрнини камчиликлар, бузилишлар ёки зарарлар учун жавобгар бўлган маҳсулот етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобидан қоплаш имкони бўлмаган микдордаги бошқа шунга ўхшаш харажатлар (СК 317-м. 9-б.).

Шунингдек, ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулот ва фойда солиғи ва ҚҚС бўйича солиқ базасига таъсир кўрсатувчи нормалардан ортқича харажатларнинг акс эттириш тартибини корхонанинг солиқ солиш мақсадларидаги ҳисоб сиёсатида ёзиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

## Бухгалтерия ҳисоби

Яроқсиз маҳсулотлар туфайли келиб чиқадиган йўқотишлар ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатларга киритилади (ВМнинг 5.02.1999 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 1.5.4-б.).

Ишлаб чиқаришда брак туфайли келиб чиқадиган йўқотишлар тўғрисида-

## МИСОЛ. Бухгалтерия ҳисобида ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотларни акс эттириш

Корхона совутиши ускуналарини ишлаб чиқаради. 2020 йил октябрь ойида кейинчалик йиғиш учун тайёрланган узелларнинг бир қисми яроқсиз эканлиги аниқланди.

Яъни маҳсулотнинг яроқсизлиги ишлаб чиқариш жараёнида аниқланди. Иккита:

- 1) яроқсиз маҳсулотни тузатиб бўлмайдиган;
- 2) яроқсиз маҳсулотни тузатиб бўладиган вазиятларни кўриб чиқамиз.

Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Ҳўжжат – асос	Сўётлар корреспонденцияси		Сумма (рақамлар шартли)
		дебет	кредит	
<b>Яроқсиз маҳсулотни тузатиш мумкин бўлмас:</b>				
Асосий ишлаб чиқаришда аниқланган тузатиб бўлмайдиган яроқсиз маҳсулотлар туфайли келиб чиққан йўқотишлар ҳисобдан чиқарилиди	Яроқсиз маҳсулотларни ажратилиш далолатномаси	2610-«Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар»	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	28 000
Январи яроқсиз маҳсулотларни ҳисобдан чиқарилиди моддий кимматликлар қирим қилинди (эҳтимолий фойдаланиш ёки реализация қилиш нархида)	Навларга ажратилгандан кейин ТМКни қабул қилиш-топириши далолатномаси	1010-«Хом ашё ва материаллар» – 1090-«Бошқа материаллар»	2610-«Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар»	3 000
Яроқсиз маҳсулотлар туфайли келиб чиққан йўқотишларнинг бир қисми маҳсулотлар таннарига киритилди	Маҳсулотлар таннари калькуляцияси	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	2610-«Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар»	21 000
Йўқотишларнинг бир қисми айбдор шахсдан ундирилди	Айбдор шахснинг туҳунтириши хати, раҳбарнинг фармойиши	4730-«Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи»	2610-«Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар»	4 000
<b>Яроқсиз маҳсулотни тузатиш мумкин бўлса:</b>				
Асосий ишлаб чиқаришда аниқланган яроқсиз маҳсулотлар туфайли келиб чиққан йўқотишлар ҳисобдан чиқарилиди	Яроқсиз маҳсулотларга ажратилиш далолатномаси	2610-«Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар»	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	28 000
Йўқотишларнинг бир қисми айбдор шахсдан ундирилди	Айбдор шахснинг туҳунтириши хати, раҳбарнинг фармойиши	4730-«Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи»	2610-«Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар»	4 000
Яроқсиз маҳсулотларни тузатиш билан боғлиқ харажатлар акс эттирилди. Масалан: • моддий чиқимлар – 400; • иш ҳақи – 600; • амортизация ҳисоблаш – 45; • ижтимоий солиқ – 72	Цехнинг яроқсиз маҳсулотларни тузатиш бўйича калькуляцияси	2610-«Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар»	1010-«Хом ашё ва материаллар», 6710-«Мехнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашлар», 0200-«Асосий восталарнинг эскирилиши ҳисобга олувчи сўётлар», 6520-«Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар»	1 117
Яроқсиз маҳсулотларни тузатиш бўйича ишларнинг бир қисмини ташқи ташкилот бажарди	Хизмат кўрсатиши учун шартнома	2610-«Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар»	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган сўётлар»	800
Умумий ишлаб чиқариш харажатларининг бир қисми яроқсиз маҳсулотларни тузатиш бўйича харажатлар суммасига киритилди	Умумий ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш бўйича ҳисоб-китоб (бухгалтерия маълумотномаси)	2610-«Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар»	2510-«Умумий ишлаб чиқариш харажатлари»	200
Яроқсиз маҳсулотлар туфайли келиб чиққан йўқотишларнинг бир қисми маҳсулотлар таннарига киритилди	Маҳсулотлар таннари калькуляцияси	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	2610-«Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар»	26 037
Яроқсиз маҳсулотларни тузатишда моддий кимматликлар қирим қилинди	Навларга ажратилгандан кейин ТМКни қабул қилиш-топириши далолатномаси	1010-«Хом ашё ва материаллар» – 1090-«Бошқа материаллар»	2610-«Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар»	80

# ҲИСОБИ ВА СОЛИҚ ОҚИБАТЛАРИ

## Харидор томонидан яроқсиз маҳсулот қайтарилган вазиятда қандай йўл тутиш керак

– Бундай вазиятда сотиб олувчи, қонда тарикасида, сотувчи номига ёзма талабнома тузади. Мағнда куйидагиларни кўрсатади:

- нима, қачон ва қанча миқдорда сотиб олинган;
- қачон ва қандай нуқсонлар аниқланган;
- сотувчи қандай ва қайси муддатларда ўз хатосини тузатиши лозим.

Яроқсиз маҳсулотни қайтариш билан боғлиқ операциялар ҳисобда 21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси ва уларни қўлланилиши бўйича йўриқнома»нинг 376-бандига мувофиқ – 9040-«Сотилган товарларнинг қайтиши» счётида акс эттирилади.

### МИСОЛ.

ҚҚС тўловчиси бўлган сотувчи юридик шахсга – сотиб олувчига 2 875 000 сўм суммага 100 бирлик миқдорда тайёр маҳсулотни реализация қилди. 1 бирлиkning таннари – 19 500 сўм. Сотиб олувчи шартнома шартларига асосан 100% олдидан тўловни амалга оширди. Юкни тушириши пайтида сотиб олувчи 4 та яроқсиз буюмни аниқлади.

Сотувчида маҳсулотни реализация қилиши ва бундан ҳисобга олиши бўйича бухгалтерия ўтказмалари куйидагича акс эттирилади:

Операциянинг санаси	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счёtlар корреспондентсияси		Сумма
		дебет	кредит	
06.11.2020 й.	100% миқдорда олдидан тўлов олинди	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»	6310-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган буннақлар»	2 875 000
12.11.2020 й.	Маҳсулот реализация қилинди (100 x 25 000)	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счёtlар»	9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар»	2 500 000
12.11.2020 й.	ҚҚС ҳисобланди (100 x 25 000 x 15%)	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счёtlар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	375 000
12.11.2020 й.	Реализация қилинган тайёр маҳсулотнинг таннари ҳисобдан чиқарилди (100 x 19 500)	9110-«Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннари»	2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар»	1 950 000
12.11.2020 й.	Изгари олинган буннақ тўловлари ҳисобга олинди	6310-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган буннақлар»	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счёtlар»	2 875 000

Энди иккита вазиятни кўриб чиқамиз.

### 1. Реализация қилинган яроқсиз маҳсулот қайтарилди ва алмаштирилиши лозим

Операциянинг санаси	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счёtlар корреспондентсияси		Сумма
		дебет	кредит	
13.11.2020 й.	Қайтарилган яроқсиз маҳсулот акс эттирилди (қўшимча ҳисобварақ-фактурага асосан) (4 x 25 000)	9040-«Сотилган товарларнинг қайтиши»	6960-«Даъволар бўйича тўланадиган счёtlар»	100 000
13.11.2020 й.	ҚҚСга тузатиши киритиши акс эттирилди (4 x 25 000 x 15%)	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	6960-«Даъволар бўйича тўланадиган счёtlар»	15 000
13.11.2020 й.	Таннарига қайтариши суммасига тузатиши киритиши акс эттирилди (4 x 19 500)	2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар»	9110-«Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннари»	78 000
13.11.2020 й.	Даромадга қайтариши суммасига тузатиши киритиши акс эттирилди	9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар»	9040-«Сотилган товарларнинг қайтиши»	100 000
13.11.2020 й.	Яроқсиз маҳсулот тузатиши учун ҳисобга эътибор қилинди	2610-«Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар»	2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар»	78 000

Яроқсиз маҳсулот ўрнига бошқа туркумдан янги маҳсулот топширилди (1 бирлиkning сотиши нархи – 27 000 сўм, таннари 20 000 сўм)

19.11.2020 й.	Алмаштирилиши учун маҳсулотни топшириши акс эттирилди (яроқсиз маҳсулотни алмаштирилиши учун ҳисобварақ-фактурага асосан)	6960-«Даъволар бўйича тўланадиган счёtlар»	9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар»	100 000
30.11.2020 й.	Яроқсиз маҳсулот ўрнига топширилган маҳсулотнинг таннари ҳисобдан чиқарилди (4 x 20 000)	9110-«Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннари»	2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар»	80 000



### 2. Яроқсиз маҳсулот сотувчига қайтарилди, 4 та яроқсиз буюмнинг қий-матига тенг суммага – 115 000 сўмга ҚҚС билан талабнома тақдим этилди. Сотувчи тан олди ва талабнома суммасини тўлаб берди.

Операциянинг санаси	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счёtlар корреспондентсияси		Сумма
		дебет	кредит	
13.11.2020 й.	Қайтарилган яроқсиз маҳсулот акс эттирилди (қўшимча ҳисобварақ-фактурага асосан) (4 x 25 000)	9040-«Сотилган товарларнинг қайтиши»	6960-«Даъволар бўйича тўланадиган счёtlар»	100 000
13.11.2020 й.	ҚҚСга тузатиши киритиши акс эттирилди (4 x 25 000 x 15%)	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»	6960-«Даъволар бўйича тўланадиган счёtlар»	15 000
13.11.2020 й.	Таннарига қайтариши суммасига тузатиши киритиши акс эттирилди (4 x 19 500)	2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар»	9110-«Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннари»	78 000
13.11.2020 й.	Даромадга қайтариши суммасига тузатиши киритиши акс эттирилди	9010-«Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар»	9040-«Сотилган товарларнинг қайтиши»	100 000
13.11.2020 й.	Яроқсиз маҳсулот тузатиши учун ҳисобга эътибор қилинди	2610-«Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар»	2810-«Омбордаги тайёр маҳсулотлар»	78 000
Тан олинган талабнома бўйича қарзни сўндириши (4 x 25 000)				
19.11.2020 г.	Талабнома суммаси тўланди	6960-«Даъволар бўйича тўланадиган счёtlар»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»	115 000
	Агар олдидан тўлов суммаси 100%дан кам бўлса, солиштирилиши далоятномасига асосан дебиторлик қарзининг сўндирилмаган суммаси талабнома суммасига камайтирилади	6960-«Даъволар бўйича тўланадиган счёtlар»	4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счёtlар»	115 000



Яроқсиз маҳсулотни қайтаришида сотувчи сотиб олувчига қўшимча ҳисобварақ-фактура тақдим этиши шарт (СК 47-м. 4-қ., 257-м.; Низомнинг 40, 41-б., ВМнинг 14.08.2020 йилдаги 489-сон қарорига 2-илова).

Қўшимча ҳисобварақ-фактуранинг бир йиллик муддат доирасида, кафолат муддати белгиланган товарлар (хизматлар) бўйича эса – кафолат муддати доирасида эътибор бериши мумкин.

Қўшимча ҳисобварақ-фактура куйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- ҳисобварақ-фактура қўшимча эканлиги тўғрисида белги;
- қўшимча ҳисобварақ-фактура-

нинг тартиб рақами ва ёзиб берилган санаси;

- тузатиши киритилаётган ҳисобварақ-фактуранинг рақами ва санаси;
- нархларга тузатиши киритиши миқдори (ижобий ёки салбий), етказиб беришнинг ҚҚСни ҳисобга олманган ҳолдаги қиймати;
- ҚҚС суммасига тузатиши киритиши миқдори (ижобий ёки салбий) (Низомнинг 42-б.).

Татьяна ЛИМАРЕВА, [buxgalter.uz](http://buxgalter.uz) эксперти,  
Ирина АХМЕТОВА, «Norma» компанияси эксперти.

## БИНО БУЗИЛГАНЛИГИ УЧУН КОМПЕНСАЦИЯ

**?** Ташкилот (МЧЖ, айланмадан олинадиган солиқни тўловчи) автомобиль ювиш хизматларини кўрсатади. Ҳокимнинг 29.08.2017 йилдаги қарорига мувофиқ автомобиль ювиш жойи ва унга тўташ бино 2018 йил январда бузилган. Бузилган пайтда бинонинг қолдиқ қиймати 101 млн сўмни ташкил қилган. Бино бузилгунга қадар мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан бино ва иншоотлар 1 978 млн сўмни ташкил этган бозор қиймати бўйича баҳоланган эди. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ноқонуний ҳаракатлари устидан МЧЖ судга шикоят берди, суд томонидан 1 978 млн сўм миқдоридан компенсация тўлаш тўғрисида қарор чиқарилди. Компенсация олиш учун МЧЖ уч йил ҳаракат қилди. 30.10.2020 йилда пул маблағлари корхонанинг ҳисобрақамига тўлиқ ҳажмда келиб тушган. Суд қарори қабул қилинган даврда 2018 йилда корхона ЯСТ тўлар эди.

1. Бино бузилганлиги учун компенсация олиниши қандай бухгалтерия ўтказмалари билан расмийлаштирилади?
2. Бу қандай солиқ оқибатларини келтириб чиқариши мумкин?

**1** Бинони бузишда компенсация тўланганлиги сабабли бундай операция асосий восита объектини реализация қилиш деб баҳоланади. Компенсация

суммасини ҳисобда 4890-«Бошқа дебиторлар қарзлари» счётида акс эттириш мумкин. Бухгалтерия ўтказмалари куйидагича бўлади:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Счётлар корреспонденцияси	
	дебет	кредит
Бинони бузганлик учун компенсация акс эттирилди (суд қарорига кўра)	4890-«Бошқа дебиторлар қарзлари»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
Бинонинг бошланғич (тиклаш) қиймати ҳисобдан чиқарилди	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	0120-«Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар»
Жамланган эскириш ҳисобдан чиқарилди	0220-«Бино, иншоот ва узатувчи мосламаларнинг эскириши»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
Бинони қайта баҳолаш сальдоси ҳисобдан чиқарилди	8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
Бинонинг чиқиб кетишидан фойда акс эттирилди	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	9310-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда»
Бинонинг чиқиб кетишидан зарар акс эттирилди	9430-«Бошқа операция ҳаражатлар»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»

**2** Суд иши 2018 йилдаёқ корхонанинг фойдасига ҳал бўлган. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш учун солиқ тўловчиларнинг даромадлари ва улар бўйича тегишли чегирмалар тўлов вақтидан ва тўлов келиб тушган санасидан қатъи назар, улар тааллуқли бўлган даврда акс эттирилади (ҳисоблаш усули) (2007 йилги таҳрирдаги СК 39-м.).

Компенсациянинг ўзи солиқ солиш объекти ҳисобланмайди. Сиз бинонинг (асосий воситанинг) чиқиб кетишидан олинган даромадга (фойдага) ЯСТ солишингиз керак эди (2007 йилги таҳрирдаги СК 133-м.).

АВни реализация қилишдан фойда ёки зарар (молиявий натижа) бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади.

Мазкур операциядан зарар кўрилган тақдирда, унга ЯСТ солимаслиги лозим. АВнинг чиқиб кетишидан фойда солиқ солиш мақсадларида бошқа даромадларга киритилган. Бошқа даромадларга асосий фаолият тури учун белгиланган ставкалар бўйича ЯСТ солинган (2007 йилги таҳрирдаги СК 132-м. 1-қ., 353-м.).


Сиз 2018 йил учун ЯСТ ҳисоб-китобини қайта топширишингиз, шунингдек солиқ суммасини тўлашингиз лозим. Молиявий ҳисобот қайта топширилмайди. Сиз даромадларни ўз вақтида бухгалтерия ҳисобидан акс

этирмаганингиз хато ҳисобланади. Ҳағолар куйидаги йўллар билан тузатилади:

- муҳим хато бўлса, 8710-«Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти бўйича сальдога ўзгартириш киритиш орқали;
- хато муҳим бўлмаса, 9340-«Ўтган йиллар фойдалари» ва 9430-«Бошқа операция ҳаражатлар» счётлари орқали ёзув киритиш орқали.

Ҳатонинг муҳимлилик мезони қонун ҳужжатларида белгиланмаган. Ҳар бир корхона уни мустақил равишда белгилайди ва ҳисоб сиёсатида қайд этади.

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА,  
«Norma» МЧЖ эксперти.



**?** Корхона 2019 йилда турар жой кўчмас мулк объектларини қуриш билан шуғулланган. Ҳаражатлар 2000-счётда ҳисобга олинган, 2019 йил декабрда фойдаланишга топшириш даллатномасига асосан турар жой квартиралари 2800-счётга кириш қилинган. 2020 йил бошида 5 та сотилмаган квартира қолган. 1.01.2020 йилдан бошлаб кейинчалик сотиш учун қурилиш ташкилотлари ёки қурувчиларнинг балансида бўлган турар жой объектларига турар жой кўчмас мулк объекти фойдаланишга топширилганидан сўнг 6 ой ўтгач мол-мулк солиғи солинади (СК 411-м. 2-қ. 4-б.).

1. Қурувчи 1.07.2020 йилдан бошлаб 2800-счётдаги сотилмаган квартиралар қолдигани 0100-счётга ўтказиши ва улар сотилгунга қадар Солиқ кодексига мувофиқ амортизацияни ҳисоблаши лозимми?
2. Реализация қилинмаган квартиралар бўйича ер солиғи қандай ҳисобланади?

## КВАРТИРА – БУ ТАЙЁР МАҲСУЛОТ

**1** Йўқ, кўчмас мулк объекти фойдаланишга топширилгандан кейин 6 ой ўтгач сотилмай қолган квартиралар асосий воситага айланмайди. Улар бўйича амортизация ҳисобланмайди. Квартиралар тайёр маҳсулотлигича қолаверади.

Кейинчалик сотиш учун қурилиш ташкилотлари ёки қурувчининг балансида ҳисобда турган турар жой кўчмас мулк объектлари ушбу объектлар фойдаланишга топширилганидан кейин 6 ой ўтгач юридик шахслардан олинган мол-мулк солиғи солинади

объектга айланади. Бундай объектлар бўйича солиқ базаси уларнинг ўртача йиллик қиймати (сотилмай қолган қисмида) ҳисобланади (СК 411-м. 1-қ., 2-қ. 4-б., 412-м. 1-қ. 3-б.).

**2** Ер солиғи солинадиган объектлар СКнинг 426-моддасида белгиланган. Реализация қилинмаган квартиралар бундай объектлар ҳисобланмайди.

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА,  
«Norma» МЧЖ эксперти.

## ГУДВИЛНИ ҲИСОБГА ОЛАМИЗ

**?** МЧЖ шаклидаги корхона инвестор сифатида банкрот корхонани эгасидан сотиб олиш учун банкдан 15 млрд сўм миқдоридан кредит олди. Инвестор банкрот корхонани сотиб олгач 100 фоиз улушга эга муассиса айланди. Банкрот корхона Давлат хизматлари марказида 12 млрд сўм ҳиссага эга бўлган янги муассисни рўйхатдан ўтказди. Шу тариқа, УФни шакллантиришда 12 млрд сўм миқдоридан куйидаги мулкый мажмуа қиймати кўрсатилди: бино ва иншоотлар, бошқа АВ ва ТМҚлар.

Банкрот корхона 15 млрд сўмга сотиб олинган, УФга ҳисса эса бундан камроқ суммада – 12 млрд сўм қилиб рўйхатдан ўтказилган бўлса, банкрот корхонага инвесторнинг киритган ҳиссаси бухгалтерия ҳисобидан қандай ўтказмалар билан расмийлаштирилади?

– Гудвилл корхонанинг харид нархи ва сотиб олинаётган корхонанинг соф активлари бозор қиймати ўртасидаги тафовутдир (АВ томонидан 27.06.2005 йилда 1485-сон билан рўйхатдан ўтказилган 7-сон БҲМСнинг 62-б.).

Соф активлар деганда хўжалик юритувчи субъектнинг ўз маблағлари ҳисобидан таъминланган узоқ муддатли ва жорий активлар қиймати, яъни хўжалик юритувчи субъектнинг қарз мажбуриятларидан холи бўлган мол-мулк қиймати тушунилади (АВ томонидан 7.04.2004 йилда 1335-сон билан рўйхатдан ўтказилган 14-сон БҲМСнинг 10-б.).

Банкрот корхонанинг соф активлари бозор қиймати 12 млрд сўм бўлиб, инвестор томонидан 15 млрд сўмга сотиб олинган бўлса, у ҳолда 3 млрд сўм – бу гудвилл бўлади. У инвестор

томонидан номоддий актив сифатида ҳисобга олиниши лозим.

Маълумот учун. IAS 36 «Активларнинг арзонлаиши» молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартига мувофиқ (МҲХС) гудвиллни арзонлаиши юзасидан тестдан ўтказиш лозим. 7-сон БҲМСга мувофиқ гудвилл бўйича амортизация ҳисобланади (7-сон БҲМСнинг 64-б.).

Собик банкрот корхонада ҳисобидан муассис алмашганидан кейин 8330-«Пай ва улушлар» счёти бўйича тахлилий ҳисоб ўзгартирилиши лозим (Ўзбекистоннинг 344-б., АВ томонидан 23.10.2002 йилда 1181-сон билан рўйхатдан ўтказилган 21-сон БҲМСга 2-ўлова).

Инвесторда бухгалтерия ўтказмалари куйидагича бўлади:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Счётлар корреспонденцияси		Сумма (млрд сўм)
	дебет	кредит	
Банкрот корхонани сотиб олиш учун инвесторнинг кредитор банки томонидан кредит маблағлари ўтказилди	4890-«Бошқа дебиторлар қарзлари»	7810-«Узоқ муддатли банк кредитлари»	15
Банкрот корхонани инвесторнинг эгаллигига ўтказиш ҳужжатлари расмийлаштирилди (Давлат хизматлари марказида рўйхатдан ўтказилди)	0630-«Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар»	4890-«Бошқа дебиторлар қарзлари»	12
	0480-«Гудвилл»		3

Ольга БУСАРОВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## • ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНЛАРИ:

– «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»;  
– «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида».

## • ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

– «Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» (Қўчирма).

## • ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИНING ҚАРОРЛАРИ:

– «Жаҳон банки иштирокида «Ўзбекистонда шаффоф ва кенг бозор иқтисодиётига ўтишни ривожлантириш сиёсатини қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»;

– «Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан экспорт қилувчи ташкилотларга молиявий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»;  
– «Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда сомаклаган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида».

## • ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШ ТАРТИБИГА 2021 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАР Тўғрисида АХБОРОТ ХАБАРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

## 2021 ЙИЛ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ Тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 1 декабрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2020 йил 18 декабрда маъқулланган

### 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

#### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетини шакллантириш ва ижро этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган маблағлардан фойдаланиш

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан (бундан буён матнда республика бюджетидеб юритилади) ушбу Қонунга мувофиқ ажратиладиган маблағлардан фақат 2021 молия йили давомида фойдаланилади ва келгуси молия йилига ўтказилмайди.

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси (бундан буён матнда Вазирлар Маҳкамасидеб юритилади) билан келишган ҳолда ўзининг жорий харажатлари таркибидаги тармоқни ривожлантириш давлат дастурларини (бундан буён матнда ривожлантириш дастурлари деб юритилади) амалга ошириш учун ажратилган маблағларни бир ривожлантириш дастуридан бошқа ривожлантириш дастурига қайта тақсимлашга ҳақли.

Вазирликлар ва идораларнинг ички аудит хизмати тегишли ривожлантириш дастурларининг самардорлиги натижалари

рини таҳлил қилади ҳамда таҳлил натижалари тўғрисидаги ҳисоботларни ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20 санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади.

Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини ўз вақтида таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси истисно тариқасида Бюджет кодексининг 145-моддасида назарда тутилган миқдорлардан қатъи назар, биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи учун республика бюджетидан объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга (Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини амалга оширишга) ажратиладиган маблағларни бошқа биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчига мазкур мақсадларга сарфлаш учун ўтказиш ҳуқуқига эга.

### 2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетидан даромадлари ва харажатлари

2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг жамланма параметрлари ҳамда

\*Ушбу Қонун Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) 26.12.2020 йилда эълон қилинган ва 1.01.2021 йилдан кучга кирди.

2022–2023 йилларга бюджет мўлжаллари 1-иловага\*\* мувофиқ, уларни тайёрлашда асос бўлган 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва 2022–2023 йилларга мақсадли мўлжаллар 2-иловага\*\* мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

**4-модда. Давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари прогнози ва харажатлари**

2021 йил учун давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари прогнози маълумот учун қабул қилинсин ҳамда уларнинг харажатлари 3-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

**5-модда. Республика бюджети даромадлари прогнози ва харажатлари**

2021 йил учун республика бюджети даромадлари прогнози 4-иловага\*\* мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2021 йил учун республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 5-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, суд ва прокуратура органларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига солиқлар, давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлар, маъмурий жарималар ҳамда молиявий санкциялар ҳисобидан келиб тушадиган маблағларнинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан республика бюджетига ўтказилиши мумкин.

**6-модда. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари прогнозлари**

2021 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари прогнозлари 6-иловага\*\* мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2021 йил учун республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига ва вилоятларнинг вилоят бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетларро трансфертлар миқдорлари 7-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ушбу Қонунда назарда тутилган тартибга солувчи бюджетларро трансфертлар миқдорини Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети ва вилоятларнинг вилоят бюджетлари даромадлари прогнозининг ижросидан қатъи назар, камайтиришга йўл қўйилмайди.

**7-модда. Айрим тўловлар ставкалари**

2021 йил учун: мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари 8-иловага мувофиқ (солиқ солиш мақсадлари учун); товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун ундириладиган йиғимларнинг чекланган ставкалари 9-иловага мувофиқ; автотранспорт йиғимларининг ставкалари 10-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни олиб киришда қўлланиладиган божхона божлари ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади.

**8-модда. Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар ви-**

**лоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармаларини шакллантириш**

2021 йил учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳажми 903,4 млрд сўм миқдорда белгилансин.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг 2021 йил учун захира жамғармалари тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг камда 1,0 фоизи миқдорда шакллантирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетини, вилоятлар вилоят бюджетларини ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетини, туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ижро этишда юқори турувчи бюджетдан уларга ажратиладиган бюджетларро трансфертлар миқдори ошган ҳолларда тегишли бюджетлар захира жамғармаларининг белгиланган миқдорлари қайта кўриб чиқилмади.

Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан маблағлар ажратилган тақдирда ушбу Қонунга ўзгаришлар киритилмайди.

**9-модда. 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими барқарорлигини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг олти ойлик ижроси янқунлари бўйича даромад прогнозлари бажарилмаган ва жорий молия йилнинг охиригача уларнинг келиб тушиши учун етарли асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда:

республика бюджети умумий харажатларининг 3 фоизи ва ундан ортиқ фоизи миқдоридаги харажатларни қисқартириш Вазирлар Маҳкамасининг тақлифига қўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан;

республика бюджети умумий харажатларининг 3 фоиздан кам миқдоридаги харажатларни қисқартириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тақлифига қўра Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида амалга оширилмади.

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг харажатларини қисқартириш бўйича қарорлар тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан қабул қилинади.

Бюджетлар харажатларини қисқартиришда бюджет ташкилотларининг ва бюджет маблағларини олувчиларининг бюджет маблағларини ўзлаштириши, шунингдек қабул қилинган юридик ва молиявий мажбуриятлари ҳисобга олинади.

**10-модда. Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикасининг қаролати остида олинандиган давлат қарзининг чекланган ҳажмини белгилаш**

Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикасининг қаролати остида жалб қилинган давлат қарзининг суммаси ялпи ички маҳсулотнинг йиллик прогноз кўрсаткичига нисбатан 60 фоиздан ошмаслиги керак.

2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати) номидан ва Ўзбекистон Республикасининг қаролати остида ички ва ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган соф ҳажми 5,5 млрд АҚШ доллари, шундан Давлат бюджети таъчиллигини молиялаштириш учун – 2,2 млрд АҚШ доллари (шу жумладан, давлат қимматли қоғозлари – 5 трлн сўм), инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун – 3,3 млрд АҚШ доллари миқдорда белгилансин.

\*\*Ушбу Қонунга 1–7-иловалар «СБХ»да берилмади. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norm» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

2021 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси номидан ёки Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида жалб қилинадиган кредитлар (қарзлар) ҳисобидан амалга ошириладиган, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қайтариладиган ижтимоий ва инфратузилма лойиҳаларига йўналтириладиган маблағлар бўйича ҳаражатлар Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетни ҳаражатларидан акс эттирилади.

**11-модда. Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетни тақчиллигининг чекланган миқдори белгиланган**

2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетни тақчиллигининг чекланган миқдори ялпи ички маҳсулотнинг 5,4 фоизи миқдоридан белгилансин.

### **3-БОБ. БЮДЖЕТЛАРАО МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**12-модда. 2021 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетни, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари**

Солиқларнинг қуйидаги турлари туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олиннадиган мол-мулк солиғи;  
жисмоний шахслардан олиннадиган ер солиғи;  
жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан олинган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек яққа тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

қурилиш материаллари бўйича ер қазирдан фойдаланганлик учун солиқ;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига қуйидагилар тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;  
юридик шахслардан олиннадиган ер солиғи;

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

айланмадан олиннадиган солиқ;

қонуңчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонуңчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қонуңчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлар ва филдиракли транспорт воситалари, ўзикар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан ташқари);

автотранспорт воситаларини сотиб олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғимлар;

қонуңчиликда белгиланган миқдорларда давлат даромади-га ўтказиладиган мол-мулкни реализация қилишдан тушган

тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга (ижарага) беришдан ва сотишдан қонуңчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар;

мобил алоқа хизматлари ва алкоголь маҳсулотни, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишинча 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига қўрақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳолиси сонининг республика аҳолиси сонидоги улушига мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига қуйидаги улушларда:

жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғидан тушумларнинг (жисмоний шахслар мол-мулкни ижарага беришдан олинган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек яққа тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғидан ташқари) Навоий вилоятида 62 фоизи, Тошкент вилоятида 45 фоизи, Тошкент шаҳрида 5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоизи;

фойда солиғидан тушумларнинг (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) Тошкент вилоятида 45 фоизи, Тошкент шаҳрида 5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларда 100 фоизи ўтказилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашлари:

тегишли даражадаги маҳаллий бюджетларга ажратиладиган солиқларни ва бошқа турдаги даромадларни (шу жумладан ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида қўрсатилган даромадларни) ҳамда бюджетлараро трансфертларни тақсимлашга;

даромадларнинг прогнозини ошириб бажаришдан олинган маблағларнинг бир қисмини туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун беришга ҳақли.

Халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари туманлар ҳамда шаҳарларнинг оммавий дам олиш ва (ёки) туризмга ихтисослаштирилган айрим ҳудудларида ижара тўлови бўйича энг кам ставкаларга ҳамда яққа тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган миқдорларига Тошкент шаҳри учун белгиланган миқдорларга чаканлик борувчи коэффицентларни киритишга ҳақли.

Агар қонуңчиликда маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган даромадларнинг тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса, даромаднинг ушбу тури Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига ўтказилади.

Давлат корхоналари ҳамда устав капиталда 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан 2021 йилнинг 1 июлига қадар 2020 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тегишли равишда ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2021 йилнинг 1 сентябидан кечиктирмасдан тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат корхоналари ҳамда устав капиталда 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан

2021 йил учун дивидендлар (соф фойдадан ажратмалар) тўлаш микдорлари ва даврийлигини қонунчиликда белгиланган тартибда аниқлаш ҳуқуқига эга.

**13-модда. 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети харажатларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббусига кўра амалга ошириладиган қўшимча тадбирларни молиялаштириш фақат Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари тегишли бюджетларини биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатлари режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантиради.

Чорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши 6-илувасида келтирилган даромадларнинг прогнози кўрсаткичлари маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортқ микдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Вазирлар Маҳкамасига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан қўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетларро трансфертлар микдорини ошириш юзасидан мурожаат қилади ҳамда бу таклиф Вазирлар Маҳкамаси томонидан ушбу Қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳам Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига худди шу тартибда мурожаат этади.

2021 йилда:

Тошкент шаҳрининг умумтаълим муассасаларини, мактабгача таълим ташкилотларини, соғлиқни сақлаш муассасаларини ва ичимлик суви билан таъминлаш тизими объектларини лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш), капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга доир харажатлар Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштирилади;

Қорақалпоғистон Республикасининг умумтаълим муассасаларини, мактабгача таълим ташкилотларини, соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш, шунингдек сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид тадбирлар доирасида объектлардаги таъмирлаш-тиклаш ишларига доир харажатлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилади.

2021 йилдан бошлаб худудларда барча иссиқлик энергиясини етказиб беришни корхоналар томонидан кўрсатиладиган иссиқлик таъминоти хизматлари учун тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) улар бўйича дастлаб Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг худудий органлари ҳулосаларига кўра, тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши қарорлари билан маъқулланганидан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими томонидан тасдиқланади.

Иссиқлик таъминоти бўйича хизматлар учун тартибга солинадиган нархларни (тарифларни) йил давомида қайта кўриб чиқиш якунларига кўра, иссиқлик билан таъминловчи корхоналар аҳолига пасайтирилган тарифлар қўлланилиши натижасида кўрган зарарларининг ўрнини қоплаш учун қўшимча маблағларга бўлган талаб Қорақалпоғистон Республикаси

республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан қопланади.

#### **4-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING KONSOLIDACIYALASHGAN BUDJETI IJROSINING OCHIQLIGINI TA'MINLASH**

**14-модда. Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш**

Биринчи даражали бюджет маблағларни тақсимловчилар, давлат мақсадли жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳар чорак якунлари бўйича чоракдан кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмай ўз расмий веб-сайтларига:

ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсими;

даврий молиявий ҳисоботлар;

капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижроси;

давлат мақсадли жамғармаларидан субсидиялар ва кредит олувчилари;

ўтказилган танловлар (тендерлар) ва амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда тегишли бюджет маблағларни тақсимловчилар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларининг ижро этилиши тўғрисидаги маълумотларни биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар кесимида ўз расмий веб-сайтларига ҳар чорак якунларига кўра, чоракдан кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмай жойлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Давлат божхона қўмитаси солиқ ва божхона имтиёзлари рўйхатини, шунингдек тақдим этилган солиқ ва божхона имтиёзларининг микдори тўғрисидаги маълумотларни солиқ тўловчилар кесимида ўз расмий веб-сайтларига ҳар чоракда чоракдан кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмай, жойлаштиради.

Давлат молиявий назорати органлари молия йилнинг биринчи ойда молия йили учун иш режалари тўғрисидаги маълумотларни, ҳар чорак якунларига кўра эса назорат тадбирлари натижалари бўйича аниқланган молиявий ҳуқуқбузарликлар ва ижобий натижалар ҳақидаги маълумотларни чоракдан кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмай ўз расмий веб-сайтларига жойлаштиради.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойнинг 10 санасига қадар тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштирилади.

**15-модда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан бюджет ижросининг очиқлигини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари кесимида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва уларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотларни ҳисобот чорaginiнг якунларига кўра, ҳисобот чоракдан кейинги ойнинг 25 санасига қадар;



Давлат қарзининг ҳолати ва ўзгариши тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорақда ҳисобот чорагидан кейинги иккинчи ойнинг 25 санасига қадар вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириб боради.

#### 5-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

**16-модда.** «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бузганлик учун жавобгарлик

«2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**17-модда.** Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочилар-

га етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**18-модда.** Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**19-модда.** Ушбу Қонуннинг қучга кириши

Ушбу Қонун 2021 йил 1 январдан эътиборан қучга кирди.

Ўзбекистон Республикасининг Президентини  
Ш.МИРЗИЕЕВ.

Тошкент ш.,

2020 йил 25 декабрь

ЎРҚ-657-сон.

ЎзРнинг 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-657-сон Қонунига  
8-ИЛОВА

### 2021 ЙИЛ УЧУН МОЛ-МУЛКНИ ИЖАРАГА БЕРУВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР УЧУН БЕЛГИЛАНГАН ИЖАРА ТЎЛОВИНИНГ ЭНГ КАМ СТАВКАЛАРИ

Т/р	Ижарага бериладиган мол-мулк тури	Белгиланган ставка миқдорини таъсирловчи кўрсаткич	Ойлик ижара тўлови ставкаларининг энг кам миқдорлари, сўмда		
			Тошкент шаҳри	Нукус шаҳри ва вилоят марказларидаги шаҳарлар	бошқа аҳоли пунктлари
<b>1.</b>	<b>Уй-жойлар:</b>				
	турар жой	умумий майдоннинг 1 кв. метри учун	14 000	8 500	4 000
	нотурар жой		29 000	17 000	7 500
<b>2.</b>	<b>Автомобиль транспорти:</b>				
	енгил автомобиль (йўловчилар, багаж ташишга мўлжалланган ҳамда ҳайдовчи ўрнини ҳисобламаганда, ўриндиқлари сони 8 тадан кўп бўлмаган автотранспорт воситаси)	1 та автотранспорт воситаси учун		575 000	
	микроавтобуслар, автобуслар ва юк автомобиллари			1 150 000	

**Изоҳ:** Мазкур ставкалар жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларига солиқ солиш мақсадида қўлланилади.

ЎзРнинг 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-657-сон Қонунига  
9-ИЛОВА

### 2021 ЙИЛ УЧУН ТОВАРЛАРНИНГ АЙРИМ ТУРЛАРИ БИЛАН ЧАКАНА САВДО ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ УЧУН УНДИРИЛАДИГАН ЙИГМИЛАРНИНГ ЧЕКЛАНГАН СТАВКАЛАРИ

Т/р	Йиғим тури	Бир ойга чегараланган ставкалар (сўмда)			
		Тошкент шаҳри	Нукус шаҳри, вилоят марказлари	бошқа шаҳарлар	бошқа аҳоли пунктлари
1.	Алкоголли маҳсулотларни сотиш ҳуқуқи учун ундириладиган йиғим	1 200 000	840 000	600 000	300 000
2.	Умумий овқатланиш корхоналари учун алкоголли маҳсулотларни сотиш ҳуқуқи учун ундириладиган йиғим	600 000	420 000	300 000	150 000

2021 ЙИЛ УЧУН АВТОТРАНСПОРТ ЙИГИМЛАРИНИНГ СТАВКАЛАРИ

Т/р	Йиғимлар ва тўловлар турлари	Йиғимлар ставкалари		
I.	Чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзити учун йиғимлар	АҚШ долларида		
1.	Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чет эл давлатларидан автотранспорт воситалари кирганлиги ва транзити учун йиғим, битта автоташувчи кирганлиги учун ставкалари (2–5-бандларда кўрсатилган мамлакатлар бундан мустасно)	400		
2.	Тожикистон Республикаси юк автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва транзит ҳаракатланганлиги учун йиғимлар:			
	10 тоннагача	100		
	10 тоннадан 20 тоннагача	150		
	20 тоннадан юқори	200		
3.	Қозоғистон Республикаси юк автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва транзит ҳаракатланганлиги учун йиғим	300		
4.	Қирғизистон Республикаси юк автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва транзит ҳаракатланганлиги учун йиғим	300		
5.	Туркменистон Республикаси юк автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва транзит ҳаракатланганлиги учун йиғимлар:			
	10 тоннагача	50		
	10 тоннадан 20 тоннагача	100		
	20 тоннадан юқори	150		
II.	Автотранспорт воситаларини сотиб олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим			
1.	Янги (фойдаланишда бўлмаган) автотранспорт воситалари бўйича, бундан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган автотранспорт воситалари мустасно	харид қилиш нархининг 3 фоизи		
2.	Фойдаланишда бўлган автотранспорт воситалари бўйича:	эксплуатация мuddатидан келиб чиқиб ҳар бир от кучига базавий ҳисоблаш миқдори фоизи ҳисобида		
		3 йилгача	3 йилдан 7 йилгача	7 йилдан юқори
	енгил автомобиллар	11	9	6
	мотоцикллар (шу жумладан мопедлар) ва ёрдамчи двигателъ ўрнатилган велосипедлар, кажавали ёки кажавасиз	10	7	5
	бошқа моторли транспорт воситалари	16	13	9

**Изоҳ:**

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб хорижий давлатларнинг оғир юк ташувчи ва йирик габаритли транспорт воситалари ўтганлиги учун мазкур шловада назарда тутилган ставкалар бўйича йиғим тўланиши билан бир қаторда қўшимча равишда қонунчиликда белгиланган миқдорларда тўлов ундирилади.

2. Ўзбекистон Республикасига учинчи мамлакатлардан юклар олиб ўтишда ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан юкларни олиб чиқишда Туркменистон Республикаси юк автотранспорт воситаларидан қўшимча равишда 175 АҚШ доллари миқдорига йиғим ундирилади.

3. Гуманитар юкларни олиб ўтишда автотранспорт воситаларининг олиб кирилиши ва транзитида ундириладиган йиғимлар ставкасига нисбатан 0,5 камайтирувчи коэффициент қўлланилади.

4. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

# «2021 ЙИЛ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 4 декабрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2020 йил 18 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги УРҚ-599-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова) 6-моддасининг учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича 2020 йил 1 июлга қадар маъқулланган, тўлиқ ёки қисман халқаро молия институтларининг ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотларининг маблағлари (қарзлари, кредитлари) ҳисобидан Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида юридик шахслар томонидан сотиб олиннадиган товарларни (хизматларни) реализация қилишга доир айланмага, шунингдек уларни олиб киришга қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи солинмайди».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган УРҚ-599-сонли Қонуни билан янги тахрирда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

**1) 72-модданинг:**

иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Солиқ ставкалари ушбу Кодекс билан белгиланади. Акциз солиғининг ставкалари, маҳсулот нархи динамикасида ва уни реализация қилиш, шу жумладан импорт қилиш ҳажмидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан йил давомида қайта кўриб чиқилиши мумкин»;

учинчи қисми чиқариб ташлансин;

**2) 75-модда** қуйидаги мазмундаги **ўнчинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари туристик зоналарда жойлашган алоҳида санаторий-курорт объектлари эгаллаган ер участкаларига нисбатан мол-мулк солиғи ва ер солиғининг камайтирилган солиқ ставкаларини белгилаш ёки солиқ тўлашдан озод қилиш ҳуқуқига эга»;

**3) 243-модда биринчи қисми:**

**15-бандининг «а» кичик банди** «(бундан такси, шу жумладан йўналишли такси мустасно)» деган сўзлардан кейин «маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланадиган тарифлар бўйича» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**23-бандидаги** «агар қарз шартномасида уларни солиқдан

озод этиш назарда тутилган бўлса» деган сўзлар «агар уларни солиқдан озод этиш қонунда назарда тутилган бўлса» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**4) 246-модданинг:**

**3-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3) давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда – бошқа ташкилотлар ва шахслар йўналишлари бўйича хайрия ёрдами мақсадларида, шу жумладан техник ёрдам кўрсатиш (грантлар) учун олиб кирилаётган товарлар»;

**9-бандидаги** «агар қарзга доир битимда бу товарлар олиб кирилатганда солиқдан озод этилиши назарда тутилган бўлса» деган сўзлар «агар улар олиб кирилатганда солиқдан озод этилиши қонунда назарда тутилган бўлса» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**5) 259-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмаси ойига бир миллиард сўмдан ошмайдиган солиқ тўловчилар учун солиқ даври чорак ҳисобланади»;

**6) 283-модда биринчи қисмининг 3-бандидаги** «газни автомобилларга ёқилги қийиш шохобчалари орқали» деган сўзлар «газни газ тўлдириш станциялари ва газ тўлдириш пунктлари орқали» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**7) 284-модда иккинчи қисми:**

**4-бандининг тўртинчи хатбошисидаги** «агар қарз шартномасида уларни солиқдан озод этиш назарда тутилган бўлса» деган сўзлар «агар улар олиб кирилатганда солиқдан озод этилиши қонунда назарда тутилган бўлса» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **7-банд** билан тўлдирилсин:

«7) ишлаб чиқарувчилар томонидан туристик йўналишларда ташкил этилган дегустация ҳудудларида (жойларида) реализация қилинадиган табиий вино (шиша идишдагилардан ташқари) маҳсулотларига»;

**8) 289-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«289-модда. Солиқ ставкалари**

Солиқ ставкалари товарнинг ёки хизматнинг қийматига нисбатан фоизларда (адвалор), натурада ифодаланган ўлчов бирлигига нисбатан мутлақ суммада (қатъий белгиланган), шунингдек адвалор ва қатъий белгиланган солиқ ставкаларини ўз ичига олган аралаш ставкада белгиланади»;

**9) қуйидаги мазмундаги 289<sup>1</sup>, 289<sup>2</sup> ва 289<sup>3</sup>-моддалар** билан тўлдирилсин:

**«289<sup>1</sup>-модда. Тамаки маҳсулотларига доир солиқ ставкалари**

\*Ушбу Қонун Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) 31.12.2020 йилда эълон қилинган ва 1.01.2021 йилдан кучга кирди.

Тамаки маҳсулотларига солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

T/p	Тамаки маҳсулотлари турлари	Солиқ ставкалари	
		импорт қилинганда	ишлаб чиқариладиган
1.	Филътри, филътрсиз сигареталар, папирослар, сигариллалар (сигаритлар), биди, кретек	400 000 сўм/1000 дона + 10 фоиз	2021 йил 1 январдан: 163 500 сўм/1000 дона + 9 фоиз 2021 йил 1 февралдан: 172 000 сўм/1000 дона + 10 фоиз 2021 йил 1 октябрдан: 185 000 сўм/1000 дона + 10 фоиз
2.	Сигара	4 700 сўм/1 дона	
3.	Чилим учун тамаки	280 000 сўм/кг	
4.	Чекиладиган, ўрама тамаки	280 000 сўм/кг	
5.	Чайналадиган, ҳидланадиган, шимиладиган тамаки	280 000 сўм/кг	
6.	Қиздириладиган тамаки таёқчаси, қиздириладиган тамакили капсула ва таркибда тамаки бўлган ўхшаш тамойил билан фойдаланиладиган бошқа маҳсулотлар	280 000 сўм/кг	
7.	Никотинли тамакисиз снюс	112 000 сўм/кг	
8.	Таркибда никотин мавжуд бўлган суюқлик (картриджларда, резервуарларда ва электрон сигаретларда фойдаланиш учун бошқа контейнерларда)	500 сўм/мл	

Ушбу модда биринчи қисмининг 1-бандида акциз солигининг қатъий белгиланган ставкаси натура ифодаланган акциз тўланадиган товарлар ҳажмига нисбатан қўлланилади, акциз солигининг адвалор солиқ ставкаси ишлаб чиқарувчининг акциз солиги ва қўшилган қиймат солиги қўшилмаган ҳолда сотилган товарлар қиймати нисбатан қўлланилади. Товар импортида адвалор солиқ ставкаси божхона тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ аниқланадиган божхона қиймати нисбатан қўлланилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг 3–6-бандларида солиқ ставкаси тамаки маҳсулотларидаги тамаки хом ашёси массасига нисбатан тамаки хом ашёси массаси тўғрисидаги ахборотни истёъмол қадоғида (идишда) кўрсатиш шarti билан қўлланилади. Агар чилим учун тамаки бўйича тамаки хом ашёси

массаси нетто оғирлигининг 20 фоиздан камни ташкил этган тақдирда, у ҳолда акциз солиги нетто оғирлигининг 20 фоиздан ҳисоблаб чиқарилади. Истёъмол қадоғида (идишда) тамаки хом ашёсининг оғирлиги тўғрисида ахборот мавжуд бўлмаган тақдирда, солиқ ставкаси нетто оғирлигига нисбатан қўлланилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг 7-бандида солиқ ставкаси товарнинг нетто оғирлигига нисбатан қўлланилади, бунда истёъмол қадоғининг (пластик банканинг, картон қутисининг ва шу кабиларнинг) оғирлиги ҳисобга олинмайди. Истёъмол қадоғида (идишда) товарнинг оғирлиги тўғрисида маълумот мавжуд бўлмаган тақдирда, солиқ ставкаси истёъмол қадоғини (идишини) ҳисобга олган ҳолда нетто оғирлигига нисбатан қўлланилади.

**289<sup>2</sup>-модда. Алкоголь маҳсулотларига доир солиқ ставкалари**

Алкоголь маҳсулотларига солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

T/p	Алкоголь маҳсулотлари турлари	Солиқ ставкалари			
		импорт қилинганда	ишлаб чиқариладиган (1 дал тайёр маҳсулот учун)		
			2021 йил 1 январдан	2021 йил 1 февралдан	2021 йил 1 октябрдан
1.	Озиқ-овқат хом ашёсидан ректификацияланган этил спирти, ректификацияланган ва эфиральдегидли фракциядан техник этил спирти ва этил спиртининг бошланғич фракцияси	70%	10 800 сўм	12 500 сўм	13 500 сўм
2.	Ароқ, коньяк ва бошқа алкоголь маҳсулотлари	50 000 сўм/1 литр учун	98 000 сўм	116 400 сўм	125 100 сўм
	ҳажмий улушда спирт 40 фоиздан кўп бўлган ароқ, коньяк ва бошқа алкоголь маҳсулотлари	70 000 сўм/1 литр учун	162 700 сўм	192 300 сўм	206 700 сўм
3.	Вино:				
	табiiй равишда ачитилган табiiй винолар (этил спирти қўшилмаган ҳолда)	35 000 сўм/1 литр учун	7 700 сўм	8 300 сўм	8 700 сўм
	бошқа винолар, шу жумладан вермут	50 000 сўм/1 литр учун	14 500 сўм	16 800 сўм	18 000 сўм
4.	Пиво	50%, бироқ 1 литр учун/15 000 сўмдан кам бўлмаган	10 600 сўм	11 700 сўм	12 600 сўм

289<sup>3</sup>-модда. Нефть маҳсулотлари ва бошқа акциз тўланадиган товарлар ва хизматларга доир солиқ ставкалари  
Нефть маҳсулотлари ва бошқа акциз тўланадиган товарлар ва хизматларга солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Т/р	Товарлар (хизматлар) номи	Солиқ ставкаси	
		2021 йил 1 январдан	2021 йил 1 февралдан
	Нефть маҳсулотлари:		
	Аи-80	200 000 сўм/тонна	240 000 сўм/тонна
	Аи-90 ва ундан юқори	250 000 сўм/тонна	275 000 сўм/тонна
1.	авиакеросин (синтетикдан ташқари)	180 000 сўм/тонна	200 000 сўм/тонна
	дизель ёқилгиси (синтетикдан ташқари)	200 000 сўм/тонна	240 000 сўм/тонна
	ЭКО дизель ёқилгиси (синтетикдан ташқари)	180 000 сўм/тонна	216 000 сўм/тонна
	дизель ёки карбюратор (инжектор) двигателлари учун мотор мойи	280 000 сўм/тонна	340 000 сўм/тонна
2.	Полиэтилен гранулалар		20%
3.	Табиий газ, шу жумладан экспорт		20%
4.	Ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сотиладиган суолтирилган газ (бундан «Худудгазтаъминот» АЖ орқали аҳолига сотиладиган ҳажмлар мустасно), шу жумладан экспорт		30%
	Якуний истеъмолчига сотиладиган:		
	бензин	1 литр учун 285 сўм/1 тонна учун 378 480 сўм	1 литр учун 350 сўм/1 тонна учун 465 530 сўм
5.	дизель ёқилгиси	1 литр учун 285 сўм/1 тонна учун 346 275 сўм	1 литр учун 350 сўм/1 тонна учун 425 918 сўм
	суолтирилган газ	1 литр учун 285 сўм/1 тонна учун 540 645 сўм	1 литр учун 350 сўм/1 тонна учун 665 493 сўм
	сиқилган газ	1 куб метр учун 435 сўм	1 куб метр учун 500 сўм
6.	Мобиль алоқа хизматлари		15%
7.	Хушбўйлаштирувчи ёки ранг берувчи қўшимчаларсиз оқ шакар		20%

Ушбу модда биринчи қисмининг 2, 3, 4 ва 6-бандларида солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган (кўрсатиладиган) акциз тўланадиган товарларга (хизматларга) белгиланган ва мазкур товарларни олиб киришда қўлланилмайди.

Ушбу модда биринчи қисмининг 5-бандида назарда тутилган олиб кирилган (импорт қилинган) акциз тўланадиган товарларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатилганда, солиқ тўловчилари бўлиб ушбу товарларни ўз эҳтиёжлари учун олиб киришни амалга оширган шахслар эътироф этилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг 7-бандида белгиланган солиқ ставкаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган хушбўйлаштирувчи ёки ранг берувчи қўшимчаларсиз оқ шакарга қўлланилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига шакар хом ашёсини олиб киришга акциз солиғи солинмайди;

#### 10) 306-модда:

**иккинчи қисмининг 11-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«11) ушбу Кодекс 304-моддасининг 8, 9, 14, 15 ва 17-бандларига мувофиқ келиб тушган маблағлар ҳисобидан олинган ёки сотиб олинган (барпо этилган), шунингдек солиқ ва божхона имтиёзлари берилганлиги натижасида бўшаган маблағлар ҳисобидан олинган ёки сотиб олинган (барпо этилган) мол-мулк»;

#### **тўртинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Агар мазкур модданинг олтинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, амортизацияланадиган активнинг қиймати қайта баҳолашни ҳисобга олмаган бошланғич қийматидан ҳисобланадиган амортизация ажратмалари орқали харажатлар жумласига киритилади»;

қуйидаги мазмундаги бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлар билан тўлдирилсин:

«Амортизацияланадиган активларнинг бошланғич қиймати бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ солиқ тўловчи томонидан капитал қўйилмалар амалга оширилган тақдирда ўзгаради.

2021 йил 1 январь ҳолатига кўра бухгалтерия ҳисоби маълумотларига асосан солиқ тўловчида мавжуд бўлган, илгари ўтказилган қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда амортизацияланадиган активлар қиймати солиқ солиш мақсадида бошланғич қиймат ҳисобланади.

2021 йил 1 январдан бошлаб солиқ тўловчи томонидан кейинги ҳисобот (солиқ) даврларида амортизацияланадиган активлар қийматини қайта баҳолаш амалга оширилганда, бундай қайта баҳолаш натижаси амортизация ажратмаларини ҳисоблашда солиқ солиш мақсадлари учун ҳисобга олинмайди»;

Бешинчи—ўн тўртинчи қисмлари тегининча саққизинчи—ўн еттинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

11) **340-модданинг ўн биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ҳар ойлик бўнақ тўловини ҳисоблаб чиқариш солиқ органлари томонидан амалга оширилади. Бунда солиқ тўловчи келгуси чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар жорий чорада қутилаётган фойда суммасидан келиб чиққан ҳолда, бўнақ тўловлари суммаси тўғрисида солиқ органларига маълумотнома тақдим этиш ҳуқуқига эга. Қутилаётган фойда суммаси асоссиз камайитириб кўрсатилган тақдирда солиқ органлари солиқ тўловчилар томонидан тақдим этиладиган солиқ бўйича бўнақ тўловлари суммаси тўғрисидаги маълумотномага ўзгартиришлар киритишга ҳақли»;

12) **365-модда** қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ушбу Кодекснинг 392-моддасида белгиланган тартибда солиқни қатъий белгиланган миқдорда тўлаш хоҳишини билдирган яқка тартибдаги тадбиркорлар учун солиққа тор-

тиш бъекти бўлиб амалга оширилаётган фаолият турини тавсифловчи физик кўрсаткичлар ҳисобланади»;  
13) 383-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«383-модда. Қатъий белгиланган миқдорлардаги солиқ ставкалари**

Қатъий белгиланган миқдорларда солиқни тўловчи жисмоний шахслар учун солиқ ставкаси қуйидаги миқдорларда белги-ланади:

Т/р	Фаолият тури	Бир ойлик солиқ ставкалари (сўмда)			
		Тошкент шаҳри	Нукус шаҳри ва вилоят марказлари бўлган шаҳарлар	бошқа шаҳарлар	бошқа аҳоли пунктлари
	Чакана савдо:				
1.	озик-овқат товарлари ва ноозик-овқат товарлари билан	750 000	600 000	300 000	200 000
	деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан	250 000	150 000	100 000	50 000
	газеталар, журналлар ва китоб маҳсулотлари билан	250 000	150 000	100 000	50 000
2.	Маиший хизматлар	250 000	150 000	100 000	50 000
3.	Бошқа фаолият турлари	225 000	150 000	100 000	50 000
4.	Автомобиль транспортда юк ташиш хизматлари:				
	3 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун		150 000		
	3 тоннадан ортиқ юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун		225 000		

**Солиқ тўловчи:**

бир нечта фаолият тури билан шуғулланганида, ҳар бир фаолият тури учун алоҳида-алоҳида қатъий белгиланган миқдордаги солиқни тўлайди, фаолият билан икки ва ундан ортиқ аҳоли пунктларида шуғулланганида эса, ушбу аҳоли пунктлари учун ўрнатилган юқори ставкада солиқ тўланади;

тадбиркорлик фаолиятини ижарага олинган ускуналарда ва бинода амалга оширган тақдирда, яшаш жойидаги солиқ органига ижарага берувчи тўғрисида маълумотнома (ахборот) тақдим этишга мажбур;

1 ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс ҳисобланганида фаолият туридан ва уни амалга ошириш жойидан қатъи назар, ойига қатъий белгиланган миқдордаги солиқнинг 50 фоизини, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда тўлайди;

«Хунарманд» уюшмасига аъзо бўлган ва хунармандчилик маҳсулотларини (товарларини, хизматларини) ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилишни амалга оширганмида қатъий белгиланган миқдордаги солиқни тўлашдан озод этилади;

болалар ўйин автоматлари билан боғлиқ хизматларни кўрсатса, ҳар бир жиҳозланган жой (бирлик) учун қатъий белгиланган миқдордаги солиқни тўлайди.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларига ушбу Кодекснинг 381-моддаси биринчи қисмида белгиланган ставкада солиқ солинади.

Халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари яқка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган миқдордаги солиқ суммаларига фаолият амалга оширилаётган жойларнинг хусусиятларига, шунингдек фаолият амалга оширилаётган турларининг мавсумийлигига қараб 0,7 дан 1,3 гача камайтирувчи ёки оширувчи коэффицентлар белгилашга ҳақли»;

**14) 385-модда:**

**учинчи қисмининг 2-банди** чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги саккизинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ яқка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўл-

ган жисмоний шахслардан олинган солиқ солиқ агенти томонидан ҳисоблаб чиқарилади ва тўлов манбаида ушлаб қолинади»;

**15) 408-модда:**

**Биринчи ва иккинчи қисмлари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Солиқ, агар ушбу модданинг иккинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ тўловчининг календарь ойда ишлаган кунлари сонидан қатъи назар:

1) яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан – ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда;

2) яқка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар томонидан (бундан бўён матнда яқка тартибдаги тадбиркорнинг ходимлари деб юритилади) – ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдориди;

3) фаолиятни юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, оилавий тадбиркорлик шаклида амалга оширувчи оила аъзолари томонидан:

яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзоси томонидан – ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан кам бўлмаган миқдорда;

оиланинг бошқа аъзолари томонидан (бундан ўн саккиз ёшга тўлмаганлар мустасно) – ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдориди;

4) қишлоқ туманларида рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган «Хунарманд» уюшмаси аъзоси бўлган хунармандчилик фаолияти субъектлари томонидан ўз фаолиятининг дастлабки икки йилида – ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдориди мажбурий тартибда тўланади.

Меҳнат стажы ҳисобланиши учун ўзини ўзи банд қилган шахслар, меҳнат шартномаси асосида чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан чет давлатларда ташкил этилган (очилган) савдо уйларида, ваколатоналарда (шу жумладан юридик шахс ташкил этмасдан), ташкилотларда ишлаётган Ўзбекистон

Республикаси фуқарolari томонидан йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир баравари миқдоридан ихтиёрий тартибда, куйидаги солиқ тўловчилар томонидан эса мажбурий тартибда тўланади:

«Уста-шогирд» мактаблари ўқувчилари – улар йигирма беш ёшга тўлгунига қадар ишлаган даврда;

деҳқон хўжаликчлари, шунингдек майдони тўрт сотихдан кам бўлмаган деҳқон хўжалигида, томорқа ер участкасида банд бўлган ёки ушбу майдонда қорамол ёхуд эллик бошдан кам бўлмаган ҳонаки парранда парваришланган жисмоний шахслар. Бунда деҳқон хўжалиги раҳбари солиқни мажбурий тартибда тўлайди, бошқа аъзолари ва кўрсатилган жисмоний шахслар эса ихтиёрий асосда тўлайди;

тўртинчи қисм куйидаги тахрирда баён этилсин:  
«Солиқни тўлаш куйидагича амалга оширилади:  
ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар томонидан – ҳар ойда тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ойнинг ўн бешинчи кунидан кечиктирмай;

ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган шахслар томонидан – ҳисобот йилининг 1 декабригача амалга оширилади. Бунда солиқнинг миқдори тўлов кунда белгиланган базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади»;

ўн биринчи қисм куйидаги тахрирда баён этилсин:  
«Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган солиқ тўловчилар солиқни ушбу Кодекснинг 405-моддасида кўрсатилган тартибда тўлашга ҳақли»;

«Солиқ ставкалари куйидаги миқдорларда белгиланади:

тилган солиқ ставкалари буйича жами йиллик даромад тўғрисида декларацияда кўрсатилган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида олинган даромадлар суммасидан келиб чиқиб, бироқ ушбу моддада белгиланган унинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда, солиқни ихтиёрий равишда тўлаш ҳақида жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш билан бир вақтда бериладиган ариза асосида тўлашга ҳақли. Бунда тўланиши лозим бўлган солиқнинг узил-кесил суммаси ушбу модданинг биринчи – бешинчи қисмларига мувофиқ тўланган суммаларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади».

16) **414-модда биринчи қисмининг 1-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«1) маданият ва санъат, таълим, соғлиқни сақлаш (бундан туристик зоналарда жойлашган санаторий-курорт объектлари мустасно), жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот объектларининг»;

17) **415-модданинг тўртинчи қисми биринчи хатбошидаги** «0,2 фоиз» деган сўзлар «0,4 фоиз» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **419-модданинг 4-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«4) кўп квартирали уйларга узвий боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари, шунингдек бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар»;

19) **422-модданинг биринчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

<i>T/p</i>	<i>Солиқ солиш объектлари</i>	<i>Солиқ ставкалари (фоизларда)</i>
1.	Уй-жойлар ва квартиралар, дала ҳовли иморатлари (бундан умумий майдони 200 кв м дан ортиқ бўлганлари мустасно), кўп квартирали уйларга узвий боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари, шунингдек бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар	0,23
2.	Шаҳарларда жойлашган уй-жойлар ва квартиралар, умумий майдони:	
	200 кв м дан ва 500 кв м га қадар бўлганлари	0,3
	500 кв м дан ортиқ бўлганлари	0,4
3.	Бошқа аҳоли пунктларида жойлашган, умумий майдони 200 кв м дан ортиқ бўлган уй-жойлар ва квартиралар, дала ҳовли иморатлари	0,3
4.	Тадбиркорлик фаолияти учун ёхуд юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага беришда фойдаланиладиган солиқ солиш объектлари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти ва (ёки) даромад олиш учун мўлжалланган, яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас муля объектлари	2

20) **426-модда иккинчи қисмининг:**

**4-бандидаги** «дам олиш уйлари, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**11-бандидаги** «маиший чиқиндилар» деган сўзлар «маиший; қурилиш ва бошқа чиқиндилар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) **427-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошидаги** «мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги корхоналари учун мева-сабзавотчилик маҳсулотлари эгаллаган ерлар учун эса – ер участкасининг умумий майдони» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

22) **428-модда иккинчи қисмининг:**  
**иккинчи ва учинчи хатбошилари** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«маданият, таълим, соғлиқни сақлаш (бундан туристик зоналарда жойлашган санаторий-курорт объектлари банд қилган ерлар мустасно) ва ижтимоий таъминот объектлари эгаллаган ерлар; спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш мажмуалари,

ўқув-машқ базалари ва болалар-соғломлаштириш оромгоҳлари эгаллаган ерлар»;

**саккизинчи хатбоҳиси** куйидаги тахрирда баён этилсин:  
«сувни тежайдиган (томчилатиб, ёмғирлатиб, дискрет ва бошқа) сугориш технологиялари жорий этилган ерлар – сувни тежайдиган сугориш технологиялари жорий этилган ойнинг бошидан эътиборан беш йил муддатга. Ушбу имтиёз сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли органининг ҳулосаси асосида берилади. Агарда сувни тежайдиган сугориш технологиялари жорий этилган ойнинг бошидан бошлаб беш йил давомда фойдаланишга яроқсиз бўлган ёки демонтаж қилинган бўлса, солиқ имтиёзи бутун солиқ даври учун солиқни тўлаш буйича мажбуриятларнинг тикланиши билан бекор қилинади»;

23) **429-модданинг:**

**биринчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:  
«Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар буйича базавий солиқ ставкаси республика ҳудудлари кесимида 1 гектар учун мутлақ ўлчамда куйидаги миқдорларда белгиланади:

Республика ҳудудлари	1 гектар учун базавий солиқ ставкаси (млн сўмда)
Тошкент шаҳри	208,2
1 зона	166,5
2 зона	124,9
3 зона	83,3
4 зона	41,6
5 зона	
Қорақалпоғистон Республикаси	26,2
Андижон вилояти	33,0
Бухоро вилояти	26,7
Жиззах вилояти	26,7
Қашқадарё вилояти	26,7
Навоий вилояти	26,7
Наманган вилояти	33,0
Самарқанд вилояти	33,0
Сурхондарё вилояти	23,5
Сирдарё вилояти	20,8
Тошкент вилояти	27,6
Фарғона вилояти	26,7
Хоразм вилояти	26,7

қуйидаги мазмундаги **иккинчи ва учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Қишлоқ ҳўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун солиқ ставкаларининг аниқ миқдори қуйидаги тартибда аниқланади:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари 0,5 дан 2,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентларни қўллаган ҳолда, ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган базавий солиқ ставкалари асосида қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб, солиқ ставкаларини белгилайди;

туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари, ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошида белгиланган солиқ ставкаларига, Тошкент шаҳри учун эса – ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган базавий солиқ ставкаларига 0,7 дан 3,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентларни уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида киритади.

Туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан кейинги солиқ даври учун солиқ ставкалари ҳар йили жорий солиқ даврининг 31 декабрига қадар қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари жойлашган жойдаги солиқ органларига тақдим этади. Ер участкалари жойлашган жойдаги солиқ органлари ушбу солиқ ставкаларини беш кун ичида солиқ тўловчиларга маълумот учун етказишлари керак»;

**иккинчи–ўн биринчи қисмлар** тегишинча **тўртинчи–ўн учинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**тўртинчи қисм** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қишлоқ ҳўжалиги учун мўлжалланган ерлар учун солиқ ставкалари қишлоқ ҳўжалиги экинзорларининг норматив қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорда белгиланади»;

бешинчи қисм биринчи хатбошидаги «0,1 коэффицент» деган сўзлар «0,25 коэффицент» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисмдаги «учинчи» деган сўз «бешинчи» деган сўз билан алмаштирилсин»;

ўн биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган майдонлар, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар, қурилиши тугалланмаган объектлар, шунингдек, самарали фойдаланилмаётган балиқ етиштириш (ўстириш) учун мўлжалланган сунъий сув

ҳавзалари жойлашган ер участкаларига нисбатан қонунчиликда оширилган солиқ ставкаларини белгилаш йўли билан таъсир чоралари қўлланилиши мумкин. Бундай ер участкаларига солиқ имтиёзлари татбиқ этилмайди»;

қуйидаги мазмундаги ўн тўртинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг маъмурий чегараларида жойлашган конлар ва карьерлар банд этган ерлар учун солиқ туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари белгиланган солиқ ставкаларига 0,1 коэффицентини қўллаган ҳолда тўланади»;

**24) 431-модда** қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Кўп квартирали уйларда жойлашган турар жой бўлмаган кўчмас мулк объектлари билан банд бўлган ер участкалари бўйича солиқ турар жой бўлмаган кўчмас мулк объектнинг қаватлар сонига бўлинган майдонидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади»;

**25) 434-модда биринчи қисмининг 3-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган, шунингдек якка тартибдаги ва жамоа гаражлари эгалланган ер участкалари»;

**26) 435-модда:**

қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Деҳқон ҳўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича солиқ базаси ушбу Кодекс 428-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ солиқ солинмайдиган қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкалари чегириб ташланган ҳолда, ер участкаларининг қонунчиликка мувофиқ аниқланган норматив қиймати»;

иккинчи ва учинчи қисмлари тегишинча учинчи ва тўртинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

**учинчи қисмдаги** «якка тартибдаги гаражлар» деган сўзлар «якка тартибдаги ва жамоа гаражлари» деган сўз билан алмаштирилсин»;

**27) 437-модданинг:**

**биринчи ва иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Республика ҳудудлари кесимида базавий солиқ ставкалари 1 кв. м учун мўтлақ ўлчамда қуйидаги миқдорларда белгиланади (бундан деҳқон ҳўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ ҳўжалиги учун мўлжалланган ерлар мустасно):



Республика ҳудудлари	1 кв.м учун базавий солиқ ставкаси (сўмда)
Тошкент шаҳри	1193,6
1 зона	1013,2
2 зона	832,6
3 зона	652,3
4 зона	471,8
5 зона	
Қорақалпоғистон Республикаси	245,0
Андижон вилояти	297,6
Бухоро вилояти	245,0
Жиззах вилояти	245,0
Қашқадарё вилояти	245,0
Навобий вилояти	245,0
Наманган вилояти	297,6
Самарқанд вилояти	297,6
Сурхондарё вилояти	221,6
Сирдарё вилояти	191,8
Тошкент вилояти	252,2
Фарғона вилояти	245,0
Хоразм вилояти	245,0

Солиқ қатъларини аниқ миқдори куйидаги тартибда белгилади:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашилари 0,5 дан 2,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда, ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган базавий солиқ ставкалари асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар қесимида уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб, солиқ ставкаларини белгилайди;

туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашилари ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисида белгиланган солиқ ставкаларига Тошкент шаҳри учун эса – ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган базавий солиқ ставкаларига 0,7 дан 3,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча қесимида киритади;

қуйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи қисмлар билан тўлдирилсин:

«Туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашилари томонидан кейинги солиқ даври учун солиқ ставкалари ҳар йили жорий солиқ даврининг 31 декабрига қадар қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари жойлашган жойдаги солиқ органларига тақдим этади.

Деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларга солиқ ставкаси қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорда белгиланади»;

**учинчи-еттинчи қисмлар** тегишинча **бешинчи-тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **ўнинчи қисм** билан тўлдирилсин:  
«Жисмоний шахсларга яқка тартибдаги турар жой қуриш ва ободонлаштиришга берилган томоҳа ер участкаларига яқка тартибдаги уй-жой қуришга берилган ер участкалари учун белгиланган ставка қўлланилади»;

**28) 439-модданинг:**

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ тўловчининг яшаш жойидан қатъи назар, ер участкаси жойлашган ердаги солиқ органлари томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳўқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг маълумотлари асосида, деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар бўйича эса – қишлоқ хўжалиги учун

мўлжалланган ерларнинг норматив қийматини аниқловчи органнинг маълумотлари асосида амалга оширилади»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:  
«Кўп квартирали уйларда жойлашган турар жой бўлмаган кўчмас мулк объектлари билан банд бўлган ер участкалари бўйича солиқ турар жой бўлмаган кўчмас мулк объектининг қаватлар сонига бўлинган майдонидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади»;

**29) 442-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **8-банд** билан тўлдирилсин:

«8) коллектор ва дренаж тармоқларидан ишлатиладиган сув ресурслари»;

**30) 444-модданинг:**

**тўққизинчи ва ўнинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли орган ҳар йили жорий солиқ даврининг 10 декабридан кечиктирмай қишлоқ хўжалигида, шу жумладан балиқчилик хўжалигида, сув ресурсларидан фойдаланувчи юридик шахсларга, деҳқон хўжаликлари бўйича эса – ҳисобот даври учун келгуси йилнинг 20 январидан кечиктирмай сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмоли қилиш жойи бўйича солиқ органларига – солиқ базасини аниқлаш учун улар томонидан ишлатилиши кутилаётган сув ресурслари ҳажмини тақдим этади.

Деҳқон хўжаликлари учун солиқ базаси солиқ органлари томонидан сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли орган тақдим этган маълумотлар асосида аниқланади»;

қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи, ўн иккинчи ва ўн учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштирувчи балиқчилик хўжаликлари солиқ базасини табиий ва сунъий сув объектларидан олинган ва ушбу сув объектларига қайтариб қуйиладиган сув ҳажми, бундан коллектор-дренаж тармоқларига қайтариб қуйиладиганлар мустасно, ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб аниқлайдилар.

Қишлоқ хўжалигида, шу жумладан балиқ етиштиришда сув ресурсларини ҳисобга олиш вოსиталари мавжуд эмаслиги ва фойдаланиладиган сув ресурсларининг ҳақиқий ҳажмини аниқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, солиқ базаси сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмоли қилиш соҳасидаги ваколатли орган томонидан тасдиқланган сув ресурслари истеъмолининг нормативларига қўра аниқланади.

Ишлаб чиқариш жараёнида сувни махсус ускуналарни (турбиналарни) совитиш учун ишлатадиган солиқ тўловчилар солиқ базасини табиий сув объектидан махсус ускуналарни (турбиналарни) совитиш учун олинган ва табиий сув объектига қайтариб қўйиладиган сув ҳажми ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб аниқлайди. Ушбу норма сувнинг ҳақиқий ҳисоби ёки сувдан махсус фойдаланиш рухсатномаси мавжуд бўлганда қўлланилади»;

1-банднинг ва 2-банднинг қисмлари тегишinchа ўн тўрт

«Белгиланган лимитлар доирасида ер ўсти ва ер ости манбаларидан олинган сув ресурслари учун солиқ ставкалари бир куб метр учун мутлақ ўлчамда қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Т/р	Солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объекти	1 куб м учун солиқ ставкаси (сўмда)	
		ер ўсти сув ресурслари манбалари	ер ўсти сув ресурслари манбалари
1.	Иқтисодийнинг барча тармоқларидаги корхоналар (бундан 2-6-бандларда кўрсатилганлари мустасно), шунингдек яққа тартибдаги тадбиркорлар	182	221
2.	Саноат корхоналари	472	564
3.	Электр станциялари ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари	70	90
4.	Қишлоқ хўжалик ерларини сугориш ва бақлиқларни ўстириш (етиштириш) учун фойдаланилган сув ҳажми қисми, шу жумладан деҳқон хўжаликлари	40	40
5.	Автотранспорт воситаларини ювиш учун фойдаланиладиган сув ҳажми	1990	1990
6.	Алкоголсиз ичимликлар ҳамда пиво ва винодан ташқари алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган сув ҳажми	25 185	25 185

қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда биринчи қисмининг 4-бандида назарда тутилган солиқ ставкаси 0,7 камайитирувчи коэффициентни ҳисобга олган ҳолда, сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланадиган, фойдаланилган сув ҳажмига қўлланилади»; иккинчи ва учинчи қисмлар тегишinchа учинчи ва тўртинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

32) 452-модда иккинчи қисмининг:

81, 82 ва 83 қаторлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

« Курилиш куми	5, бироқ 7 500 сўм/куб мдан кам бўлмаган
Кум-шағал аралашмаси	5, бироқ 7 500 сўм/куб мдан кам бўлмаган
Кумтошлар	5, бироқ 7 500 сўм/куб мдан кам бўлмаган

85 ва 86 қаторлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

« Курилиш майда тошлар (карбонат жинслари)	5, бироқ 7 500 сўм/куб мдан кам бўлмаган
Курилиш майда тошлар (гранитлар, порфиритлар ва сланец жинслари)	5, бироқ 7 500 сўм/куб мдан кам бўлмаган

33) 461-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги 9 ва 10-бандлар билан тўлдирилсин:

9) алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пивони чакана сотиш бўйича тургун савдо шохобчаларига;

10) бозорларга ва савдо комплексларига»;

34) 467-модданинг:

6-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

« 6. Сугурта агентлари, шунингдек сугурта, қимматли қоғозлар бозори ва товар-хом ашё биржаларида брокерлик фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар, шунингдек риэлторлик фаолиятини амалга оширувчи шахслар.	13
------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----

9.2-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

« 9.2. жойлашган жойидан қатъи назар, тамаки маҳсулотлари реализациясидан товар айланмаси бўйича:	4
---------------------------------------------------------------------------------------------------	---

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирлиқлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради; давлат бошқаруви органларининг ушбу Қонунга зид бўлган

тинчи ва ўн бешинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги ўн олтинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Солиқ солиш объекти ва (ёки) солиқ ставкаси турли хил бўлган бир неча турдаги фаолият билан шугулланувчи солиқ тўловчилар бундай фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ва тегишли солиқ ставкалари бўйича солиқ тўлашлари шарт»;

31) 445-модданинг биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун 2021 йил 1 январдан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,  
2020 йил 30 декабрь  
ЎРҚ-659-сон.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
«2021 ЙИЛ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ ИЖРОСИНИ  
ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА\***

(Кўчирма)\*\*

«2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида:

1. 2021 йил 1 февралдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташиқлотлари ходимларининг иш ҳақи ҳамда стипендиялар миқдори 1,1 баробарга оширилсин.

2021 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

меҳнатта ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори – ойига 747 300 сўм;

базавий ҳисоблаш миқдори – 245 000 сўм;

14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунча қадар бола парвариши бўйича нафақа, кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги муҳтож оилаларга бир марталик моддий ёрдам миқдорлари 1-иловага мувофиқ белгилансин.

2. 2021 йилда иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Давлат солиқ кўмитаси, Давлат божхона кўмитаси, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур қарорнинг 3-илоvasида кўрсатилган 2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни даромадлари прогнозининг бажарилиши юзасидан барча зарур чораларни кўрсин.

4. Белгилансинки, 2021 йил 1 январдан бошлаб ижтимоий солиқ тушумлари куйидагича тақсимланади:

а) бюджет ташиқлотлари бўйича:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига – 99,2 фоиз;  
Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига – 0,4 фоиз;

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига – 0,4 фоиз;

б) бошқа тўловчилар бўйича:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига – 98,4 фоиз;  
Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига – 0,8 фоиз;

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига – 0,8 фоиз.

5. Фойда солиғи тўлиқлигича Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига йўналтирилладиган йирик солиқ тўловчилар рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Куйидаги солиқ турлари бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисми тўлиқ ҳажмда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетни, вилоятлар вилоят бюджетни ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига қопдирилсин:

жисмоний шахслардан олинладиган даромад солиғи;  
қўшилган қиймат солиғи (мазкур қарорнинг 4-илоvasида

кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган қўшилган қиймат солиғи бундан мустасно);

фойда солиғи (мазкур қарорнинг 4-илоvasида кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек, норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинладиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғи бундан мустасно).

Бунда, солиқ турлари бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмини ҳисоблашда йирик солиқ тўловчилардан тушумлар (мазкур қарорнинг 4-илоvasида кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқлар бундан мустасно) инобатга олинади.

Молия вазирлигига нархлар (тарифлар) ва қонунчилик ҳужжатлари ўзгаришидан келиб чиқиб, қўшилган қиймат солиғи бўйича даромадлар прогнозини тасдиқланган кўрсаткичлар доирасида ҳудудлар кесимида қайта тақсимлаш ҳуқуқи берилсин.

Белгилансинки, 2020 йил 4-чорак якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетни, вилоятлар вилоят бюджетни ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмини ўтказиш 2021 йил январ ойида амалга оширилади ва 2020 йил учун ҳисоботларда акс эттирилади.

7. 2021 йил учун олтиндан ясалган заргарлик буюмларини чакана савдода сотганлик учун йиғим миқдори 1 граммга 1 000 (бир миң) сўм миқдорига сақлаб қолинсин.

8. Белгилансинки, 2021 йилда Давлат солиқ кўмитаси томонидан белгиланган ҳолларда солиқ тўловчиларга солиқ ҳисоботларини тақдим этиш муддатларини беш кундан кўп бўлмаган муддатга кечиктирганлик учун жарима солинмади.

9. 2021 йил 1 январдан бошлаб барча ҳўжалик юритувчи субъектлар учун асосий фондларнинг ҳар йиллик, микрофирма ва кичик корхоналар учун 3 йиллик мажбурий қайта баҳолаш тартиби бекор қилинсин.

10. 2021 йил 1 январдан бошлаб:

«Навоий кон-металлургия комбинати» ДК ва «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖга ер қазьридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси олтин, палладий, қумуш ва мис бўйича 15 фоиз миқдорда;

рентабеллик даражасидан келиб чиқиб «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК ва «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ учун фойда солиғи ставкалари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. 2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетни, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетни, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари айланма касса

\*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 31.12.2020 йилдан кучга кирди.

\*\*Ушбу қарор «СБХ»да кўчирмада берилмоқда. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Нотта» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

маблагларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Сув ҳўжалиги вазирлиги ва Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари кўмитасининг бюджет маблагларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятининг самарадорлиги индикаторлари 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Сув ҳўжалиги вазирлиги ва Автомобиль йўллари кўмитаси:

мазкур қарорнинг 7-иловасида назарда тутилган самарадорлик индикаторларининг ижросини таъминласин ва мониторингини юртисин;

ҳисобот чораги якуни бўйича кейинги чорак биринчи ойининг 20 санасига қадар мазкур қарорнинг 7-иловасида назарда тутилган самарадорлик индикаторларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни шакллантириш ҳамда кейинчалик Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳисобот бериш учун Молия вазирлигига киритсин.

Белгилансинки, мазкур қарорнинг 7-иловасида назарда тутилган самарадорлик индикаторларининг ижросини баҳолаш вазирлик ва идораларнинг Ички аудит хизмати томонидан амалга оширилади.

Молия вазирлиги 2022 йил учун Давлат бюджети лойиҳасини шакллантиришда халқро экспертларни жалб қилган ҳолда барча вазирлик ва идораларнинг бюджетлари қаражатларининг самарадорлик индикаторларини белгиланган ҳолда мақсадли режалаштириш тизимини жорий қилсин ҳамда 2022 йил учун Бюджетномада акс эттирсин.

Ривожлантириш дастурларининг самарадорлиги натижаларини таҳлил қилиш мақсадида вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзларининг марказий аппаратлари тузилмасида белгиланган штат бирликлари доирасида ички аудит хизматларини жорий қилсин.

13. Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлиги мазкур қарорнинг 7-иловасида назарда тутилган самарадорлик индикаторларининг ижроси устидан қатъий назорат ўрнатсин.

14. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Кадастр агентлиги, «Ўздаверлоийҳа» илмий-лоийҳа институти, Давлат солиқ кўмитаси ва Давлат статистика кўмитаси билан биргалиқда 2021 йил 1 апрелгача қишлоқ ҳўжалиги ерлари бор юридик шахслар, жумладан деҳқон ҳўжалиқларига ерларни солиққа тортиш учун норматив қийматини етказсин.

15. Молия вазирлиги:

а) 2021 йил 1 апрелга қадар:

Ҳисоб палатаси ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан биргалиқда бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида маълумотларни расмий веб-сайтларга жойлаштириш тартибин;

Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида янгиланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қондаларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

б) 2021 йил 1 июлга қадар Давлат мақсадли жамғармаларининг маблаглари бўйича харажатлар сметаларини, шунингдек, ушбу жамғармалар бюджетларининг ижроси

тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим этиш тартибин ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

16. 2021 йил 1 январдан Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси тугатилсин, жамғарма ҳисобидан ажратилган маблагларнинг ўзлаштирилмаган қисми ҳамда жамғарманин жорий йил охирига қолдиқ маблаглари Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўтказилиши таъминлансин.

Белгилансинки, 2021 йилда коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш тадбирлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджетида коронавирус пандемиясига қарши курашиш ва вакцина сотиб олиш харажатлари доирасида молиялаштирилади.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5978-сон Фармонида 1-иловада назарда тутилган товарларни (оқ ва бошқа шакардан ташқари) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божжона божининг ноль ставкаси 2021 йил 31 декабрга қадар қўлланилсин.

22. Молия вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлиги билан биргалиқда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида белгиланган дастурларда иштироки натижасида 2021 йил 1 январдан бошлаб олинган бонуслар, муқофотлар кўринишидаги пул тўловларининг жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан озод қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

23. Давлат солиқ кўмитасига 2021 йилда ажратилган маблаглар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги «Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6098-сон Фармонида кўзда тутилган онлайн назорат-касса машиналарининг чеклари асосида совринли ўйинларни 2021 йилда ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қўллашга рухсат берилсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 8-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 2021 йил 1 январдан 9-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

26. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўқоров зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикаси Президентини  
Ш.МИРЗИЁЕВ.*

*Тошкент ш.,  
2020 йил 30 декабрь  
ПҚ-4938-сон.*

**14 ЁШГАЧА БОЛАЛАРИ БЎЛГАН ОИЛАЛАРГА НАФАҚА, БОЛА ИККИ ЁШГА ТЎЛГУНГА ҚАДАР БОЛА ПАРВАРИШИ БЎЙИЧА НАФАҚА, КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРГА БЕРИЛАДИГАН МОДДИЙ ЁРДАМ ҲАМДА ҚОРАҚАЛПОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДАГИ МУҲТОЖ ОИЛАЛАРГА БИР МАРТАЛИК МОДДИЙ ЁРДАМ МИҚДОРЛАРИ**

сўм

Т/р	Нафақа ва моддий ёрдам турлари	Миқдор
1.	<b>14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа</b>	
	шундан:	
	битта болали оилаларга	144 100
	иккита болали оилаларга	238 700
	учта ва ундан ортиқ болали оилаларга	334 400
2.	<b>Бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа</b>	434 000
3.	<b>Кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам</b>	326 000 дан 653 000 гача
4.	<b>Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги муҳтож оилаларга бир марталик моддий ёрдам</b>	434 000 дан 1 085 000 гача

*Изоҳ: Кўрсатилган нафақа ва моддий ёрдам миқдорлари 2021 йил 1 февралга қадар тайинланган нафақа ва моддий ёрдамни тўлашда ҳам қўлланилади.*

**2021 ЙИЛ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ ПРОГНОЗИ**

млрд сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Сумма
	<b>Жами – даромадлар</b>	<b>147 202,3</b>
1	<b>Бевосита солиқлар</b>	<b>46 845,2</b>
1.1	Фойда солиғи	27 779,4
1.2	Айланмадан олинadиган солиқ	2 160,0
1.3	Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи	16 905,8
2	<b>Билвосита солиқлар</b>	<b>62 526,7</b>
2.1	Қўшилган қиймат солиғи	46 955,4
2.2	Акциз солиғи	11 820,1
2.3	Божхона божи	3 751,2
3	<b>Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи</b>	<b>19 426,8</b>
3.1	Мол-мулк солиғи	2 510,3
3.2	Ер солиғи	2 941,0
3.3	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	13 588,2
3.4	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	387,3
4	<b>Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган бошқа тушумлар</b>	<b>18 403,6</b>

**ФОЙДА СОЛИГИ ТЎЛИҚЛИГИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕСПУБЛИКА БЮДЖЕТИГА ЙЎНАЛТИРИЛАДИГАН ЙИРИК СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИ**

Т/р	Солиқ тўловчиларнинг номи	Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)
1	«Andijon gidroelektrstansiya» УК	200248365
2	«Angren issiqlik elektr stansiyasi» АЖ	200595949
3	«Asia trans gas» МЧЖ	206948470

T/p	Солиқ тўловчиларнинг номи	Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)
4	«Baraka holding» МЧЖ	305162024
5	«Bekobodsement» АЖ	200459808
6	«Buxoro neftni qayta ishlash zavodi» МЧЖ	202080378
7	«Chirchiq gidroelektrstansiyalar kaskadi» УК	200942018
8	«Chirchiq transformator zavodi» АЖ	200941525
9	«Coca-cola ichimligi Uzbekiston, Ltd» МЧЖ	200798458
10	«Coscom» МЧЖ	201788904
11	«Epsilon development company» МЧЖ	305922787
12	«Ertoshsoy gidroelektrstansiya» УК	207151221
13	«Farg'ona issiqlik elektr markazi» АЖ	200202146
14	«Fargona neftni qayta ishlash zavodi» МЧЖ	200202099
15	«Farg'onaazot» АЖ	200202240
16	«Farxod GES» УК	202256591
17	«Gissarneftgaz» МЧЖ	205678302
18	«GM O'zbekiston» АЖ Хоразм филиали	207228908
19	«Hisorak gidroelektrstansiya» УК	206976058
20	«International beverages Tashkent» МЧЖ	301975029
21	«Islom Karimov nomidagi Toshkent xalqaro aeroporti» МЧЖ	200640719
22	«Issiqlik elektr stansiyalari» АЖ	306349304
23	«JV MAN Auto-Uzbekistan» МЧЖ	301305243
24	«Ketring» МЧЖ	201676062
25	«Ko'kdumaloqgaz» МЧЖ	205222807
26	«Maxam-Chirchiq» АЖ	200941518
27	«Jarkurgonneftqaytaishlash» МЧЖ	204917978
28	«Muborak issiqlik elektr markazi» АЖ	200698044
29	«Natural gas-stream» МЧЖ	207245357
30	«Navoiy issiqlik elektr stansiyasi» АЖ	200850647
31	«Navoiy kon-metallurgiya kombinati» ДК	201204514
32	«Navoiy xalqaro aeroporti» МЧЖ	200003243
33	«Navoiyazot» АЖ	200002933
34	«O'ztemiryo'lkonteyner» АЖ	203607858
35	«Oxangaronsement» АЖ	200463344
36	«Olmaliq kon-metallurgiya kombinati» АЖ	202328794
37	«O'z aeronavigatsiya» markazi» ДУК	201052000
38	«O'zavtosanoat» АЖ	201053918
39	«Andijon gidroelektrstansiya-2» УК	207068774
40	«Katta Farg'ona kanalidagi kichik gidroelektrostansiyalar kaskadi» УК	305909492
41	«O'rta Chirchiq gidroelektrstansiyalari kaskadi» УК	200439436
42	«Oxangaron gidroelektrostansiya» УК	301266689
43	«Tuyabo'g'iz kichik gidroelektrstansiya» УК	305916113
44	«Tuyamo'yin gidroelektrostansiyasi» УК	200209151
45	«Qodiriya gidroelektrstansiyalar kaskadi» УК	200605332
46	«O'zbekgidroenergo» АЖ	304952767
47	«O'zbekiston metallurgiya kombinati» АЖ	200460222
48	«O'zbekiston milliy elektr tarmoqlari» АЖ	306347741
49	«O'zbekiston Respublikasi tovar-xomashyo birjasi» АЖ	200933985
50	«O'zbekiston temir yo'llari» АЖ	201051951
51	«O'zbekneftgaz» АЖ	200837914
52	«O'zbektelekom» АЖ	203366731
53	«O'zelektroapparat-electroshield» АЖ	201052167
54	«O'ztransgaz» АЖ	200626188
55	«Perfect plast profil» АЖ	303431839
56	«Qizilqumsement» АЖ	200002878
57	«Quvasoycement» АЖ	200124805
58	«Quyibo'zsv gidroelektrstansiyalar kaskadi» УК	200588275
59	«Rubicon wireless communication» МЧЖ	201501439

T/p	Солиқ тўловчиларнинг номи	Солиқ тўловчисининг идентификация рақами (СТИР)
60	«Samarqand avtomobil zavodi» МЧЖ ҚҚ	202137344
61	«Samarqand gidroelektrstansiyalari kaskadi» УҚ	205240509
62	«Samarqand xalqaro aeroporti» МЧЖ	200791776
63	«Shahrixon gidroelektro stansiyalar kaskadi» УҚ	205244122
64	«Shurtan gaz kimyo majmuasi» МЧЖ	203195074
65	«Sirdaryo issiqlik elektr stansiyasi» АЖ	201169179
66	«Tahiyatosh issiqlik elektr stansiyasi» АЖ	200366401
67	«Talimarjon issiqlik elektr stansiyasi» АЖ	201284979
68	«Tashkent tobacco» МЧЖ	205442074
69	«To`palang gidroelektrostantsiya» УҚ	206695638
70	«To`raqo`rg`on issiqlik elektr stansiyasi» УҚ	306455520
71	«Toshkent gidroelektrstansiyalari kaskadi» УҚ	200796373
72	«Toshkent issiqlik elektr stansiya» АЖ	200605388
73	«Toshkent issiqlikelektrmarkazi» АЖ	200624673
74	«Toshkentvino kombinati» АЖ	200547634
75	«Unitel» МЧЖ	201838002
76	«Universal mobile systems» МЧЖ	303020732
77	«Uzauto motors» АЖ	200244767
78	«Uzauto trailer» МЧЖ	302320834
79	«Uzbat» АЖ	200987017
80	«Uzbekistan airways» АЖ	306628114
81	«Uzbekistan airways technics» МЧЖ	200640797
82	«Uzbekistan GTL» МЧЖ	207041936
83	«VL Galperin nomidagi Toshkent truba zavodi» МЧЖ	200897524
84	«Yangi Angren issiqlik elektr stansiyasi» АЖ	200595838
85	«Jizzakh petroleum» МЧЖ	304936120
86	«Худудгазтаъминот» АЖ	306605769
	32 та тижорат банклари	

ЎзР Президентининг  
2020 йил 30 декабрдаги ПҚ-4938-сон қарорига  
9-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ ЎЗ КУЧИНИ  
ЙЎҚОТГАН ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИЛАЁТГАН АЙРИМ ҲУЖУМЛАРИ  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг 6-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг 37-илоvasи 29-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3802-сон «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 10-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сон «Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 6-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга

бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги қарори 33-илоvasининг 10-банди «б» кичик банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 октябрдаги ПҚ-4470-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда боғхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3818-сон қарорига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори иловасининг 2-банди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 июлдаги ПҚ-4397-сон «Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 11-банди ва 9-илоvasи.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сон «Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 14-банди.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 апрелдаги ПҚ-4665-сон «Тамаки маҳсулотлари бозорини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 3-банди ва иловаси.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 июндаги ПҚ-4739-сон «Ташқи иқтисодий фаолиятни янада тартибга солиш ва автотранспорт воситаларининг ички бозорини ривожлантиришни рағбатлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 17 сентябрдаги 273-сон «Умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташувчилар фаолиятини ҳамда уларни молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорининг 1-1-банди.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 октябрдаги 812-сон «Ўзбекистон Республикаси

Молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги солиқ низоларини судга ҳал қилиш кенгаши фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 октябрдаги 643-сон «Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташувчилар фаолиятини ҳамда уларни молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 17 сентябрдаги 273-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарорига илованинг 1-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**ЖАҲОН БАНКИ ИШТИРОКИДА «ЎЗБЕКИСТОНДА ШАФФОФ ВА  
КЕНГ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СИЁСАТИНИ  
ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ» ЛОЙИХАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, бюджет, базавий инфратузилма ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ташқи ёрдам маблағларини жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 22 апрелдаги ПҚ-4691-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

а) 2020 йил 16 декабрда Жаҳон банки иштирокида «Ўзбекистонда шаффоф ва кенг бозор иқтисодиётига ўтишни ривожлантириш сиёсатини қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини (кейинги ўринларда – лойиҳа) амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳамда Жаҳон банки ўртасида бюджетни қўллаб-қувватлаш бўйича қуйидагиларни назарда тутуви қарз битими ва молиявий битим имзоланганлиги:

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкнинг (кейинги ўринларда – ХТТБ) 10,5 йил муддатга, шу жумладан, 5 йиллик имтиёзли даври билан, 250,0 миллион АҚШ доллари;

Халқаро тараққиёт уюшмасининг (кейинги ўринларда – ХТУ) 30 йил муддатга, шу жумладан, 5 йиллик имтиёзли даври билан:

165,0 миллион АҚШ доллари миқдоридagi имтиёзли;

85,0 миллион АҚШ доллари миқдоридagi имтиёзсиз қарзни жалб этиш;

б) ХТТБ ва ХТУ томонидан ажратиладиган қарзлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети харажатларини молиялаштириш учун йўналтирилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Жаҳон банки иштирокида «Ўзбекистонда шаффоф ва кенг бозор иқтисодиётига ўтишни ривожлантириш сиёсатини қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш доирасида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки томонидан ажратиладиган қарзни қайтариш, фозиз ва воситачилик ҳақи бўйича тўловларни амалга оширишнинг прогноз жадвали 1-иловага\*\*;

Жаҳон банки иштирокида «Ўзбекистонда шаффоф ва кенг бозор иқтисодиётига ўтишни ривожлантириш сиёсатини қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш доирасида Халқаро тараққиёт уюшмаси томонидан ажратиладиган

имтиёзли қарзни қайтариш, фозиз, хизмат кўрсатганлик ва воситачилик ҳақи бўйича тўловларни амалга оширишнинг прогноз жадвали 2-иловага\*\*;

Жаҳон банки иштирокида «Ўзбекистонда шаффоф ва кенг бозор иқтисодиётига ўтишни ривожлантириш сиёсатини қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш доирасида Халқаро тараққиёт уюшмаси томонидан ажратиладиган имтиёзсиз қарзни қайтариш, фозиз ва воситачилик ҳақи бўйича тўловларни амалга оширишнинг прогноз жадвали 3-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги лойиҳанинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш, ХТТБ ва ХТУ томонидан ажратиладиган қарздан мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан маъсул ижро этувчи орган ҳисобланади;

ХТТБ ва ХТУ томонидан ажратиладиган қарзларни қайтариш, фозиз, хизмат кўрсатганлик ва воситачилик ҳақи бўйича тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. ХТТБ ва ХТУ қарзлари учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банкда ҳар бир қарз шартномаси бўйича алоҳида ҳисобварақ очсин ва жалб қилинган қарзларни Молия вазирлиги Газначилигининг чет эл валютасидаги ягона газна ҳисобварағига кўчирсин.

5. Маъмур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А.Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А.Ишметов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири  
А.АРИПОВ.**

Тошкент ш.,  
2020 йил 30 декабрь  
816-сон.

\*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълол қилинган ва 31.12.2020 йилдан кучга кирди.

\*\*Ушбу қарорга 1–3-шловалар «СБХ»да берилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ТАШҚИ САВДО ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ЭКСПОРТНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ ТОМОНИДАН ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИ ТАШКИЛОТЛАРГА МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва сугурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 24 майдаги ПҚ-4337-сон қарорига мувофиқ экспорт фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш ва соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан экспорт қилувчи ташкилотларга молиявий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низоми иловага мувофиқ тасдиқлансин:

экспорт қилувчи ташкилотларга молиявий ёрдам кўрсатишнинг асосий йўналишлари;

молиявий ёрдам олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар;

экспорт қилувчи ташкилотларнинг аризаларини кўриб чиқиш тартиби;

мақсадли молиявий ёрдам йўналишлари ва предмети;

молиявий ёрдам миқдори ва шартлари;

молиявий ёрдам кўрсатишни рад этиш тартиби;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағлар ажратиш ва улардан фойдаланиш тартиби.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан экспорт қилувчи ташкилотларга молиявий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида» 2019 йил 11 сентябрдаги 756-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой мuddатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.Умурзаков зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири  
А.АРИПОВ.*

*Тошкент ш.,  
2020 йил 31 декабрь  
826-сон.*

*ЎзР ВМнинг 2020 йил 31 декабрдаги 826-сон қарорига  
ИЛОВА*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ТАШҚИ САВДО ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ЭКСПОРТНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ ТОМОНИДАН ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИ ТАШКИЛОТЛАРГА МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

### 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низоми Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан экспорт қилувчи ташкилотларга экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида молиявий ёрдам кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**бизнес-тренинг** – маълум бир йўналишда тадбиркорлар, уларнинг ходимларининг (ишчиларининг) билим ва кўникмаларини хамда фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган ўқитиш шакли, шу жумладан, онлайн ўқитиш шакли;

**бизнес-форум** – бизнес вакилларининг маълум бир йўналиш, соҳа ва тармоқдаги бизнес масалаларини муҳокама қилишга бағишланган йиғилиши, шу жумладан, онлайн йиғилиши;

**кўргазма-ярмарка тадбирлари** – хорижда ва Ўзбекистон Республикасида ташкил этиладиган халқаро, минтақалараро, ҳудудлараро кўргазмалар, конференциялар, фестиваллар, ярмаркалар ва тадбиркорлик субъектларининг экспорт имкониятларини ривожлантиришга қаратилган бошқа тадбирлар, шу жумладан, онлайн тадбирлар;

**бизнес-семинарлар** – тадбиркорлик фаолиятига оид тажриба, билим ва маълумотлар билан алмашиш мақсадида ўтказиладиган интерфаол ўқув-амалий тадбир шакли, шу жумладан, онлайн интерфаол ўқув-амалий тадбир шакли;

**экспорт қилувчи ташкилотлар** – Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган ва экспорт фаолиятини амалга ошираётган ёки уни бошлаш истагидаги тадбиркорлик субъектлари;

**реклама кампанияси (тақдимот)** – маълум бир даврга ва бозорга мўлжалланган, экспорт ҳажмини ошириш бўйича маркетинг мақсадларига эришишга, хусусан, махсулотлар (хизматлар) билан таништириш, уларни тақлиф этиш ва хариддорларни жалб қилишга қаратилган кенг қамровли тадбирларни амалга ошириш;

**стандартлар** – стандартлаш бўйича ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган халқаро (давлатлараро, минтақавий) стандартлар ҳамда хорижий давлатларнинг миллий стандартлари;

**мувофиқлик сертификати** – сертификатланган махсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун сертификатлаштириш тизими қоидаларига биноан берилган ҳужжат;

**савдо миссиялари** – экспорт қилувчи ташкилотлар билан салоҳиятли хорижий хариддорлар ўртасида шериклик

\*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) зълон қилинган ва 31.12.2020 йилдан кучга кирди.

алоқаларини ўрнатиш, шунингдек, маҳсулот тақдимотларини ўтказиб, салоҳиятли хорижий харидорлар билан келгусида тузилладиган экспорт шартномаларининг шартларини муҳокама қилиш ва шартномалар тузиш мақсадида ташкил этиладиган тадбирлар.

3. Агентлик томонидан экспорт қилувчи ташкилотларга молиявий ёрдам кўрсатишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

а) стандартларни жорий қилиш ва мувофиқлик сертификатларини олиш;

маҳаллий маҳсулотлар ва брендларни (товар белгиларини) ташқи бозорларга олиб чиқиш мақсадида тақдимотлар ва реклама кампанияларини ўтказиш;

халқаро тендер ва танловларда иштирок этиш;

хорижий ваколатли органларда миллий маҳсулотлар ва брендларни (товар белгиларини) рўйхатдан ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида тадбиркорлар учун экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида маҳаллий ва хорижий компанияларни, мутахассисларни жалб қилган ҳолда бизнес-семинарлар, тренинглар, савдо миссиялари ва бизнес-форумлар ташкил этиш;

хорижий мамлакатлардаги бизнес-семинарлар, тренинглар, савдо миссиялари ва бизнес-форумларда иштирок этиш;

кўرғазма-ярмарка тадбирларида иштирок этиш;

маҳсулотлар намуналарини таништириш мақсадида хорижий харидорларга, экспорт қилувчи ташкилотларнинг ташқи савдо уйлари ва шоу-румларига, шу жумладан, харидор топишда кўмак олиш учун Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналарига юбориш.

Бунда экспорт қилувчи ташкилотларнинг вакили қатнашиши талаб этиладиган йўналишларда кўрсатиладиган молиявий ёрдам экспорт қилувчи ташкилотларнинг бир нафар вакили ҳисобга олинган ҳолда қоллаб берилади.

4. Экспорт қилувчи ташкилотларга молиявий ёрдам ушбу Низомга 1-иловада\*\* келтирилган схемага мувофиқ кўрсатилади.

## 2-БОБ. МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ ОЛИШ УЧУН ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ҲУЖАТЛАР

5. Молиявий ёрдам олиш учун экспорт қилувчи ташкилотлар томонидан Агентликка ушбу Низомга 2 ва 3-иловаларда\*\* келтирилган шаклларга мувофиқ ариза ва бюрократнома-анкета тўлдирилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан биргаликда тақдим этилади:

а) стандартларни жорий қилиш ва мувофиқлик сертификатларини олиш йўналишларида:

стандарт (сертификат) жорий қилиш (олиш) режалаштирилган маҳсулот, жой, объект (ер) майдони ҳажми, ишловчилар сони, ишлаб чиқариш қувватлари тўғрисида маълумотнома;

экспорт қилувчи ташкилотларнинг ихтиёрига кўра товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериувчилар билан тўғридан-тўғри шартнома тузилиб, стандартлар жорий қилинган ва (ёки) мувофиқлик сертификатлари олинган ҳолатларда, харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар (шартнома, ҳисоб-фактура, далолатнома, тўлов топшириги нусхалари);

б) маҳаллий маҳсулотлар ва брендларни (товар белгиларини) ташқи бозорларга олиб чиқиш мақсадида тақдимотлар ва реклама кампанияларини ўтказиш, кўрғазма-ярмарка тадбирларида иштирок этиш ҳамда бизнес-семинарлар, тренинглар, савдо миссиялари ва бизнес-форумларда иштирок этиш

йўналишларида – маҳсулотларнинг тақдимот материаллари, тарқатма материаллар (тақдимот, видеоролик, брошюра, буклет, таширф қоғози ва бошқалар – экспорт қилувчи ташкилот танловига кўра);

в) халқаро тендер ва танловларда иштирок этиш ҳамда хорижий ваколатли органларда миллий маҳсулотлар ва брендларни (товар белгиларини) рўйхатдан ўтказиш йўналишларида – экспорт қилувчи ташкилотларнинг, уларнинг маҳсулотлари ва брендларининг (товар белгиларининг) тендер, танлов ёки хорижий ваколатли орган талабларига мувофиқ келиши бўйича солиштирма жадвал шаклидаги маълумот;

г) маҳсулотлар намуналарини таништириш мақсадида хорижий харидорларга, экспорт қилувчи ташкилотларнинг ташқи савдо уйлари ва шоу-румларига, шу жумладан, харидор топишда кўмак олиш учун Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналарига юбориш йўналишида – маҳсулотларнинг техник кўрсаткичлари, ишлаб чиқариш қувватларидан келиб чиққан ҳолда етказиб бериш имкониятлари ва шартларини ўзида акс эттирган инглиз, рус ёки экспорт қилувчи ташкилотнинг ихтиёрига кўра бошқа зарур хорижий тилда тайёрланган тўғриват тақлифлари.

Қайта ташкил этиш, банкротлик ва (ёки) тугатиш ҳолатидаги Экспорт қилувчи ташкилотларнинг аризалари кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

6. Экспорт қилувчи ташкилотлардан ушбу Низомнинг 5-бандида назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

7. Экспорт қилувчи ташкилотлар томонидан ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар Агентликка бевосита, почта алоқа воситаси орқали ёки электрон шаклда, шу жумладан, Ташқи иқтисодий маълумотлар портали орқали тақдим этилади.

8. Экспорт қилувчи ташкилотлар томонидан ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар Агентликка бевосита тақдим қилинганда, аризанинг нухаси дарҳол ҳужжатлар қабул қилинган сана белгиси билан экспорт қилувчи ташкилотга берилади.

9. Тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги учун жавобгарлик экспорт қилувчи ташкилотларга юкланади.

## 3-БОБ. ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ АРИЗАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

10. Ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар Агентлик томонидан ариза қабул қилинган кундан бошлаб 7 иш кунли давомида кўриб чиқилади.

11. Агентлик аризани унга илова қилинадиган ҳужжатлар билан биргаликда белгиланган тартибда рўйхатга олади.

12. Агентлик тақдим этилган ҳужжатлар ва уларда кўрсатиш маълумотларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги, молиявий ёрдам кўрсатиш йўналишлари, шартлари ва мақсадларига ҳамда молиявий ёрдам миқдорининг ушбу Низом 18-бандида белгиланган юқори чегараларга, шунингдек, экспорт операциялари бўйича мавжуд мuddати ўтган қарздорликнинг мазкур Низомда белгиланган миқдорларга мувофиқлиги нўқтани назардан кўриб чиқади.

Бунда экспорт қилувчи ташкилотларнинг экспорт операциялари бўйича мuddати ўтган дебитор қарздорлиги миқдори (дебитор қарздорлигини ундириш бўйича суд қарори мавжуд бўлган дебитор қарздорлик миқдори бундан мустасно) сўнгги 12 ойда амалга оширилган экспорт ҳажмининг 30 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

\*\*Ушбу Низомга 1–3-иловалар «СБХ»да берилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтда танишиш мумкин.

13. Молиявий ёрдам тўғрисидаги қарор Агентлик томонидан қабул қилинади.

Агентлик 1 иш куни давомида почта алоқа воситаси орқали ёки электрон шаклда, шу жумладан, Ташқи иқтисодий маълумотлар портали орқали қабул қилинган қарор тўғрисида экспорт қилувчи ташкилотларга билдиришнома юборади.

Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва молиявий ёрдам бериш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш учун йигим ундирилмайди.

14. Агентлик молиявий ёрдам кўрсатиш белгиланган аризалар бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ётказиб берувчилар билан шартномалар тузиш тадбирларини (тендер, конкурс ва бошқалар) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва мuddатларда амалга оширади.

15. Молиявий ёрдам ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинганда, тўловлар Агентлик томонидан белгиланган тартибда тузилган шартномаларга мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) ётказиб берувчиларнинг банк ҳисобварағига, амалга оширилган харажатлар бўйича эса – қарор қабул қилинган кундан бошлаб 5 иш куни ичида экспорт қилувчи ташкилотларнинг банк ҳисобварағига ўтказиб берилади.

16. Агентлик томонидан ўтказиладиган мониторинг натижаларига кўра Агентлик билан экспорт қилувчи ташкилотлар ва товарлар (ишлар, хизматлар) ётказиб берувчилар ўртасида тузилган шартнома ижроси шартномада кўрсатилган мuddатларда таъминланмаганлиги аниқланган тақдирда, тегишли маблағлар Агентлик томонидан юборилган ёзма билдиришнома қабул қилинган санадан бошлаб 10 иш куни давомида айбдор томонидан қайтарилши керак.

Экспорт қилувчи ташкилотлар, товарлар (ишлар, хизматлар) ётказиб берувчилар ва Агентлик ўртасида тузилган шартнома шартларининг бузилиши билан боғлиқ низолар суд тартибда ҳал этилади.

#### **4-БОБ. МАҚСАДЛИ МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ПРЕДМЕТИ**

17. Молиявий ёрдам қуйидагилар билан боғлиқ харажатларни тўлаб бериш учун кўрсатилади:

1) стандартларни жорий қилиш ва мувофиқлик сертификатларини олиш йўналишида:

стандартларни жорий қилиш ва мувофиқлик сертификатларини олиш;

республикада ва хорижда маҳсулотларни сертификатлаш;

мувофиқликни баҳолаш;

омолоғация;

республикада ва хорижда халқаро стандартлаш ва сертификатлаш тизимларини жорий этиш талабларини ишлаб чиқиш;

маҳсулот намуналарини хорижда ва (ёки) Ўзбекистон Республикасидаги лабораторияларда текшириш, синовдан ўтказиш, хулосалар олиш, хориждаги лабораторияларга маҳсулот намуналарини ётказиб бериш, сақлаш ва (ёки) йўқ қилиш, шу жумладан, хорижий харидорларнинг талабларини бажариш ва экспорт шартномалари ижросини таъминлаш;

2) маҳаллий маҳсулотлар ва брендларни (товар белгиларини) ташиқ бозорларга олиб чиқиш мақсадида тақдимотлар ва реклама кампаниялари ўтказиш йўналишида:

реклама баннерлари, интерактив ва ёруғлик диодли кўча экранларини, шу жумладан, аэропорт терминалларида ўрнатиш, тарқатма материалларни тайёрлаш;

қидирув машиналари асосида сайтни оптималлаштириш хизматларидан фойдаланиш (Search Engine Optimization – SEO);

қидирув маркетингини ўтказиш (Search Engine Marketing – SEM);

материалларни жамоатчилик ҳамжамиятлар, форумлар, ижтимоий тармоқлар, шу жумладан, ҳештеггинда нашр этиш орқали ижтимоий хизматларда сайтни тарғиб қилиш;

рақамли рекламани тайёрлаш ҳамда хорижий телевидение ва радиода, ижтимоий тармоқлар, мобил иловалар, мессенжерлар, онлайн ўйинларда жойлаштириш, шунингдек, чет элдаги газеталарда, бизнес журналларда ва каталогларда нашр қилиш;

маҳсулот ва хизматларни халқаро электрон савдо майдончаларига, шу жумладан, уларда рўйхатдан ўтиш ва аъзо бўлиш орқали жойлаштириш;

3) халқаро тендер ва танловларда иштирок этиш йўналишида:

рўйхатта олиш йигимларини тўлаш;

тендер ҳужжатларини олиш;

4) хорижий ваколатли органларда маҳаллий маҳсулотлар ва брендларни (товар белгиларини) рўйхатдан ўтказиш йўналишида:

рўйхатдан ўтказиш учун тўловлар;

рўйхатдан ўтказилиши зарур бўлган маҳсулотлар ва брендлар (товар белгилари) ҳужжатлари ва намуналарини тегишли хорижий ваколатли органларга ётказиб бериш;

рўйхатдан ўтказишда хорижий давлатдаги ташкилотлардан талаб этиладиган қўшимча ҳужжатларни олиш;

5) Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида тадбиркорлар учун экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида маҳаллий ва хорижий компанияларни, мутахассисларни жалб қилган ҳолда бизнес-семинарлар, тренинглар, савдо миссиялари ва бизнес-форумлар ташкил этиш йўналишида:

биноларни ижарага олиш;

техник таъминот;

қўшимча ускуналарни ўрнатиш ва демонтаж қилиш;

ўтказиладиган тадбир ҳақида ахборотни тарқатиш мақсадида оммавий ахборот воситаларининг хизматларидан фойдаланиш;

хорижий компаниялар ва (ёки) мутахассислар (мураббийлар) хизматларидан фойдаланиш (хизмат ҳақи, уй ижараси, меҳмонхона тўлови, транспорт харажатлари, вакиллик харажатлари, эсдалик совғалар учун харажатлар);

таржимонлик хизмати;

ахборот-тақдимот материаллари, буклетлар тайёрлаш;

кофе-брейкларни ташкил қилиш;

маҳаллий тадбиркорларни жалб қилиш, уларнинг иштирокини таъминлаш (транспорт харажатлари);

аутсорсинг хизматларидан фойдаланиш;

6) хорижий мамлакатлардаги бизнес-семинарлар, тренинглар, савдо миссиялари ва бизнес-форумларда иштирок этиш йўналишида:

бизнес-семинарлар, тренинглар ва форумларда иштирок этиш (қатнашиш тўлови, транспорт харажати – эконом класс учун, меҳмонхона харажати – стандарт номер учун);

савдо миссияларини ташкил этиш (транспорт ва меҳмонхона харажатлари, хорижий компаниялар, мутахассисларнинг хизмат ҳақи, бинони ижарага олиш, техник таъминот, ахборот-тақдимот материалларини тайёрлаш, эсдалик совғалари олиш, кофе-брейклар ташкил этиш, вакиллик харажатлари, аутсорсинг хизматларидан фойдаланиш, делегацияга чет элда ҳамроҳлик қилиш бўйича хизматлар ҳақи, учрашув, трансфер, кузатиш, таржимон, гид хизматлари ва бошқалар);

7) кўргазма-ярмарка тадбирларида иштирок этиш йўналишида (экспорт қилувчи ташкилотлар алоҳида ўзи шахсан ижарага олган майдонда қатнашган ҳолатлардан ташқари):

рўйхатта олиш йигимлари;

кўргазма майдонларини (шу жумладан, стендларни жойлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда) ҳамда кўргазма стенди ва хиҷозларини ижарага олиш;

стендларни ишлаб чиқариш, монтаж ва демонтаж қилиш, қўшимча кўرғазма ускуналари ва мебелларни ижарага олиш, фриз ёзуви хизмати, стенд дизайнини яратиш, аутсорсинг хизматлари;

электр таъминоти манбаларига улашиш, шу жумладан, электр энергиясидан фойдаланиш;

маҳсулотлар намуналари ва бошқа кўрғазма экспонатларини хорижий давлатдаги кўрғазма-ярмарка тадбирлари майдонига етказиб бериш ва Ўзбекистон Республикасига қайтариб олиб келиш;

қўшимча кўрғазма хизматларидан фойдаланиш (стендни тозалаш, қўриқлаш, алоқа воситаларини улаш ва бошқалар);

саложиятли импорт қилувчи харидорларни топиш учун ихтисослашган хорижий компаниялар хизматларидан фойдаланиш;

тақдимот материаллари, тарқатиш учун материаллар (брошюралар, ташриф қоғозлари, буклетлар ва бошқалар) тайёрлаш;

8) маҳсулотлар намуналарини таништириш мақсадида хорижий харидорларга, экспорт қилувчи ташкилотларнинг ташқи савдо уйлари ва шоу-румларига, шу жумладан, харидор топишда кўмак олиш учун Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналарига юбориш йўналишида;

маҳсулот намуналарини почта ва курьерлик хизматларидан фойдаланган ҳолда етказиб бериш ва Ўзбекистон Республикасига қайтариб олиб келиш;

маҳсулот намуналарини транспорт компаниялари хизматларидан фойдаланган ҳолда етказиб бериш ва Ўзбекистон Республикасига қайтариб олиб келиш;

маҳсулот намуналарини хорижий давлатда импортга расмийлаштириш (хорижий давлат қонунчилигига мувофиқ намуна сифатида юборилган маҳсулотларни импорт қилишда тўловлар ундирилиши белгиланган ҳолларда).

#### 5-БОБ. МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ МИҚДОРИ ВА ШАРТЛАРИ

18. Агентлик томонидан бериладиган молиявий ёрдам ушбу Низомнинг 17-бандида кўрсатилган йўналишларга мувофиқ қуйидаги миқдорларда тақдим этилади:

стандартларни жорий қилиш ва мувофиқлик сертификатларини олиш йўналишида – 100 фоиз, лекин битта халқаро стандартни жорий қилиш ва сертификатни олиш учун 20 000 АҚШ долларидан кўп бўлмаган миқдорда. Экспорт қилувчи ташкилотларнинг ихтиёрига кўра товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериувчилар билан тўғридан-тўғри шартнома тузилиб, стандартлар жорий қилинган ва (ёки) мувофиқлик сертификатлари олинган ҳолатларда, шартнома қўйратининг 80 фоизи, лекин ушбу йўналиш учун белгиланган сумманинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда молиявий ёрдам кўрсатилади;

маҳаллий маҳсулотлар ва брендларни (товар белгиларини) ташқи бозорларга олиб чиқиш мақсадида тақдимотлар ва реклама кампаниялари ўтказиш йўналишида – 100 фоиз миқдорда, лекин бир экспорт қилувчи ташкилот учун бир календарь йилида 20 000 АҚШ долларидан кўп бўлмаган миқдорда;

халқаро тендер ва танловларда иштирок этиш йўналишида – 100 фоиз миқдорда;

хорижий ваколатли органларда маҳаллий маҳсулотлар ва брендларни (товар белгиларини) рўйхатдан ўтказиш йўналишида – 100 фоиз, лекин бир экспорт қилувчи ташкилот учун 10 000 АҚШ долларидан кўп бўлмаган миқдорда;

хорижий мамлакатлардаги бизнес-семинарлар, тренинглар ва бизнес-форумларда иштирок этиш, хорижий давлатларга савдо миссиялари ташкил этиш, шу жумладан, бундай тад-

бирларни Ўзбекистон Республикасида ташкил этиш йўналишида – 100 фоиз миқдорда ҳақиқий харажатлар бўйича;

кўрғазма-ярмарка тадбирларида иштирок этиш йўналишида – 100 фоиз миқдорда Агентликнинг ҳақиқий харажатлари бўйича чекланмаган миқдорда. Кўрғазма-ярмарка тадбирларида ўз маблаг ҳисобидан иштирок этган тадбиркорларнинг харажатлари Агентлик томонидан қўлаб берилмайди;

маҳсулотлар намуналарини таништириш мақсадида хорижий харидорларга, экспорт қилувчи ташкилотларнинг ташқи савдо уйлари ва шоу-румларига, шу жумладан, харидор топишда кўмак олиш учун Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналарига юбориш йўналишида – 100 фоиз миқдорда, лекин бир экспорт қилувчи ташкилот учун бир календарь йилида жами 2 000 АҚШ долларидан кўп бўлмаган миқдорда.

Бунда тўловлар Агентлик томонидан тузиладиган шартномаларга асосан товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериувчи тегишли ташкилотларга тўғридан-тўғри амалга оширилади.

Мазкур банднинг иккинчи хатбошига мувофиқ экспорт қилувчи ташкилотлар томонидан тўловлар амалга оширилган ҳолатларда, хорижий валютадаги харажатлар бўйича кўрсатиладиган молиявий ёрдам миқдори экспорт қилувчи ташкилотлар тўловларни амалга оширган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада ҳисобланади.

#### 6-БОБ. МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ КўРСАТИШНИ РАД ЭТИШ ТАРТИБИ

19. Қуйидагилар молиявий ёрдам кўрсатишни рад этиш учун асос бўлади:

экспорт қилувчи ташкилотлар томонидан мазкур Низомга мувофиқ белгиланган ҳужжатларни тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганлиги;

экспорт қилувчи ташкилотлар томонидан сўралаётган молиявий ёрдамнинг мазкур Низомда белгиланган тартиб ва талабларга номувофиқлиги;

экспорт операциялари бўйича мuddати ўтган дебитор қарздорлик мавжудлиги (экспорт қилувчи ташкилотларнинг экспорт операциялари бўйича мuddати ўтган дебитор қарздорлиги миқдори сўнгги 12 ойдаги экспорт ҳажмининг 30 фоиздан ортиқ бўлмаган ва дебитор қарздорлигини ундириш бўйича суд қарори мавжуд бўлган ҳолатлар бундан мустасно);

экспорт қилувчи ташкилотлар тақдим этган ҳужжатларда ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги.

20. Бошқа сабабларга кўра молиявий ёрдам кўрсатишни рад этишга йўл қўйилмайди.

21. Рад этиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, Агентлик бир иш кўни давомида экспорт қилувчи ташкилотларга Агентликнинг мансабдор шахслари томонидан имзоланган рад этиш сабаблари, шунингдек, экспорт қилувчи ташкилотлар кўрсатилган сабабларни бартараф этган ҳолда ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун топшириш мuddати кўрсатилган ҳолда асосли хулосаси юборади.

22. Экспорт қилувчи ташкилотлар молиявий ёрдам кўрсатишни рад этиш учун асос бўлган сабабларни бартараф этиб, белгиланган мuddатда ушбу Низомда назарда тутилган ҳужжатларни, шу жумладан, рад этишнинг илгари кўрсатилган сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун Агентликка топшириш ҳуқуқига эга.

23. Экспорт қилувчи ташкилот белгиланган мuddатда молиявий ёрдам кўрсатишни рад этиш учун асос бўлган сабабларни бартараф этган тақдирда, ҳужжатлар Агентлик томонидан рад этилган сабабларни бартараф этиш учун

ариза олинган кундан бошлаб уч иш кунидан кўп бўлмаган муддатда қайта кўриб чиқилади.

24. Аризани қайта кўриб чиқишда Агентлик томонидан рад этишнинг илгари ёзма равишда айтилмаган сабабларини кўрсатишга йўл қўйилмайди, илгари кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари бундан мустасно.

25. Белгиланган муддатдан кейин берилган ҳужжатлар янги топширилган деб ҳисобланади ва умумий асосларда кўриб чиқилади.

26. Экспорт қилувчи ташкилотлар молиявий ёрдам кўрсатишни рад этиш тўғрисидаги қарор, шунингдек, Агентликнинг мансабдор шахслари ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

### 7-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН МАБЛАГЛАР АЖРАТИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

27. Экспорт қилувчи ташкилотларга харажатларни қоплаш бўйича кўрсатиладиган молиявий ёрдам билан боғлиқ Агентликнинг харажатлари Агентлик учун назарда тутилган бюджет маблағлари доирасида амалга оширилади.

Молиявий йил давомида тадбиркорлик субъектларининг тақдим этган аризаларига мувофиқ молиялаштириш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда, тасдиқланган базавий сметага ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

28. Ҳар бир молиявий йил бошида Ўзбекистон Республи-

каси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 20 декабрдаги ПҚ-4069-сон қарорига мувофиқ Агентликнинг тасдиқланган смета бўйича буюртманомаси олинган кундан бошлаб уч банк иш куни мобайнида Агентликни молиялаштиради.

29. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида харажатлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ молиялаштирилади.

30. Хориждаги шартномалар бўйича харажатлар Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг чет эл валютасидаги маблағларини самарали бошқариш тўғрисида» 2020 йил 23 майдаги 329-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

31. Молия йили якуни бўйича Агентлик шахсий ёзма ҳисобварағида фойдаланилмай қолган бюджет маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилади.

### 8-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОЙДАЛАР

32. Ушбу Низом қоидаларини бузган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

33. Бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш учун жавобгарлик Агентликка юкланади.

34. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги экспорт қилувчи ташкилотларга ушбу Низомга мувофиқ молиявий ёрдам кўрсатиш бўйича Агентлик фаолиятининг самардорлигини мониторинг қилади.

Низомга  
1-ИЛОВА

## ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИ ТАШКИЛОТЛАРГА МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ СХЕМАСИ

Босқичлар	Масъул ижрочилар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-Босқич	Экспорт қилувчи ташкилотлар	Ариза, буюртманома-анкета ва бошқа зарур ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда тўғридан-тўғри, почта алоқа воситаси орқали ёки электрон шаклда, шу жумладан, Ташқи иқтисодий маълумотлар портали орқали тақдим этиш.	Экспорт қилувчи ташкилотларнинг ихтиёрига кўра
2-Босқич	Экспортни рағбатлантириш агентлиги	Аризаларни кўриб чиқиш ва молиявий ёрдам кўрсатиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш.	Ариза қабул қилинган кундан бошлаб 7 иш куннда
3-Босқич	Экспортни рағбатлантириш агентлиги	Экспорт қилувчи ташкилотларга қабул қилинган қарор тўғрисида билдиришнома юбориш. Молиявий ёрдам кўрсатиш белгиланган аризалар бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалар тузиш тадбирларини (тендер, конкурс ва бошқалар) амалга ошириш.	Қарор қабул қилинган кундан бошлаб 1 иш куннда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда
4-Босқич	Экспортни рағбатлантириш агентлиги	Молиявий ёрдам кўрсатиш бўйича тўловларни амалга ошириш: а) Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан белгиланган тартибда тузилган шартномалар бўйича; б) амалга оширилган харажатлар бўйича.	Шартномада белгиланган муддатда Қарор қабул қилинган кундан бошлаб 5 иш куни ичида
5-Босқич	Экспортни рағбатлантириш агентлиги	Экспортни рағбатлантириш агентлиги билан экспорт қилувчи ташкилот ва товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчи ўртасида тузилган шартнома ижросини мониторинг қилиш.	Доимий равишда

## КОРРУПЦИЯГА ОИД ХУҚУҚБУЗАРЛИК ҲАҚИДА ХАБАР БЕРГАН ЁКИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШГА БОШҚА ТАРЗДА КЎМАКЛАШГАН ШАХСЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА\*

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шунингдек, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ва коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш асослари ва турларини, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш масаласини қўриб қиқиш тартибини назарда тутувчи Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А.Кўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири  
А.АРИПОВ.

Тошкент ш.,  
2020 йил 31 декабрь  
829-сон.

ЎЗР ВМнинг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарорига  
ИЛОВА

## КОРРУПЦИЯГА ОИД ХУҚУҚБУЗАРЛИК ҲАҚИДА ХАБАР БЕРГАН ЁКИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШГА БОШҚА ТАРЗДА КЎМАКЛАШГАН ШАХСЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

### 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2018 йил 8 январдаги 15-сон қарори талаблари ушбу Низом билан тартибга солинадиган муносабатларга татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахслар – фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг ёхуд давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчиси;

коррупцияга қарши курашишда фаол иштирок этиш – тайёргарлик қўрилаётган, содир этилаётган ёки содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар бериш ёхуд коррупцияга оид жиноятларни содир этганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ қидирув эълон қилинган шахсларни топширишда фаол иштирок этиш;

коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашиш – коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш ва уни фош этишда аҳамиятга эга бўлган далиллар ҳақида ҳуқуқ-

ни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш ёки бундай тоифадаги жиноятларни тергов қилиш ёхуд тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда бевосита кўмаклашиш;

коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар – Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 61<sup>1</sup>, 193<sup>1</sup> ва 193<sup>2</sup>-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар;

коррупцияга оид жиноятлар – Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 167-моддасининг иккинчи қисми «г» банди, 168-моддасининг учинчи қисми «в» банди, 192<sup>1</sup>, 205, 209–214-моддалари, 243-моддасида назарда тутилган жиноятларни мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиш ҳамда 301-моддасида кўрсатилган жиноятлар;

коррупцияга оид жиноятларни аниқлаш ва фош этиш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбирларини ҳамда процессуал ҳаракатларни амалга оширувчи органлар (кейинги ўринларда – коррупцияга қарши курашувчи органлар) – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат ҳавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридagi Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти.

4. Қуйидагилар коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантиришнинг (кейинги ўринларда – рағбатлантириш) асосий вазифалари ҳисобланади:

жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш ҳамда ушбу соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш;

коррупцияга оид жиноятларнинг барвақт профилактикасини таъминлаш, бунга имкон бераётган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва барқарор этиш;

\*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 31.12.2020 йилдан кучга кирди.

аҳолининг коррупцияга қарши курашишдаги фаоллигини янада ошириш ҳамда уларни ушбу соҳага қўшаётган ҳиссаси учун муносиб тақдирлаш.

5. Рағбатлантириш қонунийлик, адолатлилик, ҳолислик, ошқоралик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда уларнинг шахсий ҳавфсизлигини таъминлаш ва ҳошим-ҳастакларини ҳисобга олиш принциплари асосида амалга оширилади.

6. Ушбу Низом талаблари қуйидаги шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди:

мансабдор шахслар, шу жумладан, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга махфийлик асосида қўмақлашувчи шахслар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ коррупцияга оид жиноятлар ҳақида ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилган ёки коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни бевосита содир этган шахслар.

7. Рағбатлантириш бир марталик пул мукофоти, ташаккурнома ёки эсдалик совға шаклида белгиланади.

## **2-БОБ. КОРРУПЦИЯГА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ҲАҚИДА ХАБАР БЕРГАН ЁКИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШГА БОШҚА ТАРЗДА ҚЎМАҚЛАШГАН ШАХСЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ ВА ТУРЛАРИ**

8. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмақлашган шахслар қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлганда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан ўзларига нисбатан пора талаб қилган шахс ҳақида ёки ўзларига маълум бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида коррупцияга қарши курашувчи органларга хабар асосида бундай ҳуқуқбузарлик фош этилиши;

нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг ёхуд давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчиси ўзига нисбатан пора беришни таклиф этган ёки пора талаб қилган шахс ҳақида ёхуд ўзига маълум бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида коррупцияга қарши курашувчи органларга (коррупцияга қарши курашувчи органларнинг ходимлари эса бевосита ўз раҳбарига) берган хабари асосида ҳуқуқбузарлик фош этилиши;

коррупцияга оид жиноятни содир этганлиги учун қидирувда бўлган шахс тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга берилган хабар асосида қидирувдаги шахс ушланиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари бундан мустасно.

9. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмақлашган шахслар қуйидаги миқдордаги бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

а) коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида берилган хабар учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорига;

б) пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилган (ўзлаштирилган) мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача бўлса;

ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноят учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорига;

унча оғир бўлмаган жиноят учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг етти баравари миқдорига;

оғир жиноят учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорига;

ўта оғир жиноят учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорига;

в) пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилган (ўзлаштирилган) мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлса;

ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноят учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорига;

унча оғир бўлмаган жиноят учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорига;

оғир жиноят учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорига;

ўта оғир жиноят учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдорига;

г) пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилган (ўзлаштирилган) мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан кўп бўлса, қуйидаги фоиз ҳисобида ҳисобланади:

анча миқдор учун – пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилган (ўзлаштирилган) мулк қийматининг ўн беш фоизи миқдорига;

кўп ёки жуда кўп миқдор учун – пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилган (ўзлаштирилган) мулк қийматининг ўн фоизи миқдорига.

Бунда пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилган (ўзлаштирилган) мулк қийматини фоизларда ҳисоблашда қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорнинг энг кам миқдоридан келиб чиқилади;

д) қидирувда бўлган шахснинг яширинган жойи ҳақида хабар берганлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари, икки ёки ундан ортиқ қидирувда бўлган шахсларнинг яширинган жойи ҳақида бир вақтда хабар берганлиги учун эса – базавий ҳисоблаш миқдорининг етти баравари миқдорига.

10. Коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш ва уни фош этишда аҳамиятга эга бўлган далиллар ҳақида коррупцияга қарши курашувчи органларга хабар берганлик ёки бундай тоифадаги жиноятларни тергов қилиш ёхуд тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда бевосита қўмақлашганлик учун шахс ташаккурнома ёки эсдалик совға шаклида рағбатлантириш тарзида тақдирланади, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари бундан мустасно.

Эсдалик совға қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан ошмаслиги лозим.

11. Қуйидаги ҳолатларда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмақлашган шахс:

икки ва ундан ортиқ коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баравари;

хар хил таснифдаги икки ва ундан ортиқ коррупцияга оид жиноятлар ҳақида хабар берганлик учун ушбу жиноятларнинг ижтимоий ҳавфлилигидан келиб чиқиб оғирроқ таснифи бўйича бир марта;

бир хил таснифдаги икки ва ундан ортиқ коррупцияга оид жиноятлар ҳақида хабар берганлик учун бир марта;

коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят ҳақида ёхуд қидирувдаги шахс тўғрисида икки ёки ундан ортиқ шахснинг берган хабари учун маъмур Низомнинг 9 ва 11-бандларида кўрсатилган пул мукофоти миқдорининг тенг улушларида рағбатлантирилади.

12. Шахс коррупцияга қарши курашишга муносиб ҳисса қўшганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат мукофотига ҳам тасвია этилиши мумкин.

13. Қуйидаги қарорлардан бири қабул қилингандан сўнграғбатлантириш масаласи кўриб чиқилади:

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар бўйича жиноят ишлари юзасидан суднинг айблов ҳукми ёки маъмурий ишлар бўйича суднинг қарори қонуний кучга кирганда;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси биринчи қисмининг 1–3-бандлари, учинчи қисми ҳамда бешинчи қисмининг 1-банди асосида айбплик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарор прокурор томонидан тасдиқланганда ёки суднинг ажрими қонуний кучга кирганда;

қидирувдаги шахсга нисбатан қидирувнинг бекор қилинганлиги тўғрисида прокурорнинг, суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суднинг ажрими қабул қилинганда.

14. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

### **3-БОБ. КОРРУПЦИЯГА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ҲАҚИДА ХАБАР БЕРГАН ЁКИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШГА БОШҚА ТАРЗДА КЎМАКЛАШГАН ШАХСЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ**

15. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш масаласи коррупцияга қарши курашувчи органлар ҳузурда тузиладиган махсус комиссиялар томонидан кўриб чиқилади.

Бунда республика даражасидаги коррупцияга қарши курашувчи органлар рағбатлантириш тўғрисидаги тақдимнома билан республика махсус комиссиясига, уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан эса ҳудудий махсус комиссияларга чиқадилар.

16. Махсус комиссияларнинг таркиби, фаолият юритиш тартиби, раиси ва аъзоларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари коррупцияга қарши курашувчи органлар томонидан белгиланади.

17. Тақдимномага рағбатлантириш учун асос бўлувчи куйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

рўйхатдан ўтган ариза нусхаси ёки оғзаки берилган хабарни тасдиқловчи маълумотлар;

суднинг қонуний кучга кирган қарори ёки айблов ҳукми нусхаси;

қидирувни бекор қилиш ҳақида, шунингдек, айбплик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш тўғрисида чиқарилган ажрим ёки қарор нусхаси;

шахсни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларнинг шахсий ҳисобварағи бўлган банк реквизитлари.

18. Коррупцияга қарши курашувчи органларнинг рағбатлантириш бўйича тақдимномаси ва унга илова қилинган асословчи ҳужжатлар рағбатлантириш учун асос юзага келган кундан бошлаб уч иш куни ичида махсус комиссияларга тақдим этилади.

19. Махсус комиссиялар томонидан рағбатлантиришга оид ҳужжатлар олинган кундан бошлаб беш иш куни ичида тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги, асослиги ҳамда ушбу Низом талабларига риоя қилинганлиги кўриб чиқилади.

20. Рағбатлантириш учун тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ эмаслиги ҳамда ушбу Низом талабларига риоя қилинмаганлиги аниқланган тақдирда, икки иш куни ичида қайтарилади.

Қайтарилиш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилган тақдирда, тегишли ҳужжатлар ушбу Низом талаблари асосида рағбатлантириш учун қайта тақдим этилиши мумкин.

21. Рағбатлантириш бўйича махсус комиссиялар томонидан чиқарилган қарорлар уч иш куни ичида тақдимномани киритган коррупцияга қарши курашувчи органга ихро учун юборилади.

22. Махсус комиссияларнинг раислари комиссия қарори қонунийлиги, ҳолислиги ҳамда шахсларнинг шахсига оид маълумотлар ошкор этилмаслиги учун шартан жавобгар ҳисобланади.

23. Коррупцияга қарши курашувчи орган махсус комиссиянинг қарори асосида бир иш куни ичида бир марталик пул мукофоти ёки эсдалик совғаси билан тақдирлаш ҳақида қарор чиқаради.

Бир марталик пул мукофоти харажатлар сметасига ўзгартириш киритилгандан сўнг ўн иш куни ичида шахсларнинг шахсий ҳисобварағига ўтказиб берилади, эсдалик совғаси эса қонун ҳужжатларига мувофиқ совға қилинадиган буюм харид қилингандан сўнг беш иш куни ичида топирилади.

24. Ташаққурнома шаклида рағбатлантириш масаласи бевосита коррупцияга қарши курашувчи орган раҳбари томонидан кўриб чиқилади.

### **4-БОБ. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

25. Рағбатлантирилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларнинг ҳисоби коррупцияга қарши курашувчи органлар тақдим этган маълумот асосида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан юритилади.

26. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахслар, уларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида улар ҳақидаги маълумотлар қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар асосида ошкор этилиши мумкин.

27. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахслар, уларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларини ҳимоя қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

28. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш билан боғлиқ низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

29. Ушбу Низом талаблари бузилганлигида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.



## ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШ ТАРТИБИГА 2021 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ ХАБАРИ

### СОЛИҚЛАРНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТЎЛАШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ЎЗГАРИШЛАР

#### 1. Қўшилган қиймат солиғи бўйича:

1.1. Солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби, шунингдек солиқ ставкаси 15 фоиз миқдориди сақлаб қолинмоқда.

1.2. Тушум ҳажмидан қатъи назар ҚҚС тўловчи корхоналар доираси қуйидагилар ҳисобига кенгайтирилмоқда:

алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пивони чакана сотиш бўйича тургун савдо шохобчалари;  
бозор ва савдо комплекслари.

1.3. Товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмаси ойига бир миллилар сўмдан ошмайдиган солиқ тўловчилар учун солиқ даври чорак этиб белгиланмоқда. Ушбу норма 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5978-сонли Фармонида назарда тутилган эди.

1.4. Умумий фойдаланишдаги йўловчи ташиш шаҳар транспортида ва йўловчи ташиш автомобиль транспортида (такси, шу жумладан йўналишли такси бундан мустасно) йўловчиларни ташиш бўйича хизматларни қўрсатишда имтиёزلарни қўллаш тартибига ўзгаришлар киритилди. Имтиёз агар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ягона тариф ўрнатилган ва ташиш ушбу тариф бўйича амалга оширилса ташувчилар томонидан қўлланмади.

Тўлиқ ёки қисман халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари (қарзлари, кредитлари) ҳисобига Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида юридик шахслар томонидан сотиб олинган товарлар (хизматлар)ни озод қилиш Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-599-сон Қонунининг 6-моддасида назарда тутилган.

Шу билан бирга, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари ҳисобига имтиёزلарни қўллаш тартиби аниқлаштирилган. Энди, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг қарзлари ҳисобига сотиб олинган товарлар (хизматлар)ни реализация қилиш бўйича айланма ва уларни олиб кириш, агар озод қилиш қонунда назарда тутилган бўлса озод қилинади.

Шундан келиб чиқиб, Солиқ кодексининг 243 ва 246-моддаларига ўзгаришлар киритилди.

#### 2. Акциз солиғи бўйича:

2.1. Акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби сақлаб қолинмоқда.

2.2. Акциз солиғи ставкалари Солиқ кодекси билан белгиланмоқда (289<sup>1</sup>–289<sup>2</sup>-моддалар). Бунда олиб киришда акциз солиғини ҳисоблаб чиқаришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори тасдиқлангунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-381-сон қарорига мувофиқ амал қиладиган ТИФ ТН кодлари қўлланилади.

289<sup>1</sup>–289<sup>2</sup>-моддаларда товар позициялари мавжуд бўлмаганда мос равишда мавжуд бўлмаган товар позицияларига акциз солиғи ҳисобланмайди. 73 турдаги товарлар бўйича акциз солиғи бекор қилинмоқда, шу жумладан электротехника маҳсулотлари (музлатгичлар, кондиционерлар, қир ювиш машиналари), тракторлар ва ярим тиркачалар, озиқ-овқат маҳсулотлари (маргарин, қандолат ва бошқа маҳсулотлари) бўйича ва х.к.

2.3. Яқуний истеъмолчига сотиладиган, олиб кирилган (импорт қилинган) акциз тўланадиган товарларни (бензин, дизель ёқилғиси, суюлтирилган ва сиқилган газ) ўз эҳтиёжлари учун ишлатилганда, солиқ тўловчилари бўлиб ушбу товарларни ўз эҳтиёжлари учун олиб киришни амалга оширган шахслар ҳисобланади.

2.4. Ишлаб чиқарувчилар томонидан туристик йўналишларда ташкил этилган дегустация ҳудудларида (жойларида) реализация қилинадиган табиий вино (шisha идишдагилардан ташқари) маҳсулотлари солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

#### 3. Фойда солиғи бўйича:

3.1. Фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг 2020 йилда амалда бўлган тартиби, шунингдек солиқ ставкалари сақланиб қолинмоқда.

3.2. 2021 йил 1 январдан бошлаб Солиқ кодекси 304-моддасининг 8, 9, 14, 15 ва 17-бандларига мувофиқ келиб тушган маблағлар ҳисобидан олинган ёки сотиб олинган (барпо этилган), шунингдек солиқ ва божхона имтиёзлари берилганлиги натижасида бўшаган маблағлар ҳисобидан олинган ёки сотиб олинган (барпо этилган) мол-мулклар амортизация қилинадиган активлар деб эътироф этилмайди ва амортизация қилинмайди.

Амортизацияланадиган активнинг қиймати қайта баҳолашни ҳисобга олганда бошланғич қийматидан ҳисобланадиган амортизация ажратмалари орқали харажатлар жумласига киритилади.

2021 йил 1 январь ҳолатига кўра бухгалтерия ҳисоби маълумотларига асосан солиқ тўловчида мавжуд бўлган, илгари ўтказилган қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда амортизацияланадиган активлар қиймати солиқ солиш мақсадида бошланғич қиймат ҳисобланади.

2021 йил 1 январдан бошлаб, солиқ тўловчи томонидан кейинги ҳисобот (солиқ) даврларида амортизацияланадиган активлар қийматини қайта баҳолаш амалга оширилганда, амортизация ажратмаларини ҳисоблашда солиқ солиш мақсадлари учун бундай қайта баҳолаш натижаси ҳисобга олинмайди.

3.3. Солиқ органлари томонидан олдинги ҳисобот даври асосида бўнақ тўловларини ҳисоблашни сақланиб қолинмоқда.

Шу билан бирга, солиқ тўловчи келгуси чоракнинг биринчи ойи 10 санасига қадар жорий чоракда қўлланган фойда суммасидан келиб чиққан ҳолда, бўнақ тўловлари суммаси тўғрисида солиқ органларига маълумотнома тақдим этиш ҳуқуқига эга. Ушбу норма илгари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида кўзда тутилган эди.

#### 4. Жисмоний шахслардан олинанидан даромад солиғи бўйича:

4.1. Жисмоний шахслардан олинанидан даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби, шунингдек 12 фоиз миқдорда солиқ ставкаси сақлаб қолинмоқда.

4.2. Қатъий белгиланган миқдорлардаги солиқни тўловчи солиқ тўловчилар учун қуйидагилар назарда тутилган:

1) ушбу тоифадаги солиқ тўловчилари учун солиқ ставкалари Солиқ кодексида белгиланмоқда. Бунда, 2020 йилда амалда бўлган солиқ ставкалари миқдори сақланиб қолинмоқда;

2) Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида» Қонунида назарда тутилган, ушбу солиқ ставкалари қўлланилиши билан боғлиқ алоҳида нормалар Солиқ кодексиغا ўтказилмоқда;

3) жисмоний шахсларнинг мол-мулкани ижарага беришдан олган даромадига 12 фоиз миқдордаги солиқ ставкасида солиқ солинади.

Мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида» Қонунга 8-илова билан белгиланган.

Масалан, Тошкент шаҳри учун турар жой умумий майдонининг 1 кв метри учун энг кам ставка 14 000 сўм миқдорда белгиланган.

4) Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг яқка тартибдаги тadbиркорлар учун қатъий белгиланган миқдордаги солиқ суммаларини яқка тартибдаги тadbиркор фаолиятини амалга оширадиган жой хусусиятларини, шунингдек амалга оширилаётган фаолият турларининг мавсумий тудсалигини ҳисобга олган ҳолда 0,7 дан 1,3 гача бўлган оралиқдаги камайтирувчи ёки оширувчи коэффициентлар белгилаш ҳуқуқи сақлаб қолинмоқда.

4.3. Яқка тартибдаги тadbиркор билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслардан олинанидан солиқ тўлов манбаида солиқ агенти – яқка тартибдаги тadbиркор – томонидан солиқ тўловчига даромад тўланганда ҳисоблаб чиқарилади ва ушлаб қоллинади.

#### 5. Ижтимоий солиқ бўйича:

5.1. Ижтимоий солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби, шунингдек 2020 йилда амалда бўлган юридик шахслар учун 12 фоиз ва бюджет ташкилотлари учун 25 фоиз миқдорда солиқ ставкалари сақланиб қолмоқда.

5.2. Қуйидаги тоифадаги жисмоний шахслар учун қуйидагилар назарда тутилмоқда:

1) меҳнат стаж ҳисобланishi учун йилга камида 1 базавий ҳисоблаш миқдорда солиқ тўлаши қуйидагича амалга оширилади:

а) ихтиёрий тартибда:

ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахслар;

меҳнат шартномаси асосида чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан чет давлатларда ташкил этилган (очилган) савдо уйларида, ваколатхоналарда (шу жумладан юридик шахс ташкил этмасдан), ташкилотларда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан;

б) мажбурий тартибда:

«Уста-шоғирд» мактаблари ўқувчилари томонидан улар йигирма беш ёшга тўлгунига қадар ишлаган даврида; деҳқон хўжаликлари, шунингдек, майдони тўрт сотихдан кам бўлмаган деҳқон хўжалигида, томорқа ер участкасида банд бўлган ёки ушбу майдонда қорамол ёхуд эллик бошдан кам бўлмаган хонаки парранда парваришлаётган жисмоний

шахслар. Бунда деҳқон хўжалиги раҳбари солиқни мажбурий тартибда тўлайди, бошқа аъзолари ва кўрсатилган жисмоний шахслар эса ихтиёрий асосда тўлайди;

2) ушбу тоифадаги жисмоний шахслар учун солиқ тўлаш муддати ҳисобот йилининг 1 декабригача белгиланади. Бунда солиқнинг миқдори тўлов кунига белгиланган базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Қолган жисмоний шахслар учун 2020 йилда амалда бўлган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби сақланиб қолинмоқда.

#### 6. Айланмадан олинанидан солиқ бўйича:

6.1. Айланмадан олинанидан солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби сақлаб қолинмоқда.

6.2. Айрим тоифадаги тўловчилар учун мажбурий тартибда ҚҚС тўлаши жорий этилишини инобатга олган ҳолда айланмадан олинанидан солиқ татбиқ этилмайдиган шахслар рўйхати тўлдирилмоқда. Қуйидаги шахслар айланмадан олинанидан солиқни қўллаш ҳуқуқига эга эмас:

алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пивони чакана сотиш бўйича тургун савдо шохобчалари;

бозор ва савдо комплекслари.

6.3. Риэлторлик хизматини кўрсатувчи шахсларга солиқ ставкаси 25 физдан 13 фоизгача камайтирилмоқда.

Қолган солиқ тўловчилар учун 2020 йилда амалда бўлган солиқ ставкалари сақлаб қолинмоқда.

#### 7. Мол-мулк солиғи бўйича:

7.1. Юридик ва жисмоний шахслардан олинанидан мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби, шунингдек, юридик шахслар учун базавий солиқ ставкаси 2 фоиз миқдорда сақлаб қолинмоқда.

Солиқ кодексининг 415-моддаси тўртинчи қисмида назарда тутилган объектларга нисбатан пасайтирилган солиқ ставкасини 0,2 дан 0,4 фоизга ошириш йўли билан юридик шахслар учун пасайтирилган солиқ ставкасини босқичма-босқич базавий ставкага етказиш давом эттирилмоқда. Юридик шахслар учун пасайтирилган солиқ ставкаси 2020 йил 1 январдан бошлаб аввал солиқ имтиёзлари тақдим этилган объектлар бўйича жорий этилган эди.

Жисмоний шахслар учун 2020 йилда амалда бўлган солиқ ставкалари 1,15 бараварига индексация қилинди. Ушбу жисмоний шахслар учун солиққа тортиш объектларининг (солиқ базаси) кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказувчи органи томонидан 2018 йилда белгиланган кадастр қиймати миқдори сақлаб қолиниши билан изоҳланади.

Бунда, 2021 йилда жисмоний шахслар учун 2018 йилда белгиланган кадастр қиймати асосида ҳисобланган солиқ суммаси, 2020 йилда ҳисобланган солиқ суммасига нисбатан 30 фоиздан кўп оширилиши мумкин эмас.

7.2 Туристтик зоналарда жойлашган санаторий-курорт объектлари бўйича солиқ имтиёзлари бекор қилинмоқда.

Бунда, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан туристик зоналарда жойлашган санаторий-курорт объектлари эгаллаган ерлар учун мол-мулк солиғини камайтирилган ставкаларини қўллаш ёки ушбу солиқларни тўлашдан озод қилиш ваколати берилди.

7.3. Кўп квартирали уйларига бевосита боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ объектига киритилмоқда. Бундай объект солиқ базасига нисбатан 0,23 фоиз миқдордаги солиқ ставкасида солиққа тортилади.

Ушбу норма, амалиётда кўп квартирали уйларнинг ер ости қаватида жойлашган автомашина турар жойларига кадастр

қиймати белгиланган ҳолда кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилиши сабабли аниқлаштирувчи хусусиятга эга.

Мисол учун, автомашина турар жой кадастр қиймати 12 млн сўм миқдорда белгиланган, ушбу қийматга нисбатан 0,23 фоиз миқдорда солиқ ставкаси қўлланилади, натижада бир автомашина турар жойи учун йиллик жисмоний шахслардан олиннадиган мол-мулк солиқ суммаси 27,6 минг сўмни ташкил этади.

Қайд этиш лозимки, ҳозирги кунда, жисмоний шахсларга тегишли бўлган гаражлар, ер солиғи ва мол-мулк солиғига тортиломоқда.

Бунда, ушбу норма қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

турар жойи ҳовлисига ўзининг автомашинаси учун жойни ободонлаштиришга қарор қилган жисмоний шахсларга; юридик шахсларнинг автотранспорт воситаларини сақлаш хизматидан (пуллик автотурагоҳ) фойдаланувчи жисмоний шахсларга. Бу ҳолда, солиқ тўловчи бўлиб юридик шахс ҳисобланади.

## 8. Ер солиғи бўйича:

8.1. Юридик ва жисмоний шахслар учун ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби, шунингдек қишлоқ ҳўжалиғига мўлжалланган ерлар бўйича қишлоқ ҳўжалиғи экинзорларининг норматив қийматига нисбатан белгиланган 0,95 фоиз солиқ ставкаси сақлаб қўлиномоқда.

Бунда мева-сабзавотчилик қишлоқ ҳўжалиғи корхоналари учун мева-сабзавот маҳсулотлари эғаллаган ерлар бўйича, шунингдек деҳқон ҳўжаликлари учун солиқни сўғориладиган ва сўғорилмайдиган қишлоқ ҳўжалиғи ерлари учун ер солиғининг базавий ставкаси ва ер участкасининг сифат характеристикаси (балл-бонитети)ни ҳисобга оладиган тузатиш коэффициентларидан келиб чиқиб ҳисоблаш тартиби бекор қилиномоқда. Ушбу тоифадаги солиқ тўловчилар қишлоқ ҳўжалиғига мўлжалланган ерлар учун белгиланган каби солиқ ставкасини белгилаш билан солиқни қишлоқ ҳўжалиғи экинзорларининг норматив қийматидан келиб чиқиб тўлашга ўтказилмоқда.

Деҳқон ҳўжалиғини юриштиш учун берилган қишлоқ ҳўжалиғига мўлжалланган ерлар бўйича солиқ органлари ер участкасининг жойлашган жойи бўйича қишлоқ ҳўжалиғи экинзорларининг норматив қийматини аниқловчи органлар маълумотига асосан солиқ солинмайдиган қишлоқ ҳўжалиғига мўлжалланган ерларни чегирган ҳолда ер солиғи ҳисобланади.

Жисмоний шахсларга яқка тартибда уй-жой қуриш ва яшаш уйларини ободонлаштириш учун берилган томорқа ер участкаларига, яқка тартибда уй-жой қуриш билан банд бўлган ер участкаларига жисмоний шахслар учун белгиланган солиқ ставкаси қўлланилади.

8.2. Солиқ кодексига юридик ва жисмоний шахслар учун қишлоқ ҳўжалиғига мўлжалланмаган ерлар учун ҳудудлар кесимида (мутлак миқдорда) базавий солиқ ставкаси белгиланади.

Қишлоқ ҳўжалиғига мўлжалланмаган ерлар учун солиқ ставкасининг аниқ миқдори қуйидаги тартибда аниқланади:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгаши Солиқ кодекси билан белгиланмаган солиқ ставкалари асосида қишлоқ ҳўжалиғига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб ер солиғи ставкасига 0,5 дан 2,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда ер солиғи ставкаларини белгилайди;

туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ

депутатлари Кенгаши томонидан белгиланган, Тошкент шаҳри бўйича эса Солиқ кодексига белгиланган ер солиғи ставкаларига қишлоқ ҳўжалиғига мўлжалланмаган ерлар учун, уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни киритади.

Бунда, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгаши алоҳида ер участкаларига, шунингдек туристик зоналарда жойлашган жисмоний шахслар фойдаланишида бўлган 1 гектардан ортиқ ер участкасига ер солиғини 3 бараваргача миқдорда оширувчи ставкасини белгилаш ҳўжжасига эга.

Туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгаши 2021 йил учун ер участкаси жойлашган жойдаги солиқ органларига қишлоқ ҳўжалиғига мўлжалланмаган ерлар бўйича солиқ ставкаларини 2020 йилнинг 31 декабрга қадар тақдим этадилар.

Ер участкаси жойлашган жойдаги солиқ органлари қишлоқ ҳўжалиғига мўлжалланмаган ерлар бўйича солиқ ставкаларини 5 кун давомида юридик шахсларнинг қишлоқ ҳўжалиғига мўлжалланмаган ерлар бўйича ер солиғини ҳисоблаш учун мазкур солиқ ставкаларини солиқ тўловчиларга втказиши шарт.

Бунда, юридик шахслар қишлоқ ҳўжалиғига мўлжалланмаган ерлар бўйича 2021 йил учун солиқ ҳисоботларини 2021 йилнинг 10 январига қадар солиқ органларига тақдим этадилар.

8.3. 2021 йилда жисмоний шахслардан олиннадиган ер солиғи (яқка тартибдаги тадбиркорлардан ташқари) суммаси 2020 йил учун ҳисобланган солиқ суммасига нисбатан 30 фоиздан ошмаслиғи лозим.

8.4. Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган солиқ ставкаларини қўллаш билан боғлиқ алоҳида нормалар Солиқ кодексига ўтказилмоқда.

8.5. Солиқ кодексининг 429-моддасида назарда тутилган алоҳида объектлар эғаллаган ер участкаларига нисбатан юридик шахслар учун солиқ ставкасининг камайтирувчи коэффициентини 0,1 дан 0,25 га ошириш йўли билан камайтирувчи солиқ ставкасини босқичма-босқич базавий ставкага втказиш давом эттирилмоқда. Ер солиғи ставкаларига камайтирувчи коэффициент 2020 йил 1 январдан бошлаб аввал солиқ имтиёзлари берилган объектларга нисбатан жорий этилган.

8.6. Барча турдаги чикиндиларни сақлаш ва уларни утилизация қилиш учун ажратилган ер участкалари юридик шахслардан олиннадиган ер солиғи учун солиқ солиш объектидан чиқарилмоқда.

8.7. Юридик шахслар учун қуйидагилар эғаллаган ер қисми бўйича солиқ имтиёзлари бекор қилиномоқда:

туристик зоналарда жойлашган, санаторий-курорт объекти;

онларнинг дам олиш ҳамда соғломлаштириш жойлари, дам олиш уйлари.

Бунда, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоятлар Кенгашига туристик зоналарда алоҳида санаторий-курорт объекти эғаллаган ерлар учун ер солиғининг камайтирилган ставкаларини қўллаш ёки ер солиғининг тўлашдан озод қилиш ваколати берилмоқда.

8.8. Сувни тежайдиган сўғориш технологияларни жорий этиш бўйича берилган солиқ имтиёзлари бошқа турдаги сувни тежайдиган сўғориш технологияларни киритиш ҳисобига кенгайтирилмоқда. 2021 йилнинг 1 январигача фақатгина томчилик сўғориш тизимидан фойдаланаётган солиқ тўловчилар солиқ имтиёзидан фойдаланиши мумкин эди.

2021 йилнинг 1 январидан бошлаб бошқа турдаги сувни тежайдиган сўғориш (ёмғирлатиб, дискрет ва бошқа (шу жумладан томчилатиб)) технологиялари жорий этилган ерлар –

сувни тежайдиган сугориш технологиялари жорий этилган ойнаинг бошидан эътиборан беш йил муддатга ер солигини тўлашдан озод этилмоқда. Ушбу имтиёз сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли органнинг хулосаси асосида берилади.

Агарда, сувни тежайдиган сугориш технологиялари жорий этилган ойнаинг бошидан бошлаб беш йил давомида фойдаланишга яроқсиз бўлган ёки демонтаж қилинган бўлса, солиқ имтиёзи бутун солиқ даври учун солиқни тўлаш бўйича мажбуриятларнинг тикланиши билан бекор қилинади.

8.9. Қонунчиликда оширилган солиқ ставкаларини белгилаш орқали таъсир кўрсатиш чоралари назарда тутилмиши мумкин бўлган ва солиқ имтиёзлари таътиб этилмайдиган объектлар жумласига самарали фойдаланилмаётган, балиқ кўпайтириш (етиштириш) учун мўлжалланган сувний сув ҳавзаларини киритиш билан ер участкалари рўйхати кенгайтирилмоқда. Бу ер участкаларига ер солиғи бўйича солиқ имтиёзлари қўлланилмайди.

### 9. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича:

9.1. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби сақлаб қолинмоқда.

9.2. Солиқ ставкалари 15 фоизга, иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари учун эса 30 фоизга индексация қилинишини ҳисобга олган ҳолда, Солиқ кодексида белгиланмоқда.

Бунда, солиқ ставкалари коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари учун 2020 йил даражасида сақлаб қолинмоқда, қишлоқ ҳўжалик ерларини сугориш учун фойдаланилган сув ҳажми қисми ва балиқларни ўстириш (етиштириш), шу жумладан деҳқон ҳўжаликлари учун ягона солиқ ставкаси 1 куб м учун 40 сўм миқдориде белгиланмоқда.

Электр станциялар учун солиқ ставкалари коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари учун белгиланган ставкалар билан тенглаштирилмоқда.

9.3. Коллектор ва дренаж тармоқларидан ишлатиладиган сув ресурслари солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

9.4. Қишлоқ ҳўжалигида, шу жумладан балиқчилик ҳўжаликлариде сувдан фойдаланувчи шахслар учун солиқ базасини аниқлаш тартиби куйидагиларни назарда тутган ҳолда ўзгартирилмоқда:

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли орган ҳар йили куйидагилар томонидан ишлатилиши кутилаётган сув ресурслари ҳажми тўғрисида маълумот тақдим этади:

жорий солиқ даврининг 10 декабридан кечиктирмай қишлоқ ҳўжалигида, шу жумладан балиқчилик ҳўжалигида сув ресурсларидан фойдаланувчи юридик шахсларга солиқ базасини аниқлаш учун;

деҳқон ҳўжаликлари бўйича солиқни ҳисоблаш учун – солиқ органларига сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмоқ қилиш жойи бўйича ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 20 январидан кечиктирмай.

Сувний сув ҳавзаларида балиқ етиштирувчи балиқчилик ҳўжаликлари солиқ базасини табиий ва сувний сув объектларидан олинган ва ушбу сув объектларига қайтариб куйиладиган сув ҳажми, бундан коллектор-дренаж тармоқларига қайтариб куйиладиган сув ҳажми мустасно, ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб аниқлайдилар.

Қишлоқ ҳўжалигида, шу жумладан балиқ етиштиришда сув ресурсларини ҳисобга олиш воситалари мавжуд эмаслиги ва фойдаланиладиган сув ресурсларининг ҳақиқий ҳажминини аниқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, солиқ базаси сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмоқ қилиш соҳасидаги ваколатли орган томонидан тасдиқланган сув ресурслари истеъмолининг нормативларига кўра аниқланади.

Қишлоқ ҳўжалиги ерларини сугориш ва балиқ етиштириш (ўстириш), шу жумладан деҳқон ҳўжаликлариде сув ўлчаш ускуналари мавжуд бўлганда, солиқ ставкасига 0,7 камай-тирувчи коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланадиган, фойдаланилган сув ҳажмига қўлланилади.

9.5. Ишлаб чиқариш жараёнида сувни маҳсус ускуналарни (турбиналарни) совитиш учун ишлатадиган солиқ тўловчилар солиқ базасини табиий сув объектларидан маҳсус ускуналарни (турбиналарни) совитиш учун олинган ва табиий сув объектларига қайтариб куйиладиган сув ҳажми ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб аниқлайди. Ушбу норма сувнинг ҳақиқий ҳисоби ёки сувдан маҳсус фойдаланиш рухсатномаси мавжуд бўлганда қўлланилади.

9.6. Солиқ солиш объекти ва (ёки) солиқ ставкаси турли хил бўлган бир неча турдаги фаолият билан шуғулланувчи солиқ тўловчилар бундай фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари шарт ва тегишли солиқ ставкалари бўйича солиқ тўлаш тартиби киритилмоқда.

Масалан: солиқ тўловчининг асосий фаолияти тури савдо бўлиб, унинг автотранспорт воситаларини ювиш шохобчаси мавжуд. Бу ҳолда, солиқ тўловчи бу фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритади ва солиқ ҳисоблайди:

савдо фаолияти учун фойдаланган сув ҳажми бўйича солиқ ставкаси 1 куб метр учун 182 сўм (ер усти сув ресурслари) ва 1 куб метр учун 221 сўм (ер ости сув ресурслари);

автотранспорт воситаларини ювиш учун сув ҳажми бўйича солиқ ставкаси 1 куб метр учун 1 990 сўм.

### 10. Ер қъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича:

10.1. Ер қъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби сақлаб қолинмоқда:

10.2. Куйидаги фойдали қазилмалар учун 5 фоиз миқдориде, бироқ 1 куб м учун 7 500 сўмдан кам бўлмаган миқдорда ягона солиқ ставкаси белгиланмоқда: қурилиш қумлари, қум-шағал аралашмаси, қумтошлар, қурилиш майда тошлари (карбонат жинслари), қурилиш майда тошлари (гранитлар, порфиритлар ва сланец жинслари).

«Навий кон-металлургия комбинати» ДК ва «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ учун олтин, қумуш, палладий ва мис бўйича солиқ ставкаси 15 фоиз миқдорда белгиланмоқда.

Бошқа фойдали қазилмалар бўйича солиқ ставкалари 2020 йил даражасида сақлаб қолинмоқда.

### 11. Бошқа ўзгартириллар:

11.1. Олтиндан ясалган заргарлик буюмларини чакана савдода сотганлик учун йигим миқдори 1 грамм учун 1 000 (бир минг) сўм миқдориде сақлаб қолинмоқда.

11.2. 2021 йил 1 январдан мулкчилик шаклидан қатъи назор барча ҳўжалик юритувчи субъектлар учун асосий воситаларни ҳар йиллик мажбурий қайта баҳолаш бекор қилинмоқда.

11.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5978-сон Фармониға 1-иловада назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси ҳудудиға олиб киришда 20 та турдаги товарлар (оқ ва бошқа шакардан ташқари) бўйича божжона божининг ноль даражали ставкасини қўллаш муддати 2021 йил 31 декабригача узайтирилади.

**Вазир ўринбосари  
Д.СУЛТАНОВ.**

Тошкент ш.,  
2020 йил 30 декабрь  
06/04-01-02-32/3200-сон.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ  
ТАҚВИМИ

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН

## 5 ЯНВАРЬ

2020 йил декабрь ойида банклар томонидан Ўзбекистон Республикасининг норезидентларига тўланган даромадлар (дивидендлар ва фоизлар тўловидан ташқари) бўйича фойда солигини бюджетга ўтказишнинг сўнгги куни

(СК 355-м. 2-қ. 1-б.)

2020 йил декабрь ойида натура шаклида тўланган даромадлардан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини тўлашнинг сўнгги куни

(СК 390-м. 2-қ.)

## 9 ЯНВАРЬ

2021 йил учун мол-мулк солиқи бўйича бўнак тўловлари тўғрисидаги маълумотномани тақдим этишнинг сўнгги куни

(СК 417-м. 5-қ.)

айланмадан солиқ тўловчи бўлмаганлар жумласига кирадиган солиқ тўловчилар томонидан қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғи бўйича ҳисоботни тақдим этиш ҳамда 2021 йил январь ойи учун ер солигини йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдоридан, шунингдек айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар томонидан 2021 йилнинг I чораги учун йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдоридан тўлашнинг сўнгги куни\*

(СК 431-м. 1-қ., 432-м. 1-қ.)

жами даромади жорий солиқ давридан олдинги солиқ даври учун киритилган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда 5 млрд сўмдан ошадиган солиқ тўловчилар томонидан қўйлаётган ҳажмдан келиб чиқиб 2021 йилнинг I чораги учун фойда солиғи бўйича ойлик бўнак тўловлари суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этишнинг сўнгги куни

(Президентнинг 3.04.2020 йилдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5978-сон Фармониининг 15-банди 10-хатбошии;

МВнинг 30.12.2020 йилдаги 06/04-01-02-32/3200-сонли Юридик ва жисмоний шахсларга солиқ солиш тартибига 2021 йил 1 январдан киритилаётган ўзгаришлар тўғрисида ахборот хабарининг 3.3-банди)

**Этибор беринг!** Маълумотнома чоракнинг биринчи ойи 10-санагача қадар тақдим этилади (СК 340-м. 11-қ.), яъни:

I чорак учун – 11 январга қадар, 9 январь дам олиш кунига тўғри келганлигини ҳисобга олган ҳолда (СК 5-м. 8-қ.);

II чорак учун – 10 апрелга қадар;

III чорак учун – 10 июлга қадар;

IV чорак учун – 11 октябрга қадар, 9 октябрь дам олиш кунига тўғри келганлигини ҳисобга олган ҳолда.

## 10 ЯНВАРЬ

2020 йил декабрь ойи учун Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси томонидан ўзи ва инвестиция воситачилари томонидан рўйхатга олинган акцияларга доир битимлар тўғрисидаги ахборот тақдим этишнинг сўнгги куни

(СК 133-м. 12-қ.)

2020 йилнинг декабрь ойи учун акциз солиғи бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва тўловни тўлашнинг сўнгги куни

(СК 292, 293-м.)

мол-мулк солиғи бўйича бўнак тўловларини айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар ҳисобланмайдиган солиқ тўловчилар томонидан 2021 йил январь ойи учун йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдоридан тўлашнинг сўнгги куни<sup>1</sup>

(СК 417-м. 6-қ.)

Солиқ тўловчининг тақвими – «Солиқ ва боғхона хабарлари» газетаси ва «Norma» МЧЖ экспертларининг муаллифлик ишланмасидир. Унинг бошқа ОАВларда қайтадан чоп этилиши ва электрон маълумотлар базаларида жойлаштирилишига «Norma» МЧЖ билан тузилган шартнома асосидагина йўл қўйилади.

## 2021 ЙИЛ ЯНВАРЬ

		Д	С	Ч	П	Ж	Ш	Я
1	2						1	2
3	4						3	4
5	6						5	6
7	8						7	8
9	10						9	10
11	12						11	12
13	14						13	14
15	16						15	16
17	18						17	18
19	20						19	20
21	22						21	22
23	24						23	24
25	26						25	26
27	28						27	28
29	30						29	30
31							31	

## 14 ЯНВАРЬ

2021 йил учун сув етказиб берувчи юридик шахслар томонидан ер усти ва ер остидаги манбалардан водопровод тармоқларига келиб тушадиган сув ҳажмлари нисбати тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишнинг сўнгги куни

(СК 444-м. 3-қ.)

2020 йил декабрь ойи учун ШЖБПХ реестрларини тақдим этиш ва бадалларни тўлашнинг сўнгги куни

(Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юртим тартиби тўғрисидаги низомнинг 16-банди, ВМнинг 21.12.2004 йилдаги 595-сон қарорига 1-қисми)

## 15 ЯНВАРЬ

2020 йил декабрь ойи учун ЖШДС ва ижтимоий солиқ бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқларни тўлашнинг сўнгги куни

(СК 389-м. 1-қ. 2-б.; 390-м.; 407-м. 4 ва 5-қ.)

2021 йил январь ойи учун солиқ тўловчилар томонидан катъий миқдорда белгиланган ЖШДСни тўлашнинг сўнгги куни<sup>2</sup>

(СК 385-м. 3-қ., 392-м. 1 ва 2-қ.)

## 19 ЯНВАРЬ

2020 йил учун ЎЗРда доимий муассаса орқали фаолият юритадиган ЎЗР норезиденти ҳисобланган юридик шахслар, шунингдек яққа тартибдаги тадбиркорлар томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоботни тақдим этишнинг сўнгги куни

(СК 447-м. 3-қ., 448-м. 5-қ.)

2021 йил учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бўнак тўловлари тўғрисидаги маълумотномани тақдим этишнинг сўнгги куни

(СК 448-м. 2-қ.)

## 20 ЯНВАРЬ

2020 йил декабрь ойи учун чет эллик шахслардан олинган товарлар (хизматлар) бўйича ҚҚС ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни<sup>3</sup>

(СК 259-м., 273-м., 1, 2-қ.)

2020 йил декабрь ойи учун ҚҚС бўйича ҳисоботни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни

(СК 273-м. 1 ва 2-қ.)

2020 йил IV чораги учун товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмаси бир ойда 1 млрд сўмдан ошмайдиган, электрон ҳисобварақ-фактуралар тизимига тўлиқ ўтган солиқ тўловчилар томонидан ҚҚС бўйича ҳисоботни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни

(ПФ-5978-сон Фармонининг 4-б. «б» кичик б.; 06/04-01-02-32/3200-сон ахборот хабарининг 1.3-б.)

2020 йил IV чораги учун электрон шаклда хизматлар кўрсатадиган чет эл юридик шахслари томонидан ҚҚС бўйича ҳисоботни тақдим этишнинг сўнгги куни

(СК 280 ва 281-м.)

2020 йил декабрь ойи учун солиқ агентлари томонидан дивидендлар ва фоизлардан олинадиган солиқ суммаси бўйича солиқ ҳисоботи тақдим этишнинг

26-бетга

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ  
ТАҚВИМИ

25-бетда

20 ЯНВАРЬ

сўнги куни. Бунда солиқ суммаси дивидендлар ва фойзалар тўланган кундан кечиктирмай бюджетга тўланади

(СК 345-м. 5 ва 6-қ.)

2020 йил декабрь ойи учун солиқ агентлари томонидан порезидентларнинг даромадларидан олинган солиқ суммалари бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг сўнги куни. Бунда солиқ суммаси порезидентга даромадлар тўланган куннинг кейинги кундан кечиктирмай бюджетга тўланади

(СК 355-м. 1 ва 2-қ.)

2021 йил январь ойи учун солиқ даврида солиқ суммаси БХМнинг 200 бараваридан кўпроқни ташкил этадиган айланмадан олинган солиқни тўламайдиган юридик шахслар томонидан йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдорига тўлашнинг сўнги куни<sup>5</sup>

(СК 448-м. 3-қ.)

2020 йил декабрь ойи учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнги куни

(СК 454-м. 3 ва 4-қ.)

23 ЯНВАРЬ<sup>7</sup>

2021 йил январь ойи учун жами даромади жорий солиқ даврдан олдинги солиқ даври учун киритилган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда 5 млрд сўмдан ошадиган солиқ тўловчилар томонидан фойда солиғи бўйича ойлик бўнақ тўловларини тўлашнинг сўнги куни<sup>6</sup>

(СК 340-м. 2 ва 7-қ.)

## 25 ЯНВАРЬ

2020 йил декабрь ойи учун меҳнатда шикастланиш ёки касб касалликлари оқибатида тайинланган пенсиялар тўлови бўйича харажатларни қоплаш учун маблағларни тўлашнинг сўнги куни

(Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ҳамда ташиқлотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомнинг 17-банди, АВ рўйхат рақами 2836, 3.11.2016 й.)

## 30 ЯНВАРЬ

2020 йилда тўлов манбаида солиқ солинмаган моддий наф тарзидаги даромадларни олган jisмоний шахслар тўғрисидаги маълумотномани тақдим этишнинг сўнги куни

(СК 389-м. 1-қ. 1-б.)

<sup>1</sup> Айланмадан олинган солиқни тўловчилар томонидан мол-мулк солиғи бўйича бўнақ тўловлари йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдорига йилнинг ҳар чораги биринчи ошининг 10-кундан кечиктирмай тўланади.

<sup>2</sup> Солиқ тўловчилар қатъий белгиланган миқдорда ЖШДС тўлашни улар тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ёки яқка тартибдаги тадбиркор ёхуд оилавий тадбиркорлик субъекти билан меҳнат шартномаси тузилган ойдан кейинги ойдан эътиборан амалга оширади.

<sup>3</sup> Ҳисоб-китоб ортиб бормаидиган яқун билан, айнан 2020 йил декабрь ойи учун кўрсаткичлар асосида тўлдирилади.

<sup>4</sup> Солиқ тўловчилар 2021 йилда ҳам чоракнинг биринчи ойи учун солиқ тўловларини тўлашнинг дастлабки муддатидан кечиктирмай (яъни I чорак учун – 20 февралдан кечиктирмай, II чорак учун – 20 майдан кечиктирмай, III чорак учун – 20 августдан кечиктирмай, IV чорак учун – 20 ноябрдан кечиктирмай) тегишли билдиришномаларни солиқ органига тақдим этадилар (шакл [my.soliq.uz](http://my.soliq.uz) да жойлаштирилган, шакл коди – 10012\_1).

<sup>5</sup> Солиқ даврида солиқ суммаси БХМнинг 200 бараваридан камроқни ташкил этадиган, айланмадан олинган солиқни тўловчилар бўлмаган юридик шахслар, шунингдек айланмадан олинган солиқни тўловчилар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бўнақ тўловларини ҳар чоракнинг учинчи ойи 20-санасидан кечиктирмай йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдорига тўлайди.

<sup>6</sup> Солиқ кодексининг 340-моддаси 3-б-қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган ҳар ойлик бўнақ тўловининг суммаси манфий ёки нолга тенг бўлса, кўрсатилган тўловлар тегишли чоракда амалга оширилади.

<sup>7</sup> Муддатнинг сўнги куни дам олиш (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолса, муддатнинг тугаши куни бўлиб ундан кейин келувчи биринчи иш куни ҳисобланади.

✓ БУХГАЛТЕРГА ЁРДАМ

СОЛИҚ ҲИСОБ-КИТОБИ: НИМА УЧУН  
КЎРСАТКИЧЛАР ТЎҒРИ КЕЛМАЙДИ

Камерал текширув жараёнида солиқ органлари турли солиқлар бўйича ҳисоботларда кўрсаткичларни солиштирадиган ва тафовутни аниқлайдилар. Ва бухгалтерлар бу ҳолда тушунтириш хати беришларига тўғри келади. Нима учун солиқ ҳисоб-китобларида кўрсаткичлар ҳар доим ҳам тўғри келмаслиги ҳақида [buxgalter.uz](http://buxgalter.uz) илтимосига биноан «Nogma» компанияси эксперти Олег ЦОЙ сўзлаб берди:

– Бир нечта шундай вазиятни кўриб чиқамиз.

1. Фойда солиғи ҳисоб-китобида жами даромад ва  
ҚҚС ҳисоб-китобида товарларни (хизматларни) реализация  
қилиш бўйича айланмалар кўрсаткичлари фарқ қилади

Бундай вазият турли сабабларга кўра юзага келиши мумкин.

Улардан бири – асосий воситалар объектини реализация қилиш:

• фойда солиғи бўйича жами даромадда АВни реализация қилишдан олинган фойда акс эттирилган (СК 297, 298-м.);

• товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмаларга ҚҚС ҳисоб-китобида (1-илова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 й.) АВни реализация қилиш қиймати киритилган (СК 248-м.).

Ушбу кўрсаткичлар турлича аниқланади.

Бошқа сабаби – акцизоти товарларини реализация қилиш:

• фойда солиғи бўйича жами даромад ҚҚСни ва акциз солиғини инобатга олган ҳолда товарларни реализация қилишдан олинган даромаднинг ўз ичига олади (СК 297-м. 2-қ.);

• ҚҚС бўйича солиқ базаси акциз солиғини ҳисобга олиб, реализация қилинадиган товарларнинг қийматидан келиб чиқиб аниқланади (СК 248-м. 1-қ.).

Яъни солиштирилаётган кўрсаткичлар акциз солиғи суммасига фарқ қилади.

2. Фойда солиғи ҳамда ЖШДС ва ижтимоий солиқ  
ҳисоб-китобларида меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича харажатлар  
фарқ қилади

Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ва ижтимоий солиқ Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0105-«Харажатлар» сатрида кўрсатилади (3-илова, АВ рақами 3221). Ушбу кўрсаткич ЖШДС ва ижтимоий солиқ ҳисоб-китобининг 011 ва 090-сатрлари 4-устунидаги (4-илова, АВ рақами 3221) қийматлар суммасига тўғри келиши керакдек туюлади. Бирок бу ҳар доим ҳам шундай бўлмайди.

Агар ҳисобот (солиқ) даврида сиз давр бошида захирада бўлган товарларни реализация қилсангиз, фарқ юзага келади. Ҳисобот даврининг реализация қилинган маҳсулотла-

ри таннархига киритилган харажатларни сиз олдинги даврларда амалга оширгансиз, фойда солиғи ҳисоб-китобида эса – жорий даврда акс эттиргансиз.

Яъни ҳисобот даврида реализация қилинган маҳсулотнинг (илгариги даврда ишлаб чиқарилган) таннархидан маҳсулот реализация қилинган даврда эмас, балки у ишлаб чиқарилган даврда амалга оширилган харажатлар акс эттирилган. Шу боис реализация қилинган маҳсулот таннархига киритилган харажатлар ҳисобот даври харажатларидан юқори ёки паст бўлиши мумкин.

## МИСОЛ. Фойда солиғи ҳамда ЖШДС ва ижтимоий солиқ ҳисоб-китобларида кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ

2020 йилда корхона таннархи 953 млн сўм бўлган тайёр маҳсулотни реализация қилди, шу эжумладан:

• 2019 йилда ишлаб чиқарилган – 320 млн сўм (эжумладан меҳнатга ҳақ тўлашга – 95 млн сўм ва ижтимоий солиқ – 11,4 млн сўм);

• 2020 йилда ишлаб чиқарилган – 633 млн сўм (эжумладан меҳнатга ҳақ тўлашга – 190 млн сўм ва ижтимоий солиқ – 22,8 млн сўм).

2020 йил охирига реализация қилинмаган маҳсулот қолдиқларининг таннархи – 210 млн сўм (шу эжумладан – меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари – 70 млн сўм ва ижтимоий солиқ – 8,4 млн сўм). Барча маҳсулот 2020 йилда ишлаб чиқарилган.

2020 йил боши ва охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш мавжуд эмас. 2020 йил учун Фойда солиғи ҳисоб-китобида 2-илованинг 0105-сатрида  $95 + 11,4 + 190 + 22,8 = 319,2$  млн сўм акс эттирилади (бошқа харажатларни ҳисобга олмасдан, реализация қилинган маҳсулот таннархига киритилган харажатлар қисмида).

2020 йил учун ЖШДС ва ижтимоий солиқ ҳисоб-китобида кўрсаткичлар акс эттирилади (бошқа харажатларни ҳисобга олмасдан, ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига киритилган харажатлар қисмида):

• 011-сатрининг 3, 4 ва 5-сатрларида – 260 млн сўм (190 + 70);

• 090-сатрнинг 4 ва 5-сатрларида – 31,2 млн сўм (22,8 + 8,4).

Шу тариқа, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ва ижтимоий солиқнинг турли суммаларини акс эттиридик:

• Фойда солиғи ҳисоб-китобида – 319,2 млн сўм;

• ЖШДС ва ижтимоий солиқ ҳисоб-китобида – 291,2 млн сўм (260 + 31,2).

## ЕР СОЛИҒИНИ ТЎЛАШ МУДДАТИ 15 ЯНВАРГА ҚАДАР УЗАЙТИРИЛДИ

Давлат солиқ қўмитаси 2021 йилда ер солиғи билан боғлиқ вазиятга доир хабарни маълум қилди. Солиқ ҳисоботини топириш ва тўлаш муддати 15 январга қадар узайтирилди, яқуний ставкалар 10 январга қадар эълон қилинадиган бўлди\*.

«2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунга (30.12.2020 йилдаги ЎРҚ-569-сон) мувофиқ 2021 йилдан қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслардан олиннадиган солиқ ставкаларининг аниқ миқдорини аниқлашнинг янги тартиби белгиланди.

Қонун 2020 йилнинг 30 декабрида қабул қилинган

лигинини эътиборга олиб, солиқ ставкаларининг аниқ миқдорини аниқлаш жараёни яқуний босқичда эканлигини ҳисобга олган ҳолда истисно тартибиде:

- 2021 йилда юридик шахслардан қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун олиннадиган ер солиғи бўйича **солиқ ҳисоботларини тақдим этиш муддати (7-илова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 йил) 5 кунга узайтирилди;**
- 2021 йилнинг январь ойи ва биринчи чораги учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслардан олиннадиган ер солиғини тўлаш **жорий йилнинг 15 январигача амалга оширилади;**
- 2021 йил учун ер солиғининг аниқ ставкалари солиқ тўловчиларга жорий йил **10 январга қадар** етказилади.

2021 йил учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслардан олиннадиган ер солиғи бўйича 2021 йил 15 январгача солиқ ҳисоботларини тақдим этган ва тегишли солиқ суммаларини тўлаган солиқ тўловчиларга нисбатан жавобгарлик қўлланилмайди.

Манба: [soliq.uz](http://soliq.uz)

\*Халқ депутатлари Кенгашлари томонидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслардан олиннадиган ер солиғини ҳисоблаш учун ставкалар таъдиқланди. Ушбу ставкалар ҳудудий солиқ инспекциялари томонидан солиқ тўловчиларнинг шахсий кабинетларига юборилади, ДСҚнинг расмий сайтида эса республика бўйича маълумотлар эжойлаштирилган бўлим ишга туширилди. Унга қўйидаги ҳавола бўйича кириш мумкин: <https://soliq.uz/regulations/land-property-tax>.

## 2021 ЙИЛДА ФОЙДА СОЛИҒИ ҚАНДАЙ ТЎЛанаДИ

2020 йилда Президентнинг 3.04.2020 йилдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5978-сон Фармони фойда солиғи тўловчиларига қутилаётган фойда суммасидан келиб чиқиб, фойда солиғи бўйича бўнақ тўловларини тўлаш ҳуқуқини тақдим этди. 2021 йилдан бошлаб ушбу норма Солиқ кодексига киритилган (СК 340-м. 11-қ.; 30.12.2020 йилдаги ЎРҚ-659-сон Қонун 2-м. 11-б.). 2021 йилда бу масалада қандай ўзига хос жиҳатларни ҳисобга олиш лозим? Бу ҳақда қуйидаги йўриқномада ўқинг.

## Бўнақ тўловлари қандай тўланади

Солиқ кодексига асосан фойда солиғи тўловчилар бўнақ тўловларини I чоракда 2020 йил IV чорак бўнақ тўловлари суммасидан келиб чиқиб тўлайдилар. II-IV чоракларда – олдинги чорак учун Ҳисоб-китоб бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасидан келиб чиқиб ҳисобланади (СК 340-м.). Бунда бўнақ тўловлари суммасини солиқ органлари ҳисоблаб чиқаради.

Бундан ташқари, корхоналар солиқ органларига бўнақ тўловлари суммаси тўғрисидаги маълумотномани чорак биринчи ойининг 10-санасигача жорий чоракда қутилаётган фойда суммасидан келиб чиқиб тақдим этишга ҳақидирлар.

Масалан, 2020 йил IV чоракда корхона ҳар ойда 25 млн сўм миқдорда бўнақ тўловлари тўлаган. Бу I чоракда ҳам у уларни шу миқдорда тўлашини билдиради.

Агар сиз жорий чоракда фойда даражасига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ўзгаришларни қутаётган бўлсангиз, солиқ органларига I чорак учун бўнақ тўловлари тўғрисида маълумотномани тақдим этишингиз мумкин. Мўлжалланаётган солиқ солинадиган фойда ва бўнақ тўловлари суммалари олдинги чоракнинг тегишли кўрсаткичларидан кам ёки кўп бўлиши мумкин.

## Маълумотнома қандай тартибда тақдим этилади

Маълумотнома чоракнинг биринчи ойининг 10-санасигача тақдим этилади (СК 340-м. 11-қ.), яъни:

I чорак учун – 11 январдан кечиктирмай, 9 январь дам олиш кунига

тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда (СК 5-м. 8-қ.).

II чорак учун – 10 апрелга қадар;

III чорак учун – 10 июлга қадар;

IV чорак учун – 11 октябрдан кечиктирмай.

Агар сиз маълумотномани тақдим этсангиз, олдинги чорак якунлари бўйича бўнақ тўловлари ҳисоблаб чиқарилмайди.

## Ҳамма фойда солиғи тўловчилар ҳам маълумотнома тақдим этишлари керакми

Йўқ, ҳаммаси эмас.

**Биринчидан**, ҳамма ҳам бўнақ тўловлари тўловчилар ҳисобланмайди. Уларни фақат жами даромади 2020 йил учун, киритилган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда, ёки 2021 йил мобайнида 5 млрд сўмдан ошадиган корхоналар тўлайди (СК 340-м. 2, 8-қ.).

Жами даромади ҳажми 5 млрд сўмдан ошмайдиган корхоналар фойда солиғини чорак якуни бўйича ҳисоб-китоб асосида тўлайди.

**Иккинчидан**, фойда солиғи бўйича бўнақ тўловлари тўловчилар учун маълумотнома тақдим этиш – бу ҳуқуқ, мажбурият эмас.

Агар сиз бўнақ тўловлари тўғрисида маълумотнома тақдим этмаган бўлсангиз, уларни олдинги чорак кўрсаткичлари бўйича тўлайсиз. Бу ҳолда сизнинг ҳар ойлик бўнақ тўловларингизни солиқ органлари ҳисоблаб чиқаради.

Бўнақ тўловларини тўлаш муддати (маълумотнома бўйича ёки олдинги чорак якунлари бўйича) – ҳар ойнинг 23-санасидан кечиктирмай.

Агар бўнақ тўловлари тўловчи маълумотномани ўз вақтида тақдим этмаган, бунда даромад ва солиқ со-

Бу ҳолда сиз бўнақ тўловларини 2020 йил IV чорак якунлари бўйича тўлайсиз.

I чорак учун фойда солиғи ҳисоб-китобида солиқ солинадиган фойданинг камайиши аниқланади. Бўнақ тўловлари суммасининг ҳисобланган солиқдан ошиши фойда солиғи ёки бошқа солиқлар бўйича бўлгуси тўловлар ҳисоби-

линадиган фойда ҳажми қисқарган бўлса нима қилиш керак?

Ҳисобга олиниши мумкин.

Ортиқча тўланган солиқ суммаси солиқ тўловчининг аризасига биноан унга тўлиқ ёки қисман қайтарилиши мумкин (СК 103-м.).

II чоракда бўнақ тўловлари I чорак якунлари бўйича ёки 10 апрелга қадар тақдим этиладиган маълумотнома асосида аниқланади.

## МИСОЛ. Фойда солиғини маълумотномани тақдим этмасдан тўлаш

Бўнақ тўловлари суммаси IV чоракда – ҳар ойда 100 млн сўм. Корхона 2021 йил I чорак учун бўнақ тўловлари тўғрисида маълумотнома тақдим этмади, шу боис ҳар ойда 100 млн сўмдан бўнақ тўлайди.

2021 йил I чорак учун фойда солиғи – 240 млн сўм, тўланган сумма – 300 млн сўм (100 x 3).

Фойда солиғи бўйича 60 млн сўм (300 – 240) ортиқча тўлов ушбу солиқ бўйича бўлгуси бўнақ тўловлари ҳисобига ҳисобга олинади.

II чоракда фойда солиғи бўйича бўнақ тўловлари икки усулдан бири бўйича аниқланади:

- 1) I чорак якунлари бўйича. Бу ҳолда улар 80 млн сўмга (240 / 3) тенг бўлади. Апрель учун бўнақ тўлови қисман тўланган (60 млн сўм суммада). Корхона 23 апрелга қадар бўнақ тўловининг қолган қисмини 20 млн сўм (80 – 60) тўлаши ва кейинги ойларида 80 млн сўмдан тўлаши зарур;
- 2) 10 апрелга қадар тақдим этилган бўнақ тўловлар тўғрисида маълумотнома асосида.

**Бўнақ тўловлар тўғрисида «нол» маълумотномани тақдим этиш мумкинми**

Мумкин, агар сиз ҳисобот даври учун солиқ солинадиган фойда нолга тенг бўлишига ишончингиз комил бўлса.

Бироқ бунда шунини инобатга олиш лозимки, солиқ органлари тақдим этиладиган фойда солиғи бўйича бўнақ тўловлари суммаси тўғрисидаги маълумотномага ўзгартиришлар киритишга ҳақли (СК 340-м. 11-қ.). Шу боис сизга тақдим этилган ҳуқуқни сунистеъмом қилманг.

Агар 2020 йил якунлари бўйича зарар кўрилган бўлса, 2021 йилда бўнақ тўловларини тўлаш зарурми?



Сиз 2021 йил фойдасини 2020 йилда олинган зарарга фақат 2021 йил якунлари бўйича ва 60%дан ошмаган миқдорда камайтиришингиз мумкин (СК 333-м. 5, 6-қ.).



Зарарни 10 йилдан кўп бўлмаган муддат мобайнида келгусига ўтказишни амалга ошириши мумкин (СК 333-м. 4-қ.). 2020 йил I январга қадар ҳосил бўлган зарарлар: солиқ базасини 50%дан ошмаган миқдорда камайтиради; 5 йилдан кўп бўлмаган муддат мобайнида келгусига ўтказилади (2007 йилдаги тахрирдаги СК 161-м.).



Қарзни ундириш чоралари ўзгармади. Агар солиқ тўловчида бўнақ тўловлари бўйича тўланмаган солиқ қарзи мавжуд бўлса, солиқ органи унга солиқларни тўлаш муддати ўтганидан кейин 3 кундан кечиктирмай солиқ қарзини узиш тўғрисида талабнома юборидади (СК 115-м.).

## 2021 ЙИЛ УЧУН ЕР СОЛИҒИ ҲИСОБ-КИТОБИ ҚАНДАЙ ТЎЛДИРИЛАДИ

2021 йил учун Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича ер солиғи ҳисоб-китобини тўлдиришда қандай муҳим жиҳатларни инобатга олиш лозимлигини «Ногта» компанияси эксперти Олег ЦОЙ тушунтирди:

### Солиқ тўловчилар

– Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар, шу жумладан – норезидентлар – ер солиғини тўловчилар.

Кўчмас мулк ижарага берилган тақдирда:

• оператив ижарада – ижарага берувчи;

• молиявий ижара (лизинг)да – ижарага олувчи (лизинг олувчи) ер солиғи тўловчиси ҳисобланади.

Ер участкасидан бир нечта юридик шахс биргаликда фойдаланган тақдирда, солиқни ҳар бири ернинг фойдаланилаётган майдонидаги ўз улуши учун тўлайди (СК 425-м.).

1) солиқ солинадиган;

2) солиқ солиш объекти сифатида ҳисобланмайдиган (СК 426-м. 2-қ.);

3) солиқ солинмайдиган (СК 428-м. 2-қ.).

Бундан ташқари, қайта тикландиган манбалардан энергия ишлаб чиқарувчилар қайта тикландиган энергия манбалари номинал қув-

вати 0,1 МВт ва кўпроқ ускуналарга эгалланган ер участкалари бўйича солиқдан озод этилади. Имтиёз ускуна ишга туширилган пайтдан эътиборан 10 йил муддат амал қилади (СК 428-м. 1-қ.).

Шунингдек, солиқ бўйича имтиёзлар алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан назарда тутилиши мумкин.

### Ер солиғи қандай ставкалар бўйича тўланади

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун Ўзбекистон ҳудудлари бўйича базавий солиқ ставка-

лари 1 гектар учун мутлақ миқдорда белгиланган (СК 429-м. 1-қ.).

**!** Сизга ижарага берилган ер участкалари ва кўчмас мулкнинг оператив ижарасида юзага келадиган ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини чалкаштирманг. Биринчи ҳолда ер солиғи ёки ижара тўловини ер участкасини ижарага олувчи тўлайди, иккинчи ҳолда эса – кўчмас мулкни ижарага берувчи (СК 424, 425-м.).

### Юридик шахслардан олинмайдиган ер солиғи бўйича ҳисоботни тақдим этиш муддатлари

Юридик шахслардан олинмайдиган ер солиғини ҳар бир солиқ даври – календарь йилнинг 1 январига бўлган ҳолатга кўра ҳисоблаб чиқаринг.

Солиқ ҳисоботини ер участкаси жойлашган ердаги солиқ органига қуйидаги муддатларга тақдим этинг:

• қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича – жорий солиқ даврининг 10 январига қадар. 2021 йил 9 январь – дам олиш кунини бўлганлиги боис, ҳисоб-китобни топширишнинг сўнгги кунини у-

дан кейинги иш кунига – 11 январга кўчирилади (СК 5-м. 8-қ.);

• қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар бўйича – жорий солиқ даврининг 1 майига қадар (СК 431-м.).

Сиз солиқни солиқ базаси ва тегишли солиқ ставкасидан келиб чиқиб мустақил равишда ҳисоблаб чиқаришингиз зарур.

Агар календарь йил давомида солиқ базаси ўзгарса, бир ой муддатда аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этинг.

**!** Агар сизда солиқ солиш объекти ҳисобланмайдиган ер участкалари мавжуд бўлса, жорий йилнинг 10 январига қадар улар жойлашган жойдаги солиқ органига тегишли маълумотномани тақдим этинг (СК 426-м. 2-қ., 431-м. 5-қ.). Бироқ асар ушиб ер участкалари хўжалик фаолиятини юритиш учун фойдаланилса, уларга солиқ солинади (СК 426-м. 3-қ.).

### Юридик шахслардан олинмайдиган ер солиғини тўлаш муддатлари

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун солиқни тўлаш:

• айланмадан солиқ тўловчилар учун – йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдорида, ҳар чорак биринчи ойнинг 10-кунигача;

• қолган солиқ тўловчилар учун – йиллик солиқ суммасининг 1/12 қис-

ми миқдорида, ҳар ойнинг 10-кунигача амалга оширилади.

Солиқ бўйича мажбуриятлар солиқ тўлашнинг белгиланган муддатидан кейин, яъни йил давомида юзага келганда, солиқни мажбуриятлар юзага келган санадан эътиборан 30 кундан кечиктирмай тўланг (СК 432-м.).

### Солиқ ҳисоботи қандай шаклда тақдим этилади

[my.soliq.uz](http://my.soliq.uz) порталида Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича ер солиғи ҳисоб-китобининг 2 та шакли жойлаштирилган:

1) айланмадан солиқ тўловчилар учун;

2) қолган солиқ тўловчилар учун.

### Ҳисоб-китобни тўлдириш учун ахборот қандай тайёрланади

Ҳисоб-китобни тўлдириш учун мавжуд ер участкалари, уларнинг жойлашган жойи ва майдони (гектарда) ҳақида ахборотни тайёрланг. Ушбу маълумотларни кадастр ҳуж-

жатларидан олиш мумкин.

Юридик шахсларда мулк, эгалик, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқида бўлган ер участкаларини 3 та гуруҳга ажратиш мумкин:

**!** 2021 йилда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун солиқ ставкасининг аниқ миқдори янги тартибда аниқланиши керак:

- Қорақалпоғистон Жўқорги Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари солиқ ставкаларини туман ва шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб базавий солиқ ставкалари асосида 0,5 дан 2,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда белгилайди;
- туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари СКнинг 429-моддаси 2-қисми 2-хатбошида белгиланган ставкаларга, Тошкент шаҳри бўйича эса – базавий солиқ ставкаларига уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қиритади.

Солиқ органлари солиқ тўловчиларни қўлланилаётган ставкалар миқдори ҳақида хабардор қилиши керак (СК 429-м. 2, 3-қ.).

Ер участкаларининг айрим тоифалари бўйича солиқ ставкаларига 0,25 коэффициент қўлланилади (СК 429-м. 5-қ.).

Қурилиш тугалланмаган объектлар эгалланган ер участкалари учун солиқ икки баравар солиқ ставкалари бўйича тўланади (СК 429-м. 10-қ.).

Тугалланмаган қурилиш объектлари жумласига қуйидагилар қиради:

• лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда қурилиш тугалланмаган объектлар;

• агар қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса – объектнинг қурилишига ваколатли бўлган органининг рухсатномаси олинган ойдан эътиборан 24 ой ичида қурилиш тугалланмаган объектлар (СК 429-м. 12-қ.).

Қуйидагилар эгалланган ер участ-

каларига нисбатан оширилган солиқ ставкалари қўлланилиши мумкин:

• бўш турган бинолар;

• фойдаланилмаётган майдонлар;

• яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар;

• қурилиши тугалланмаган объектлар;

• самарали фойдаланилмаётган баллиқ етиштириш (ўстириш) учун мўлжалланган сунъий сув ҳавзалари.

Бунда бундай ер участкаларига солиқ имтиёзлари татбиқ этилмайди (СК 429-м. 11-қ.).

Ер майдонларидан ҳужжатларсиз ёхуд ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланилганда солиқ ставкаси белгиланган солиқ ставкаларининг 4 баравари миқдорида белгиланади (СК 429-м. 13-қ.).

### Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича ер солиғи ҳисоб-китоби қандай тўлдирилади

Солиқ ҳисоботини тўлдиришнинг қуйидаги кетма-кетлигига риоя қилишингизни тавсия қиламиз.

1. Ҳисоб-китобга 1-иловани «Солиқ тўловчининг ер участкалари тўғрисида маълумот»ни тўлдириш, унда ҳар бир ер участкасини алоҳида сатрда тегишли тоифа билан жойлашган жойини кўрсатган ҳолда кўрсатинг.

2. Ҳисоб-китобга 2-иловани – «Солиқ солинмайдиган ерлар»ни тўлди-

ринг, бунда мавжуд рўйхатдан тегишли асосни танланг.

3. «Ер солиғи тўловчи юридик шахс тўғрисида маълумот»ни тўлдириш.

4. Ҳисоб-китобнинг 010-040- сатрлари 1 ва 2-иловаларнинг маълумотларидан келиб чиқиб автоматик тарзда тўлдирилади, 0401-0412-сатрлар қийматларини эса мустақил равишда кўрсатиш зарур.

\*2021 йилнинг январь ойи ва биринчи чораги учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслардан олинмайдиган ер солиғини тўлаш жорий йилнинг 15 январигача амалга оширилади (ДСҚ Ахборотидан).



# ТМЗ КАМОМАДИ ҚАНДАЙ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИЛАДИ

Корхонанинг омборига тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун деталлар тўплами кириб қилинди. Деталларнинг сони қутида кўрсатилган. Тўпламлардан бири ишлаб чиқаришга йўналтирилди, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш чоғида деталлар камомад аниқланди. Бундай вазиятда камомад қандай ҳисобдан чиқарилади – давр харажатларигами ёки тайёр маҳсулот таннарихига?

Вазиятни *buxgalter.uz* эксперти Татьяна ЛИМАРЕВА ва «Norma» компанияси эксперти Ирина АХМЕТОВА тушунтириб бердилар:

## Сотиб олувчи ва етказиб берувчи нимани ҳисобга олиши зарур

Бут бўлмаган товарлар етказиб берилган тақдирда сотиб олувчи (буюртмачи) («Хўжалик юртувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 27-м.):

- товарларни бутлаб беришни талаб қилишга ҳақли. Етказиб берувчи сотиб олувчининг (буюртмачининг) талабини олган пайтдан бошлаб, агар тарафларнинг келишувидан ўзга муддат белгиланган бўлмаса, 15 кунлик муддат ичида товарларни бутлаб бериши шарт;

- бундан буён товарлар бутлаб берилгунга қадар уларнинг ҳақини тўлашдан бош тортишга, агар товарларнинг ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммалар қайтарилишини талаб қилишга ҳақли;

- етишмаётган қисмлар қийматини кўшган ҳолда, етказиб берувчидан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20%и миқдоридан жарима ундиришга ҳақли.

Фуқаролик кодекси ҳам бундай вазиятда сотиб олувчи томонида:

- сотувчи олди-сотди шартномаси шартларини бузиб, сотиб олувчи шартномада белгиланган миқдордан кам товар топширган бўлса, сотиб олувчи ё товарнинг етишмаётган миқдорини топширишни талаб қилишга, ё топширилган товардан ва унинг ҳақини тўлашдан бош тортишга ҳақли. Борди-ю унинг ҳақи тўланган бўлса – тўланган пул суммасини қайта-

риб беришни талаб қилишга ҳақли (ФК 399-м. 1-қ.);

- агар олди-сотди шартномасида сотувчининг сотиб олувчига муайян товарлар тўпламини бут ҳолида бериш мажбурияти белгиланган бўлса, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ва мажбуриятнинг мохиятидан келиб чиқмаса, сотувчи тўпламга кирадиган барча товарларни сотиб олувчига бир вақтда топшириш шарт (ФК 412-м.);

- бут бўлмаган товар топширилган тақдирда, сотиб олувчи ўз ихтиёрига кўра сотувчидан харид нарҳини мутаносиб равишда камайтиришни ёки товарни оқилона муддатда бутлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Тегининча, агар сотувчи оқилона муддатда сотиб олувчининг товарни бутлаш тўғрисидаги талабини бажармаса, сотиб олувчи ўз ихтиёрига кўра:

- бутланмаган товарни бут товарга алмаштиришни талаб қилишга;
- олди-сотди шартномасини бажаришдан бош тортишга ва товар учун тўланган пул суммасини қайтариб беришни, шунингдек етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Агар олди-сотди шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ва у мажбуриятнинг мохиятидан келиб чиқмаса, кўрсатилган чоралар сотувчининг сотиб олувчига бут товарларни топшириш мажбурияти бузилган ҳолларда ҳам қўлланилади (ФК 413-м.).

## Камомад бухгалтерия ҳисобида қандай акс эттирилади

4-сон БҲМС «Товар-моддий захира»га (АВ томонидан 30.06.2020 йилда 3259-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ инвентаризация ўтказиш, камомаднинг сабабларини аниқлаш, айбдор шахсларни аниқлаш зарур ва х.к. (4-сон БҲМС 91, 92-б.).

Кўриб чиқилаётган вазиятда таҳмин қилиш мумкинки, аниқланган камомад учун қуйидагилар жавобгар бўлиши мумкин:

- етказиб берувчи (кейинчалик низоли вазиятларни олдини олиш учун, ушбу масалани етказиб берувчи билан тузиладиган шартномада тартибга солишни тавсия қиламиз);

ёки

- корхонанинг моддий жавобгар шахслари (масалан, омбор мудири ушбу тўпламни омборга кириб қилишда эътиборли бўлмаган). Ходим иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарарни тўлаши шарт. Агар етказилган зарарнинг миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ортқ бўлмаса, ходимнинг розилигидан қатъи назар,

зарар меҳнат ҳақидан ушлаб қолинади (МК 164-м. 5-б., 198-м.).

Корхонада инвентаризация ўтказиш ва камомаднинг сабабларини аниқлаш натижаларига биноан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилиниши керак:

1) етказиб берувчидан камомадни қоплашни талаб қилиш;

2) камомадни моддий жавобгар шахсдан тўлиқ ушлаб қолиш ёки – қисман ушлаб қолиш, қисман харажатларга ҳисобдан чиқариш;

3) зарарни тўлиқ зарарларга ҳисобдан чиқариш.

Иш берувчи зарар етказилган чоғдаги аниқ ҳолатларни ҳисобга олиб, айбдор ходимдан зарарни ундиришдан қисман ёки тўлиқ воз кечишга ҳақли (МК 200-м.).

Инвентарлаш вақтида камомад аниқланган кам чиққан ТМЗнинг баланс қиймати айбдор шахслар аниқлангунга қадар камомадлар ва қимматликларнинг бузилишидан йўқотишлар счётида (5910-«Камомадлар ва қимматликларнинг бузилишидан йўқотишлар») бухгалтерия счёти) акс эттирилади.

Инвентаризация натижасида аниқланган кам чиққан ТМЗ суммаси табиий йўқотишлар доирасида қонунчиликда белгиланган ҳолларда, шунингдек камомаднинг аниқ айбдорлари аниқланмаган ёки моддий жавобгар шахслардан уни ундиришнинг имкони бўлмаса, молия-ҳўжалик фао-

лияти натижаларига (давр харажатлари) киритилади. Бунга камомадни молия-ҳўжалик фаолияти натижаларига ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳисобот даврида амалга ошириш зарур. Агар бундай имконият мавжуд бўлса, камомад суммаси айбдордан ундирилади.

## Зарарнинг миқдори қандай аниқланади

Мулк ўғирланганда, кам чиққанда, қасддан йўқотиш ёки қасддан бузиш натижасида ҳамда бошқа ҳолларда етказилган зарар ҳажми бозор қиймати бўйича ҳисобланади. Уни аниқлаш учун қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

а) ишлаб чиқарувчи ташкилотлардан ва уларнинг расмий дилерларидан, товар хом ашё биржаларидан, кўчмас мулк биржаларидан ёзма шаклда олинган ҳудди шундай маҳсулотга доир нархлар тўғрисидаги маълумотлар;

б) Марказий банкнинг камомад (ортиқча) аниқланган санадаги ва тегишли мулкни сотиб олиш санасидаги курсларнинг нисбати шаклида аниқланган ҳисоб-китоб коэффицентини қўллаган ҳолда сотиб олиш санасидаги (тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда)

мол-мулкларнинг ЭКВдаги қиймати тўғрисидаги маълумотлар;

в) тегишли давлат идораларида мавжуд бўлган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

г) инвентаризация ўтказилаётган даврда ОАВ ва махсус адабиётларда эълон қилинган нарх даражалари тўғрисидаги маълумотлар;

д) тегишли мол-мулкнинг қиймати тўғрисида баҳоловчининг эксперт хулосаси (АВ томонидан 6.04.2004 йилда 1334-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 2, 3-б.).

Инвентаризация жараёнида аниқланган ТМЗнинг камомадни ҳақиқий (баланс) қиймати бўйича ҳисобдан чиқарилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Счётлар корреспонденцияси	
	дебет	кредит
Камомад акс эттирилди	5910-«Камомадлар ва қимматликларнинг бузилишидан йўқотишлар»	1000-«Материалларни ҳисобга олувчи счётлар»
<b>1. Агар камомаднинг айбдорлари аниқланган бўлса</b>		
Айбдор шахсларнинг моддий зарарни қоплаш бўйича қарзи акс эттирилди	4730-«Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи»	5910-«Камомадлар ва қимматликларнинг бузилишидан йўқотишлар»
Айбдор шахслардан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан материалларнинг бозор қиймати ва кам чиққан материалларнинг ҳақиқий қиймати ўртасидаги фарқ акс эттирилди:		
• бозор қиймати ҳақиқий қийматидан юқори	4730-«Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи»	9320-«Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда»
• бозор қиймати ҳақиқий қийматидан паст	9430-«Бошқа операция харажатлар»	5910-«Камомадлар ва қимматликларнинг бузилишидан йўқотишлар»
Ундирилиши лозим бўлган камомад суммаси айбдор шахсларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинди	6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашлар»	4730-«Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи»
<b>2. Агар камомаднинг айбдорлари аниқланмаган бўлса ёки моддий жавобгар шахслардан зарарни ундиришнинг имкони бўлмаса</b>		
Камомад суммаси зарарларга ҳисобдан чиқарилади	9430-«Бошқа операция харажатлар»	5910-«Камомадлар ва қимматликларнинг бузилишидан йўқотишлар»
<b>3. Агар камомадни етказиб берувчи ёки ташувчидан ундириш лозим бўлган камомад суммаси акс эттирилди</b>		
Етказиб берувчи ёки ташувчидан ундирилиши лозим бўлган камомад суммаси акс эттирилди	4860-«Даъволар бўйича олинган счётлар»	5910-«Камомадлар ва қимматликларнинг бузилишидан йўқотишлар»

## Солиқ оқибатлари

Агар айбдор шахслардан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан материалларнинг бозор қиймати уларнинг таннарихидан юқори бўлса, олинган даромадга:

- фойда солиғи (СК 297-м. 3-қ. 6-б.);

- ҳисобот (солиқ) даври яқунлари бўйича умумий жами даромадларидаги қишлоқ устулик қиладиган фаолият тури учун белгиланган солиқ ставкалари бўйича айланмадан олинган солиқ солинади (СК 463-м. 1-қ., 468-м. 3-қ.).

Агар ундириладиган сумма кам чиққан материалларнинг ҳақиқий қийматидан паст бўлса ёки камомаднинг

айбдорлари аниқланмаган бўлса, камомаддан қўрилган зарар фойда солиғи ҳисоб-китобида чегирилмайди (СК 317-м. 10-б.).

Илгари кам чиққан материаллар бўйича ҳисобга олинган ҚҚСга камомад аниқланган солиқ даврида тузатиш киритилиши (ҳисобга олишдан чиқарилиши) лозим. Фақат тузатишларни амалга оширишдан олдинги охириги 12 ой ичида олинган материалларга тузатиш киритилади (СК 269-м. 3, 9-қ.).

Агар материалларни йўқотиш ваколатли орган ёки корхонанинг ўзи томонидан белгиланган табиий йўқотиш нормаларидан ошмаса, ҚҚСга тузатиш киритилмайди.

✓ ИСЛОХОТ ОДИМЛАРИ

## ЭКСПОРТ-ИМПОРТ ЖАРАЁНЛАРИ ЖАДАЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш борасида муҳим ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, тадбиркорлик фаолияти кенгайиб, экспорт-импорт жараёнлари жадал давом этмоқда.

Биргина Тошкент шаҳар божхона бошқармаси «Сирғали» ТИФ божхона пости томонидан ўтган йилнинг ўн икки ойлик даврида божхона постида 48 151 та божхона юк декларациялари расмийлаштирилиб, улар бўйича 2 трлн 490 млрд сўмлик божхона тўловлари давлат бюджетига ўтказилган.

Шунингдек, мазкур божхона постида 7 980 та божхона кўриги жараёнлари амалга оширилиб, кўриklar натижасида 206 та ҳолатда 104 млн сўмдан ортик қийматдаги ноқонуний товарлар борлиги аниқланди ва улар бўйича 569 млн сўмлик қўшимча божхона тўловлари ҳисобланди.

Хавфни бошқариш тизими доирасида товарларга расмийлаштирилган божхона юк декларацияларига назар солса, уларнинг 21 фоизи «қизил», 39 фоизи «сарик» ҳамда 40 фоизи «яшил» йўлақларда соддалаштирилган тартибда божхона назорати ва расмийлаштирувдан ўтказилган.

Божхона назорати ва расмийлаштируви жараёнида яратилган қулайликлар тадбиркорлар томонидан, айниқса, экспортёрлар томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда.

Пост ходимлари эса мамлакатимизда олиб борилётган иқтисодий-ижтимоий ислохотларга ҳамоҳанг тарзда ўзларига юклатилган хизмат вазифаларини виждонан, ҳалол бажариб, мамлакатимиз равнақиға ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда.

**Жаҳонгир САТТОРОВ,**  
«Сирғали» ТИФ божхона пости ходими.

ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

## РАНГЛИ МЕТАЛЛ «ЖИЛВАСИ»

Сирдарё вилояти божхона бошқармаси Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бўлими тезкор ходимлари вилоят ИИБ ЙҲХБ вакиллари билан ҳамкорликда рангли металл парчаларининг ноқонуний айланувиға қарши курашиш борасида тезкор тадбир ўтказди.

Сирдарё туманида ўтказилган тадбир давомида Жиззах–Тошкент йўналиши бўйлаб ҳаракатланган И.Ф. бошқарувидаги «Исузи» юк автомашинаси белгиланган тартибда тўхтатилиб, кўздан кечирилди. Натижада автомашинанинг юкхонасида ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган, дастлабки қиймати 11 млн сўмдан ортик 2 339 кг алюмин парчалари борлиги аниқланди.

Ушбу ҳолат юзасидан ҳозирда суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

**Сирдарё вилояти божхона бошқармаси**  
**Аҳборот хизмати.**

«Божхона» бўлимини махсус муҳбиримиз Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.



**Экспорт қилувчи миқсозга тўловлар бўйича бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини тақдим этди, яъни 90 кун.**  
**Бу борада қандайдир чекловлар борми? Қандай жарималар қўлланилади? Булар қайси ҳужжатларда белгиланган?**



ПОЧТА КУТИСИ

## 180 КУНДАН КЎП ЭМАС

– Мазкур масала Ташки савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида низо (14.05.2020 йилдаги 283-сон ВМКга 1-илова) билан тартибга солинади.

Экспорт контракти бўйича тушум тушиши ёки товарларни қайта олиб кириш муддати товарларга нисбатан – «Экспорт» божхона режими бўйича БЮД расмийлаштирилган санадан ва хизматларга (ишларга) нисбатан – бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси имзоланган санадан бошлаб **180 кундан ошиб кетмаслиги керак.**

Бунда энгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) таъсири юзага келган ҳолатда хорижий валютадаги тушумнинг тушиши муддати ушбу таъсир юз берган давлатнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган, энгиб бўлмайдиган кучнинг амал қилиши даврига узайтирилади (Низомнинг 24-б.).

**Маълумот учун.** Экспорт контрактлари бўйича тўловлар вакил банклар орқали амалга оширилган ва вакил банкнинг банк воситачилик ҳақи экспорт қилувчининг ҳисобрақамига тушувчи маблағлар ҳисобга тўланадиган ҳолларда, у дебиторлик қарз сифатида ҳисобга олинмаслиги керак. Бу ҳолда банк восита-

**чилик ҳақи экспорт қилувчи балансининг хароҷат қисмида ҳисобга олинади (Низомнинг 25-б.).**

Чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчилар, шунингдек, «Эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштиришни, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишни **30 банк кунидан ортик** таъминламаган импорт қилувчилар (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун – **60 банк кун**) белгиланган муддатлар таом бўлгандан кейин республика бюджетига даромадиға **жарима тўлайдилар.** Жарима тушмаган валюта маблағлари ёки «Эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилмаган товарлар, шунингдек бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар суммасининг қуйидаги миқдориди белгиланади:

- 180 кунгача кечикканди – 10 фоизга тенг;
  - 180 кундан 365 кунгача кечикканди – 20 фоизга тенг қўшимча;
  - 365 кундан ортик кечикканди – 70 фоизга тенг қўшимча миқдориди (Низомнинг 27-б.).
- Товарларни республикага олиб кириш ва «Эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимига расмийлаштириш,

шунингдек, ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатиш ёхуд улар учун тўланган пул маблағларини қайтариш муддати импорт контрактлари бўйича тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 180 календарь кундан ортик бўлмаслиги кераклигини эслатиб ўтамай (Низомнинг 23-б.).

Чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчиларга, шунингдек, «Эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштиришни, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишни таъминламаган импорт қилувчиларға давлат солиқ хизмати органи томонидан жарима қўллаш тўғрисида талабнома юборилади. Жарима суммаси уни жўнатиш санасидаги ЎзР Марказий банки валюта курси бўйича сўмда ҳисобланади (Низомнинг 28-б.).

**Маълумот учун.** Ҳужжалик юристувчи субъектларнинг ташқи савдо контрактлари ва инвойслари мониторинги валютани назорат қилувчи органлар ва тижорат банклари томонидан ТСОЯЭАТ орқали амалга оширилади. Бунда ушбу органлар ва тижорат банклари ўртасида ТСОЯЭАТда шаклланди маълумотларни ўзаро талаб этиш тақдирланади. (Низомнинг 22-б.).

## РАСМИЙЛАШТИРИШ УЧУН ВАҚТ



**БЮД расмийлаштирилиши керак бўлган вақт қайси ҳужжатда кўрсатилган?**

– Товарлар ва (ёки) транспорт воситалари божхона расмийлаштирувнинг бошланиши ва тугалланиши Божхона кодексининг 148-моддасида белгиланган. Товарларнинг ва (ёки) транспорт воситаларининг божхона расмийлаштируви ҳамда тақдим этилган ҳужжатларни текшириш божхона декларацияси қабул қилинган ва барча зарур ҳужжатлар ҳамда маълумотлар тақдим этилган кундан эътиборан **3 иш кун** ичида божхона органи томонидан амалга оширилади. Кўрсатилган муддат бошқа давлат органлари томонидан товарлар ва (ёки) транспорт воситалари юзасидан назоратни амалга ошириш учун зарур бўлган вақтни ўз ичига олмайди.

Бунда божхона расмийлаштируви божхона органига товарлар ва (ёки) транспорт воситалари хусусида ҳужжатлар тақдим этилган пайтдан эътиборан бошланади.

Божхона расмийлаштируви божхона органи ва декларант ёхуд ваколатли шахс ўртасидаги товарларни божхона режимига жойлаштириш ва (ёки) божхона режимининг амал қилишини тугаллаш,

божхона тўловларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш ёхуд БКда назарда тутилган бошқа ҳаракатларни бажариш билан боғлиқ бўлган муносабатлар тартибга солинганидан кейин тугалланади.

**Маълумот учун.** Товарлар жисмоний шахслар томонидан нотижорат мақсадларида олиб ўтилганда (БКнинг 162-м.) божхона расмийлаштируви озгаки маълум қилинган ёхуд жисмоний шахснинг божхона расмийлаштирувини амалга ошириш ниятидан далолат берувчи бошқа ҳужжатлар бажарилган пайтдан эътиборан бошланади.

Божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларнинг ва (ёки) транспорт воситаларининг божхона расмийлаштируви:

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ветеринария, фитосанитария назорати, экологик назорат ва бошқа турдаги давлат назорати амалга оширилганидан кейин;
- агар руҳсат этиш хусусиятиға эға ҳужжатларни олиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, мазкур ҳужжатларнинг мавжудлиги тасдиқланганидан кейин тугалланади.



ПОЧТА КУТИСИ

## ТАҚИҚЛАРСИЗ ЭКСПОРТ

**?** *Ўзилик тадбиркорнинг буюртмасига биноан унга ўзи ишлаб чиқарётган қандолат маҳсулотларини (печенье, вафли, махсус қадоқлардаги пирожнийларни) жўнатмоқчимиз. Товари Андижон орқали «Дўстлик» назорат-ўтказиш пунктига етказиб берамиз, бу ерда уни ҳамкоримизга топширишади. Чегара ҳозир очикми? Биз айтган маҳсулотларни олиб чиқишга тақиқ йўқми? Ўзимизнинг божхонага қандай ҳужжатларни тақдим этишимиз керак ва қандай божхона тўловлари тўланади?*

– Чегара очик. Шунга айтиш керакки, коронавирус пандемияси даврида мамлакатимиз ҳукумати томонидан экспорт-импорт операцияларини узлуксиз амалга ошириш учун барча шароитлар яратиб берилди.

Авал нон-булка маҳсулотлари (ТИФ ТН коди – 1905) Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари асосида экспорт қилинадиган буюмлар ва маҳсулотлар рўйхатига (15.12.2017 йилдаги ПФ-5286-сон Фармон) киритилган эди, 2018 йилдан эътиборан эса улар Рўйхатдан чиқарилди. Шу ўринда ундан тайёрланган қандолат маҳсулотлари, пирожнийлар, печенье ва шунга ўхшаш ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларга тақиқ ҳеч қачон қўлланилган эмас. Шу тариқа, сиз экспортга чиқаришга мўлжаллаётган маҳсулотларни ҳеч қандай чекловларсиз олиб чиқишингиз мумкин.

## Ҳужжатлар ва тўловлар

«Экспорт» божхона режимида олиб чиқиладиган товарларни божхонада расмийлаштиришда божхона органига қуйидагилар тақдим этилади:

- божхона юк декларацияси, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўловчи божхона декларациясини тўлдириб йўли билан товарларни декларациялаш ва электрон тижорат орқали битта инвойс бўйича 5 000 АҚШ долларигача бўлган товарлар (ишлар, хизмат-

лар) реализация қилиш ҳоллари бундан мустасно;

- транспорт ҳужжатлари, ўров варағи бундан мустасно (Рўйхатнинг 1 бўлими, 20.07.2015 йилдаги 197-сон ВМҚ билан тасдиқланган).

Ташки иктисодий фаолият иштирокчилари божхона брокерларига мурожаат қилмасдан БЮДни Интернет тармоғи орқали реал вақт режимида тўлдириб ва божхона органларига тақдим этиш ҳуқуқига эга (12.04.2018 йилдаги ПФ-5414-сон Фармоннинг 4-б.) эканлигини ҳам қайд этиш керак. Товарларнинг божхона расмийлаштирувида электрон декларациялаш тартиб-таомили тегишли Низом (31.07.2018 йилдаги 605-сон ВМҚга 1-илова) билан белгиланган.

Товарлар Ўзбекистондан экспорт қилинганда қуйидаги божхона йиғимлари тўланади:

- «Экспорт» божхона режимида расмийлаштирилганлик учун – божхона қийматининг 0,1 фоизи миқдорида, лекин базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизидан кам эмас;
- ходим томонидан «Экспорт» божхона режимига жойлаштириладиган товарни белгиланган жойдан ташқарида божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун, битта ходимнинг бир соатлик иши ҳисобидан – базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 фоизи миқдорида (Ставкаларнинг 1, 26-1-бандлари, 30.04.1999 йилдаги 204-сон ВМҚ билан тасдиқланган).

**?** *Россияда ишлаб чиқарилган ветеринария даволаш препаратларини импорт қилишни режалаштиряпмиз. Улар Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган. Шунинг ўзи сертификациядан ўтмасликка етарли бўладими, яъни божхонада сертификация ҳужжатларини талаб қилишмасмикин? Ветеринария препаратларини импорт қилишга имтиёзлар борми?*

## ВЕТЕРИНАРИЯ ПРЕПАРАТЛАРИНИ ОЛИБ КЕЛИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

– Ветеринария дори воситаларини импорт қилиш Ветеринария давлат қўмитаси томонидан бериладиган тегишли лицензия мавжуд бўлганда ва улар рўйхатга олинган тақдирда амалга оширилади.

Барча турдаги транспортда ташилладиган, давлат ветеринария хизмати назоратидаги товарларни импорт қилишга, шунингдек жисмоний шахсларнинг қўл ва багаж юкларига ёки почта жўнатмаларига рухсатнома бериш тартиби Давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни экспорт, импорт қилишга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит қилишга рухсатнома бериш тартиби тўғрисида Низом (15.03.2017 йилдаги 139-сон ВМҚга 4-илова) билан белгиланган.

Сиз олиб кирмоқчи бўлган ветеринария препаратлари Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария хизмати назоратидаги товарлар рўйхатига (Низомга 1-илова) киритилган-киритилмаганлигини фақатгина уларнинг ЎзР ТИФ ТН коди аниқлангандан кейин билиш мумкин. Агар бу товарлар мажбурий давлат ветеринария назоратидан ўтказилмаган бўлса, у ҳолда унутмаслик керакки, бу турдаги товарларнинг экспорт-импорти билан шугулланувчи барча юридик ва жисмоний шахслар, идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, улар ЎзР Давлат ветеринария хизмати назоратида бўладилар.

Маҳаллий ва импорт қилинадиган ветеринария дори воситалари ҳамда озукабоп

қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларга рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тартиби тегишли Низом (139-сон ВМҚга 3-илова) билан белгиланади.

**Маълумот учун.** Ветеринария давлат қўмитаси томонидан бериладиган тегишли лицензия мавжуд бўлганда ва улар рўйхатга олинган тақдирда ветеринария дори воситалари Ўзбекистонга олиб кирилади. Ишлаб чиқарувчи ташиқлот томонидан бериладиган сифати ва зарарсизлигини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлган тақдирда ветеринария сертификати керак бўлмайди (Низомнинг 16, 17-бандлари, 139-сон ВМҚга 4-илова).

## Божхона расмиятчиликлари

Божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви, шу жумладан, давлат ветеринария назорати амалга оширилганидан кейин тугалланади (БК 248-м.). Бу дегани, давлат ветеринария хизматининг рухсат этувчи ҳужжатларисиз товарни импортга божхона расмийлаштирувидан ўтказиб бўлмайди.

Божхона имтиёзларига келсак, Ўзбекистон ва МДХ мамлакатлари 2011 йил 18 октябрдаги Эркин савдо ҳудуди тўғрисидаги Шартномани унинг Томонлари ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида қўллаш ҳақидаги Баённомани (Минск, 2013 йил 31 май)

имзолашганини қайд этиш керак. Баённома Ўзбекистон ва Россия Федерацияси учун 2014 йил 16 майдан кучга кирган. Баённома доирасида мамлакатимиз РФнинг божхона ҳудудидан чиқадиган товарларни импорт қилишда божхона божини қўлламайди.

Эркин савдо зонаси мақоми асосида товарлар божхона божисиз олиб кирилади. Бунда товарларнинг келиб чиқиши товарга илова қилинувчи ҳужжатлардаги (маҳсулот маркировкаси ва ўрови, тайёрланган мамлакатини кўрсатган ҳолда шартнома, шартномадаги маълумотларнинг ўхшашлиги) билвосита белгилар билан эмас, балки келиб чиқиш мамлакатининг (сизнинг ҳолатда Россия) ваколатли органи томонидан берилган СТ-1 келиб чиқиш сертификатида товар тўғрисидаги маълумотлар бўйича назорат қилинади.

Шу туфайли божхона божини тўлашга доир имтиёзни олиш учун божхона органига товарнинг келиб чиқиш сертификати тақдим этиш керак бўлади. Бунда сертификатни тақдим этмаслик товарни чиқариб юборишни рад этиш учун асос бўла олмайди. Лекин бу ҳолда божхона божи ЎзР божхона тарифининг энг юқори ставкалари бўйича ундирилади. Бирок товар келиб чиқиши тўғрисидаги тегишли гувоҳнома товар божхонада расмийлаштирилган санадан эътиборан бир йилдан кечиктирмай тақдим этилган тақдирда, имтиёзли режим қўлланилади.

## ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

## ҲАР ИШНИНГ ЎЗ ҚОИДАСИ БОР

## Божхоначилар тиббий буюмлар ноқонуний олиб кирилишининг олдини олишди

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бўлими ходимлари божхона тўловларидан қочиш мақсадида товарларни йўл-юк кузатув ҳужжатларида кўрсатмаган ҳолда республикаимиз ҳудудига ноқонуний йўллар билан олиб киришга бўлган уринишларнинг олдини олишди.

Хусусан, юртимиз ҳудудига кириб келган хўжалик моллари «Инспекцион кўрик мажмуаси»да аниқланган маълумотлар асосида божхона кўригидан ўтказилганда юк кузатув ҳужжатларида кўрсатилмаган қиймати 605 млн сўмлик 24 турдаги тиббий буюмлар борлиги аниқланди.

Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан божхона органлари томонидан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилаётган.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Ахборот хизмати.



«Божхона» бўлимини махсус мухбиримиз Гўлнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги раислиги доирасида божхона соҳасида ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган қатор муҳим тадбирлар бўлиб ўтди. Ўтган ойда Тошкентда ўтказилган Ҳамдўстликка аъзо давлатлар божхона хизматларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари раҳбарлари кўмитасининг навбатдаги 21-мажлиси шулар жумласидандир. Видеоконференция тарзида ўтказилган мажлисда Арманистон, Беларусь, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон божхона хизматларининг масъул вакиллари иштирок этди.

МДХ БОЖХОНА ХИЗМАТЛАРИНИНГ  
ҲАМКОРЛИГИ ДОИРАСИДА

Томонлар МДХга аъзо давлатлар божхона хизматларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш йўналишидаги фаолиятини ривожлантириш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган Стратегияси лойиҳасини кўриб чиқишди. Мазкур ҳужжат ўзида божхона хизматларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш йўналишидаги фаолиятини ривожлантиришнинг умумий мақсадлари, асосий йўналишлари ва вазибаларини акс эттиради.

Энг муҳими, бунда иштирокчи давлатларнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида иқтисодий хавфсизликни таъмин-

режаси муҳокамалар марказида бўлди.

Иш режасини ишлаб чиқишда ўтган йиллар давомида тўпланган тажриба ва амалдаги қонунчилик базаси доирасида божхона соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашишдаги фаолиятнинг устувор йўналишлари инobatга олинган.

30 банддан иборат Режа нафақат ўзаро ҳамкорликнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, божхона соҳасида жиноятчиликнинг олдини олишда ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга хизмат қилади, балки мазкур мақсадда божхона қонунчилиги бузилишини

аниқлаш ва олдини олиш бўйича аниқ ташкилий ва амалий тадбирларни ҳам ўз ичига олади.

Шунингдек, Режада томонларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилишга доир маълумотларни ўзаро алмашиши, божхона текширувлари ва суриштирув соҳасида ходимларнинг малакасини ошириш, кинология хизматини такомиллаштириш каби масалалар устувор аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, Ҳамдўстликка аъзо давлатлар божхона хизматларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари раҳбарлари кўмитасининг навбатдаги 21-мажлиси келгусида мазкур йўналишда ўзаро ишончли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу эса нафақат ҳар бир аъзо давлатларда, балки бутун МДХ бўйлаб божхона қонунчилиги бузилишининг олдини олиш, айниқса наркотик моддалар савдоси, товарларни ноқонуний олиб ўтиш ва контрабандага чек қўйишда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Йўналиш якунида тегишли қарорлар қабул қилинди.

*Эслатиб ўтамиз, МДХга аъзо давлатлар божхона хизматларининг контрабанда ва божхона қонунчилигининг бузилишига қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳаракатларини мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилган Кўмита доимий коллегиал орган бўлиб, 2008 йилдан буён фаолият юртади. Кўмита таркибида гиёҳванд воситаларнинг халқаро савдосига, иқтисодий экинотчиликка қарши курашиш, божхона текширувлари ва суриштирув масалалари, кинология, ходимларнинг малакасини ошириш, ахборот-таҳлилий ҳамкорлик, интернет майдонидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш каби масалалар билан шугулланувчи 6 та ихтисослашган ишчи гуруҳ мавжуд.*

ДБК Ахборот хизмати.

САЙЁР ҚАБУЛ ҲАФТАЛИГИ

МАСАЛАЛАР  
МУРОЖААТЛАР  
АСОСИДА ҲАЛ ЭТИЛДИ

Тадбиркорларнинг божхона соҳасида дуч келаётган муаммоларини аниқлаш ва уларни қонуний ҳал этиш, аҳолининг божхона органларига бўлган ишончини янада ошириш божхона органлари олдида турган асосий иш тамойилларидан бирidir.



Ана шу тамойилни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг ташаббуси билан «Божхонада – сайёр қабул» ҳафталиги ўтказилди. «Тошкент-товар», «Арк булок», «Чукурсой», «Сирғали» ташқи иқтисодий фаолият божхона постларида тадбиркорлик субъектлари, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари ҳамда фуқаролар иштирокида ўтказилган ҳафталик доирасидаги сайёр қабулларда бошқарма бошлиғи Т.Саидов ҳам иштирок этди.

Сайёр қабуллар давомида 36 нафар фуқародан 55 та муурожаат келиб тушди. Бу муурожаатларнинг 40 таси бўйича тегишли тушунтиришлар берилди ва уларга ечим топилди, қолган 15 та муурожаат назоратга олинди.

«Сирғали» божхона постидаги сайёр қабул давомида «Beoz trade group» корхонаси вакили Ҳ.Якубов ўз муурожаатида уларнинг корхонасига Хитойдан бўёқ маҳсулотлари олиб келиниб, «Эркин муомалага чиқариш» божхона режимида расмийлаштирилганини айтди. Кейин маълум бўлишича, мазкур товарларнинг бир қисмига юртимизда талаб мавжуд эмас экан. Шу сабабли тадбиркор уларни қайтадан Хитойга экспорт қилиш масаласида ёрдам сўрабди. Унинг муурожаати юзасидан Ўзбекистон Божхона кодексининг 32–35-моддалари талаблари тушунтирилди ҳамда бу ҳолат юзасидан божхона органларига тегишли ҳужжатлар тақдим этилса, ҳеч қандай муаммосиз товарлар реэкспорт қилиниши мумкинлиги маълум қилинди.

Ўтказилган сайёр қабуллар давомида иштирокчиларга божхона соҳасида қабул қилинган янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти тушунтирилиб, уларда келтирилган талабларни амалиётда қўллаш бўйича тавсиялар берилди.

Шунингдек, бошқармада тадбиркорларнинг муурожаатларини онлайн ҳал қилиш учун телеграм ижтимоий тармоғида «Тадбиркорларга Тошкент божхонасидан кўмак» ([https://t.me/tshbb\\_tadbirkor](https://t.me/tshbb_tadbirkor)) номли гуруҳ яратилганлиги иштирокчилар эътиборига етказилди.

Оттабек ОДИЛОВ,

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси  
Ахборот хизмати раҳбари.



лашга қаратилган сайёр-ҳаракатларни бирлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Шу муносабат билан Кўмита томонидан ишлаб чиқилган МДХга аъзо давлатлар божхона хизматларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари раҳбарлари кўмитасининг янги таҳрирдаги низоми видеоконференция давомида атрофлича муҳокама қилинди.

Тадбирда яна бир муҳим ҳужжат – мазкур Кўмитанинг 2021 йилга мўлжалланган иш

<p><b>СОЛИК &amp; ХАБАРЛАРИ</b> БОЖХОНА</p>	<p>Бош муҳаррир <b>Фарҳод Собирович</b> ҚУРБОНБОЕВ</p>	<p>Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб Нодир Носирович <b>АЛИМОВ</b></p> <p>Саҳифаловчи Наталья <b>БАРАНОВА</b></p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1 ТЕЛЕФОН/ФАКС Таҳририят: (71) 200-00-90; E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АКТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламини жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига муурожаат қилиш мумкин.</p>	
<p>ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ</p>	<p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040. Ҳафтада бир марта шеанба кунлари чиқади.</p>			<p>Газета нашр – «TOPPRINT» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр курсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165. Қўғоз бичими – А3. Ҳажми – 8 босма табоқ. Баҳоси келишилган нарҳда. Буортма G132. Адади 505. Газета 2021 йил 11 январь соат 16.00 да топширилди.</p>	